O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 18-mart, 2009-yil • №12-13 (617) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.uzhurriyat.uz

"ҒУНЧА" БОЛАЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЖУРНАЛИГА АЙЛАНСИН

Таклифим: журнал таҳрир ҳайъати имкон қадар четдан, холис ижодкорлар орасидан танланиши лозим. Ҳайъат йиғилишларига келолмайдиган кишиларни аъзо қилиб қўйиш фойдасиздир.



➪ 4-бет

ҚУЁШИМ, ҚУВОНЧИМ, БАХТИМ, ЎЗЛИГИМ


Наврўз — Президентимизнинг Фармони билан тасдиқланган ҳақиқий байрамимиз. Гарчи уни халқимиз қадимдан қадрлаб келган бўлса-да, истиқлол йилларида Наврўз чинакам мазмун ва моҳият касб этди. У йилдан-йилга янги шакл-шамойиллар билан янада кўркамлашиб, ҳар биримизнинг қалбимизга, хонадонимизга, шаҳар ва қишлоқларимизга ўзгача файз бахш этмоқда.



➪ 5-бет

ДАМАШҚ ҚИЛИЧИНИНГ СИРИ

Амир Темурнинг ҳам ўз қиличсози бўлган экан. Уста соҳибқиронга доимий равишда афсонавий "белбоғ қиличи" ясаб берган. Бу шамшир дами ўткирлигидан ташқари ундан бемалол белбоғ сифатида фойдаланса бўлгани билан бошқаларидан яққол ажралиб турган.



➪ 14-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда саноат корхоналари ва хизматлар кўрсатиш соҳасида касаначилик меҳнатини ривожлантириш асосида кооперацияни кенгайтиришга тааллуқли қонун ҳужжатларининг Андижон вилоятидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.**

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 5 мартдаги Фармойишига биноан, юртимизда март — апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари деб эълон қилинди. Мазкур тадбирлар доирасида юртимизда 14-15 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.
  Унда 16 миллион нафардан зиёд аҳоли иштирок этди.

- **Германия Федератив Республикасининг Бонн шаҳрида "Хоразм вилояти ва Оролбўйи ҳудудида тадқиқот ва илмий фаолият тажрибаси" мавзуидаги ахборот тадбири бўлиб ўтди. У Орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазият ҳамда минтақада сувдан фойдаланиш масалаларига бағишланди.**

- 22 апрель куни Москва шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) Ишчи кенгаши ШҲТ ҳудудида қайта суғурта механизмларини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларига бағишланган давра суҳбати ўтказилади.
  Давра суҳбатининг мавзуси «ШҲТ қайта суғурта бозорининг аҳволи ва истиқболлари» бўлиб, ШҲТ Ишчи кенгаши бошқаруви йиғилиши қарорлари доирасида уюштирилади.
  Тадбирда ШҲТга аъзо давлатлар қайта суғурта ташкилотлари кундалик амалиётда дуч келаётган ҳамда ШҲТ қайта суғурта бозорини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи долзарб муаммолар ва мураккаб масалаларни муҳокама қилиш мўлжалланган.

НАВРЎЗ — ардоқли айём

ФАХР



Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос шундай қадрият ва анъанлари бўладики, у миллатнинг борлигини, улуғлигини намоён этиб туради. Миллат билан бирга яшайди, бирга улғаяди, тараққий топади. Халқимиз тарихи ва маданиятининг бир бўлаги бўлган Наврўз ҳам қадимий бўлиши билан бирга, ҳар йили биз билан бирга янгиланиб, янгланиб бораётган улуғ ва навқирон бир байрамдир.

Тарихий манбаларда, жумладан, Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём, Алишер Навоий каби алломаларимизнинг асарларида ва бошқа манбаларда Наврўз айёми, у билан боғлиқ урф-одатлар ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадим халқлардан қолган ёдгорликлар» деб номланган асарида ҳам бу байрамга катта ўрин ажратади. Унинг келиб чиқиши, тарихи ҳақида фикр юритади. Буюк бобомиз Алишер Навоий бу шодиёна ҳақида «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз», — дейди.

Қайси бир даврни олиб қарамайлик, бу Қошғарий асрими ёхуд Амир Темур замони — Наврўз катта майдонларда, сайлгоҳларда зўр тантана билан нишонланган. Фақат шўролар давридагина бу қутлуғ айём қувғинга учради, ҳатто миллат ҳаёти ва хотирасидан буткул ўчириб ташлашга ҳаракат қилинди. Мустақилликдан сўнггина яна ўз ўрнини топди, янгича мазмун ва моҳият касб этди. Чинакамига халқ сайли шодиёнасининг тантанасига айланди. Юртбошимиз Ислом Каримов айтганидек: **«Наврўз халқимизнинг юрагини ва ёруғ туйғуларини, ўлмас руҳи ва маънавиятини ўзида ёркин намоён этадиган энг қадимий, энг ардоқли, асл миллий байрамимиздир».**

Наврўз аслида — янги кун, янги фасл, янги йил демак. Халқимиз уни йилбоши ҳам деб атайди. Наврўзни қайси ном билан атамайлик, у ҳақиқатдан ҳам миллатнинг улуғ куни, тозариш, яшариш, янгиланиш, юксалиш байрами бўлиб қолаверади.

(Давоми 3-бетда.)

ЖУРНАЛИСТИК НАТЮРМОРТ

Натюрморт – мўйқалам усталарининг энг гўзал жанрларидан. Истеъдодли рассомларнинг турли мевалар тасвири мисолида яратган асарлари ҳар қандай кишининг эътиборини тортиши табиий. Шу боис уларга қайсидир маънода муқаллид бўлгимиз, журналистик кузатув натижасида топган хабар ва ахборотларимизни натюрморт тарзида ўқувчиларга тақдим этгимиз келди. Мазкур "Туркум"ни нафақат мамлакатимизнинг турли вилоятларида фаолият кўрсатаётган мухбирлар, балки хорижий ахборот агентликлари, интернет сайтларида турфа янгилик ва маълумот тарқатадиган ҳамкасбларимизнинг ижод маҳсулларидан жамладик. Бу ноанъанавий "натюрморт"га баҳо бериш ва хулоса чиқариш муштарийларга ҳавола.

ОЛ ОЛМАНИ ОЛМА...

Жаҳон молиявий инқирози Япониядаги 1300 та компаниянинг таназзулга учрашига сабаб бўлди. Бу компаниялар қарзларининг умумий миқдори 1,23 триллион иена (қарийб 12,5 миллиард АҚШ доллари)ни ташкил қилади. Жорий йилда Япониядаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи бир неча фирма ва компания хонавайрон бўлиши мумкин. Экспертларнинг айтишича, кескинлик сақланиб тураверса, йирик компанияларнинг ишлаб чиқариш ҳажми 42,8 фоизга пасаяди. Айниқса, автомобилсозлик компанияларининг аҳволи анча оғир. Уларнинг даромади 91,6 фоизгача қисқариши мумкин экан.

* * *

Ўзбекистонда қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига атаб қурилаётган объектларнинг ўзи жуда катта миқёсда давом этаётир. Муҳими, бу жараён бутун мамлакатни қамраб олган. Амударё узра барпо этилаётган муаззам кўприк, жойларда қад ростлаётган муҳташам коллеж ва лицейлар, спорт ва санъат мактаблари, темир ва автомобиль йўллари, турар жойлар, ижтимоий ва маиший бинолар шулар жумласидандир. Қурилган иморатларнинг фойдаланишга топширилгани ҳақидаги хабарларни эса деярли ҳар куни эшитамиз. Мисол учун, куни кеча Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида икки қаватли "Ҳумо" савдо маркази қуриб битказилди. "Зулхумор-Зебо" кўп тармоқли хусусий фирмасига қарашли бу мажмуа Шаҳанд, Олтин водий қишлоқлари ҳамда Оқтош шаҳарчасида яшовчи аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилади. Бу ерда, шунингдек, уй-рўзғор буюмлари, болалар учун ўйинчоқлар, идора ва ўқув қуролларини ҳам харид қилиш мумкин. Савдо марказининг иккинчи қаватида қандолатчилик ва макарон цехлари ташкил этилади. Ҳозир технологик жиҳозлаш ишлари якунланмоқда. Қисқа вақтда маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Натижада олтмиш киши иш билан таъминланади.

* * *

АҚШда 5,4 миллион киши бошпанасиз қолиш хавфи остида турибди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Кредитни вақтида тўлай олмаган уй эгалари турар-жойларни қайтармоқда. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ишсизликнинг кўпайиши оқибатида уйсиз қоладиганлар сони кескин ошиши кутилаётир. Бу айниқса, Калифорния, Флорида, Невада, Аризона ва Мичиган штатларига тааллуқли. Ҳукумат уй эгаларига енгиллик яратиш мақсадида кредит муддатини узайтиришга ҳаракат қилмоқда.

* * *

Ўзбекистонда биргина 2008 йил давомида банклар томонидан аҳолига 241 миллиард сўм миқдорида ипотека кредити ажратилди. Бу 2007 йилга нисбатан қарийб 74 фоиз кўпдир. Ёш оилаларга берилган имтиёзли кредитлар қарийб 70 миллиард сўмни ташкил этди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида банклар маблағи ҳисобидан 87 та кўп қаватли турар-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўтган йили аҳолига 177,5 миллиард сўм миқдорида истеъмол кредити берилди. Истеъмол кредитларининг юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш учун ажратилиши, ўз навбатида, маҳсулот тайёрловчилар фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

* * *

"Опель" автомобиль концернининг банкротлик ҳолатига тушиши натижасида Германиядаги 100 минг киши ўз иш ўрнидан ажралиши кутилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

КЎЗГУ

Ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимояси

фуқароларнинг фаровонлигини ошириш, Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишга чорлайди

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш тамойилининг таъминланиши ҳақиқий демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар марказида ҳар доим биринчи ўринда — инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари туради.

Мустақиллик йилларида юртимизда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга дахлдор бўлган босқичма-босқич либерал суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга оширилмоқда.

Аслида "Инсон ҳуқуқлари" кенг қамровли тушунча бўлиб, у туғилишдан тортиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида фуқаронинг эркин иштирок этишгача бўлган ҳуқуқларига тааллуқлидир. Халқаро даражада бир томондан фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳамда иккинчи томондан, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар фарқланади. Айни пайтда инсоннинг барча ҳуқуқлари универсал, бўлинмас, ўзаро бир-бирига боғликдир.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари ҳамда кафолатлари билан бир қаторда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ташкилий механизм, тегишли инфратузилма ҳам ташкил этилди.


Республикада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини суд ҳамда суддан ташқари ҳимоя қилиш бўйича институтлар тизими шакллантирилиб, фаолият кўрсатмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий механизмлари ҳақида сўз борганда шуни таъкидлаш жоизки, Адлия вазирлиги ҳам судлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий маркази билан бир қаторда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланадиган ихтисослаштирилган асосий муассаса ҳисобланади.

Юртимиз мустақилликка эришгач, Адлия вазирлиги ва унинг органлари фаолиятида янги босқич бошланди. Биринчи навбатда, демократик ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашга қаратилган давлат ҳуқуқий сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш борасида Адлия вазирлигининг роли кучайтирилди.

2 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

Бир йилга тақиқланди



Судан ҳукумати раҳбари Умар Ҳасан ал-Башир мамлакатда иш олиб бораётган халқаро инсонпарварлик ташкилотлари фаолиятини бир йил муддатга тақиқлади. Унинг буйруғи билан шу ойнинг бошида 13 та чет эл нодавлат ташкилотлари гуруҳлари мамлакатдан чиқариб юборилган эди. Президент уларни халқаро суд билан ҳамкорлик қилишда айблади.

Ҳозиргача мамлакат ҳудудида 70 га яқин халқаро инсонпарварлик ташкилотлари вакиллари бор эди. Бундан буён уларнинг вазифасини маҳаллий инсонпарварлик ташкилотлари бажаради. Президентнинг қайд этишича, Суданга инсонпарварлик ёрдамини жўнатиш мумкин, аммо уни маҳаллий инсонпарварлик ташкилотлари аъзолари тарқатади.

Расмий Вашингтон ҳам Судандаги элчихонасининг барча ходимларига мамлакатдан чиқиб кетишни тавсия қилди.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми ўн биринчи саҳифада) 11»

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.





Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди.

Умар ХАЙЁМ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимояси

(Бошланиши 1-бетда.)

Шу бҳасиз, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги 370-сон қарори Адлия вазирлигининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятида муҳим қадам бўлди. Бу борада шуни таъкидлаш керакки, адлия органлари зиммасига бевосита инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ва у билан боғлиқ вазифалар юкланди. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги таркибида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасида унинг бўлимлари ташкил этилди.

Адлия органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини кўриб чиқишда шуни таъкидлаш лозимки, у бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш ва қайта тиклашни таъминлайдиган бошқа органларнинг ваколатларини бекор қилмайди, қайта кўриб чиқишни талаб қилмайди ва такрорламайди, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суддан ташқари ҳимоя қилиш бўйича мавжуд воситаларни тўлдиради.

Хусусан, Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида адлия органлари зиммасига юкланган бошқа вазифалар билан бир қаторда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилгани ҳақидаги мурожаатларини холис ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилгани тўғрисидаги далиллар аниқланган ҳолларда қонунга мувофиқ уларни тиклаш чораларини кўрмоқда. Бундай қонунбузарликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан эса тақдимнома киритиш каби таъсир чоралари қўлланилмоқда.

Бундан ташқари, фуқаролар манфаатлари учун судларга даъво аризалари киритилмоқда, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қўпол бузилган ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки судларга мансабдор шахсларни жавобгарликка, ҳаттоки, жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифлар тақдим этилмоқда. Масалан, 2008 йилда шикоятлар устида ишлаш умумий таҳлили шуни кўрсатдики, келиб тушган жами мурожаатларнинг 64,3 фоизида фуқароларнинг ҳуқуқларини адлия органлари ёрдамида тиклашга эришилган. Жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш мақсадида тегишли идораларга 871 та тақдимнома киритилди, улардан 810 тасининг ижроси таъминланди. Киритилган тақдимномаларнинг идоралар мисолида таҳлил этадиган бўлсак, 151 таси ҳокимликларга, 53 таси ички ишлар органларига, 34 таси коммунал хизмат кўрсатиш хизматларига, 26 таси тижорат банкларига, 9 таси солиқ органларига, 9 таси ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларига, 4 таси суд органларига, 1 таси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, 1 таси Соғлиқни сақлаш вазирлигига, 522 таси бошқа ташкилотларга юборилган.

Бундан ташқари, қонунга зид 15 та ҳужжатлар ижроси тўхтатилган, 223 та ҳужжат ижроси эса бекор қилинган, 1120 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, уларнинг 100 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Мисол учун, Наманган шаҳар халқ таълим бўлимига киритилган тақдимномага кўра, Наманган вилояти Норин туманида истиқомат қилувчи фуқаро Н.Рустамованинг уни ишдан ноконуний бўшатилгани ҳақидаги мурожаатини кўриб чиқиш якуни бўйича Н.Рустамова вазифасига тикланди.

Шунингдек, киритилган тақдимномаларга мувофиқ фуқароларга 669 миллион сўмдан ортиқ маблағ тўланди. Жумладан, меҳнат ва ижтимоий масалалар соҳасида 342 миллион, халқ таълими соҳасида 18,4 млн. сўм, бошқа масалалар юзасидан 309 миллион сўмдан ортиқ маблағ фуқаролар фойдасига ундирилди.

Масалан, «Ўзбекқишлоқмаш» ОАЖга иш ҳақини тўлаш тўғрисида киритилган тақдимномага кўра ушбу корхонанинг 353 нафар ишчисига 77 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи тўланди. «Навоийсаноаттранс» шўъба корхонаси 23,3 миллион сўм, Навоий вилояти Қизилтепа тумани Машина-трактор парки 9,25 миллион сўм Навоий вилоятидаги Машина-трактор парклари бирлашмаси 18,4 миллион сўмлик фуқароларнинг иш ҳақларини тўлаб берган.

Яна шуни таъкидлаш керакки, аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликка маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида 291 та таклиф киритилди, уларнинг асосида 296 нафар айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Жумладан, Бухоро вилоят Жиноий ишлар бўйича Қоракўл туман судига Қоракўл тумани ҳокимлиги ходимларини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида киритилган тақдимномага кўра фуқаролар П.Яхшиев, И.Алезов, М.Бозоров, Х.Жумаев ва бошқаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш якунлари бўйича туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Хасанов ва ўринбосар Т.Раҳимов, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи И.Очилов, бош меъмор Б.Раҳматов, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи ҳамда мутахассиси Н.Авезов ва Н.Муталовлар суд қарорига биноан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида 28 та таклиф киритилди ва уларнинг 31 нафари ҳуқуқни мухофаза қилиш органлари томонидан жавобгарликка тортилди. Масалан, Тошкент вилояти Қибрай тумани прокуратурасига киритилган таклифга кўра, фуқаро М.Қорабоеванинг 27-мактаб маъмурияти, шу мактаб директори ва директор ўринбосарининг хатти-ҳаракатларидан норозилиги ҳақидаги мурожаатини кўриб чиқиш натижалари бўйича Э.Исматов ва М.Валиев ЖК 205-моддаси биринчи қисми ва 209-моддаси биринчи қисми, ушбу мактаб ўқитувчиси Н.Жўраев ЖК 228-моддаси учинчи қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортилди.

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани прокуратурасига киритилган таклифга кўра, фуқаро Л.Шадринанинг аризасини кўриб чиқиш натижалари бўйича Тошкент вилояти Оҳангарон тумани давлат нотариал идораси нотариуси А.Ҳамраев, Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси И.Имонов ва фуқаро З.Қутлиғуломова ЖК 209-моддаси биринчи қисми ва 228-моддаси иккинчи қисмининг "б" банди бўйича жиноий жавобгарликка тортилди.

Адлия органлари томонидан судларга қиймати 393 миллион сўмдан ортиқ 1499 та даъво аризалари тақдим этилган. Уларнинг қиймати 260 миллион сўмдан ортиқ 1125 таси қаноатлантирилди, қиймати 247 миллион сўмга тенг 1014 тасининг ижроси тўлиқ таъминланди. 103 та даъво аризаси бўйича суд қарорига мувофиқ 32 нафар мансабдор шахсдан етказилган 2,9 миллион сўмдан ортиқ маънавий зарар ва 7,8 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар ундирилди.

Мисол учун, суд қарорига биноан "4-қурилиш трести" ОАЖдан 218 нафар ишчига иш ҳақини тўлаш учун 46 миллион сўмдан ортиқ, "Мотор заводи" ОАЖдан 76 нафар ишчига тўлаш учун 20 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақлари тўланиши таъминланган.

Шунингдек, маънавий зарарни қоплаш мақсадида суд қарорлари билан "Саноатэнергиямонтаж" ОАЖдан фуқаролар Г.Энверова, Х.Бурхонов, Б.Аламов, О.Кислицина ва бошқалар фойдасига 289 минг сўм ундирилди.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тадбиркорлик соҳаси вакилларининг ҳиссаси катта. Шу боис тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларни муаммосиз рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш бўйича ишлар адлия органларининг доимий эътиборидадир. Адлия органлари томонидан ўтган давр мобайнида 11543 нафар юридик шахс давлат реестрига киритилди, 2008 йилда қарийб 453 нафар юридик шахс давлат рўйхатидан ўтди.

Тадбиркорларни рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклаш ва турли ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўрилмоқда. Бу борада юзага келадиган муаммо ва тўсиқларнинг ўз вақтида олдини олиш мақсадида адлия органларининг "Ишонч телефонлари" ташкил этилди. Ўтган йилда ушбу телефонлар орқали тадбиркорлардан 2262 та мурожаат келиб тушди, уларнинг 1294 таси ижобий қаноатлантирилди.

Ўтган йили жойларда адлия ходимлари томонидан ўтказилган 7 мингдан ортиқ текширув натижасида 187 мингта ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, тадбиркорларни рўйхатга олиш борасида 2335 та, банк соҳасида 8079 та, солиққа тортиш борасида 861 та, лицензия ва бошқа рухсатномалар бериш соҳасида 3997 та, рухсат этилмаган текширув ўтказиш (56) ва текширув тартибини бузганлик бўйича 748 та, ер ажратишда 1215 та, шартнома тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш соҳасида 122041 та, бошқа соҳаларда 47755 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилди.

Ҳуқуқбузарликларни содир этган айбдор шахсларга нисбатан қатъий жазо чоралари кўрилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари, хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокида тузилган корхоналарнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида адлия органлари томонидан 2069 та тақдимнома, 1472 та огоҳлантириш ва 325 та кўрсатма киритилди. Ушбу таъсир кўрсатиш чоралари натижасида 2819 та нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 181 нафар шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Кўрилган чора-тадбирлар якунлари бўйича давлат бошқарув органларининг тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларига тўсқинлик қилувчи 548 та ноқонуний қарори бекор қилинди ҳамда тўхтатилди. Бундан ташқари, тадбиркорлар ҳуқуқларини қайта тиклаш мақсадида судларга қиймати 16,5 миллиард сўмга тенг 2823 та даъво аризалари тақдим этилди, қиймати 13,9 миллиард сўмга тенг 2205 та даъво аризалари судлар томонидан қаноатлантирилди.

Адлия органларига хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокида тузилган корхоналардан 505 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 350 таси (69,3%) қаноатлантирилди, 97 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокида тузилган корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 275 та тақдимнома ва 111 та таклиф киритилди. Натижада 244 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, тегишли органларга 48 нафар шахсни маъмурий жавобгарликка, 3 нафар шахсни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритилди. 576 нафар мансабдор шахс бундан буён қонун талабларининг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида адлия органлари шартномалар тузиш, ер ажратишда бевосита иштирок этишмоқда, тадбиркорлик субъектлари, асосан фермер хўжаликларига ҳуқуқий маслаҳат берилмоқда. Жумладан, адлия органлари ходимлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида 1 миллион 160 мингдан ортиқ шартнома тузишда иштирок этди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, чунончи, давлат эҳтиёжлари учун 2008 йилги ҳосилдан бошоқли дон сотиб олиш бўйича шартномаларни бажармаган фермер хўжаликларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва Олий хўжалик судининг қўшма кўрсатмасига мувофиқ кўрилган чоралар натижасида фермер хўжаликлари дон корхоналарига натура шаклида 94044 тонна ғалла топширди, 1 миллиард 812 миллион сўмга тенг зарарни ихтиёрий қоплашларига эришилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлики, Адлия вазирлиги томонидан 2008 йилда инсон ҳуқуқларини тушунтириш соҳасида республика бўйича 10991 та тарғибот ишлари ўтказилди, уларнинг 2003 таси оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлардир.

Республика аҳолиси орасида 6 мингдан ортиқ учрашувлар ўтказилди. Инсон ҳуқуқларига бағишланган китоблар ва журналларнинг ташкил этилган кўчма кўргазмасида ўзбек, рус, инглиз, француз, немис ва бошқа тиллардаги 1000 дан ортиқ китоб намойиш этилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинган жорий йилда қишлоқ аҳолиси манфаатларини тўлиқ ҳимоялашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, шунингдек, ушбу йўналишдаги амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш вазирлик учун устувор вазифалар ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 26 январда қабул қилинган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Адлия вазирлиги зиммасига юкланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида вазирликнинг соҳага оид дастури ишлаб чиқилди, унинг ҳар бир банди бўйича алоҳида масъул ижрочилар тайинланди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ушбу қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланишини ўрганиш, кенг оммага уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш адлия органлари ходимларининг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади. Ушбу вазифалар шак-шубҳасиз адлия органлари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Равшан МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси адлия вазири.

ОЛ ОЛМАНИ ОЛМА...

(Бошланиши 1-бетда.)

Бу эса мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар келтиради. Дуйсбург-Эссен университети профессори Фердинанд Дуденхеффер ана шундай фикр билдирган. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, "Опель"нинг инқирозга учраши туфайли концерн таркибидаги тўртта завод ва муҳандислик-конструкторлик марказида фаолият кўрсатаётган 29 минг ходимдан ташқари бутловчи қисмлар етказиб берадиган фирмаларда меҳнат қилаётган 50 мингга яқин киши ишсиз қолади. Бунга мавсумий ёлланадиган 20 мингдан зиёд одамни қўшадиган бўлсак, юз минг киши иш ўрнидан ажралиши мумкин.

* * *

Ўзбекистонда янги иш ўринлари очиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Сирдарё вилоятининг биргина Боёвут туманида ўтган йили 3266 та янги иш ўрни яратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 4600 га етказиш кўзда тутиляпти. Туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари ўринбосари Бахтиёр Сулаймоновнинг айтишича, яратилаётган иш ўринларининг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Касаначиликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳолининг бандлик даражасини оширишда муҳим ўрин тутади.

— Ўтган йили марказимизга мурожаат қилган фуқаролардан 2374 нафари иш билан таъминланди, — дейди Б.Сулаймонов. — 73 фуқаро касб бўйича қайта ўқишга жўнатилди. Юз нафарга яқини жамоат, 171 нафари эса мавсумий ишларга жалб этилди. 286 фуқарога вақтинча ишсизлик нафақаси тайинланди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Бу йил туман ҳудудида иккита савдо дўкони, минимаркет, умумий овқатланиш корхонаси ҳамда 18 маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Янги объектлар ҳисобига қўплаб янги иш ўринлари яратилади.

* * *

Иқтисодий инқироз туфайли 2009 йилда 4,5 миллион европалик доимий иш ўрнини йўқотиши мумкин. Бу ҳақда Европа иш берувчилар ташкилоти – «Бизнес-Юроп» президенти Эрнест Сейер маълум қилган. Унинг фикрига кўра, бу жуда жиддий кўрсаткич. Албатта, Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатлар ҳукуматларининг корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида кўраётган чоралари иш ўринларини максимал даражада сақлаб қолишга қаратилган. Лекин айни пайтда еврозонада ишсизлар 13 миллион 36 минг нафарни ташкил этмоқда. Ва улар сонининг ўсиш тенденцияси сақланиб қолаётир.

* * *

Ўзбекистонда 2009 йилда фақат қишлоқ жойларининг ўзида 65 минг, шу жумладан, чорвачилик, парранда-чилик ва иссиқхона хўжалигида 35 минг, қишлоқ хўжалиги ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлашда 8 минг, тикувчилик буюмлари, пойабзаллар, мебель ишлаб чиқаришда 9 минг, қандолатчилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашда 6 минг, маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 7 мингта янги иш ўрни очилади. Қишлоқ жойларида касаначиликни ривожлантириш орқали очилажак яна 70 мингта иш ўрни бу кўрсаткични икки баробар ошириш имконини беради. Энг муҳими, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида бу ишларнинг молиявий манбалари, муддати ва масъул муассасалар аниқ белгилаб қўйилган.

* * *

DairyNews.ru интернет сайтидаги хабарда айтилишича, Украинада гўшт ва гўшт маҳсулотларининг нархи ошиб бормоқда. Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, бу фақат халқаро молиявий инқироз билан боғлиқ эмас. Чунки мамлакат чорвачилиги инқирозга юз тутганига бир неча йилдан ошган. Мисол учун, Донецк областида 2008 йилда 178 минг бош қорамол ҳисобга қиёслайдиган бўлсак, бу кўрсаткич Иккинчи жаҳон уруши давридагидан ҳам бир неча баробар камлиги аён бўлади. Донецкда 1991-1995 йилларда жон бошига йилига ўртача 31 килограмм гўшт ва 162 килограмм сут тўғри келган бўлса, кейинги йилларда мазкур кўрсаткич мос равишда 19 ва 100 килограммгача пасайган.

* * *

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, мамлакатимизда қорамоллар бош сони ўтган йили 7,6 фоиз, қўй-эчкилар 7 фоиз ҳамда паррандалар 13 фоиз кўпайган. Натижада гўшт ва сут ишлаб чиқариш 6 фоиз, тухум етиштириш эса қарийб 10 фоизга ортган. Бу ютуқларда қорамол боқаётган ва чорвачилик маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжаликларига яратилган шароит муҳим омил бўлмоқда. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш орқали аҳоли иш билан таъминланаётгани ҳам иқтисодиётга, ҳам халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётир. Юртимизда аҳоли бандлигини ошириш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аҳолига ҳомийлар томонидан 103 минг бошдан зиёд қорамол тарқатилди. Бу орқали кўплаб оилаларга барака кирди. Мамлакатимизда гўшт ва сут тайёрлаш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда, мазкур соҳадаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархи эса пасайиб бораётир.

* * *

Россияда нашр этиладиган «Финансово-Экономический Бюллетень» журналида ёзилишича, мамлакатнинг биргина Оренбург вилоятида озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи компанияларнинг 60 фоиздан ортиғи ўз маҳсулотини сота олмаётган экан. Бу аввало халқаро молиявий инқироз одамларни янада тежамкор бўлишга мажбур этаётгани билан боғлиқ. Иккинчидан, мазкур компаниялар маҳсулотларининг сифати ҳам паст. «Финансово-Экономический Бюллетень» журналининг маълум қилишича, вилоят



дўконларидаги озиқ-овқатнинг 43 фоизи импорт маҳсулотлардан иборат.

* * *

Ўзбекистонда қишлоқда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарнинг кенг тармоғини ташкил этишга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётир. Мисол тариқасида яқинда Қўнғирот туманидаги Олтинкўл овулида иш бошлаган "Қўнғирот брезент" масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари тезда ўз харидорини топганини айтиб ўтиш жоиз. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга яратилаётган қулай шарт-шароитлар боис ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 58,6 фоизни ташкил этди. Олис овулда бунёд этилган ушбу янги корхонага уч юз миллион сўмликдан зиёд замонавий технология ўрнатилгани иш унумининг ошиши ва маҳсулот сифатининг яхшиланишини таъминламоқда. Корхонада 125 киши иш билан таъминланган.

— Ишчиларимизнинг малакаси ҳам ортиб бормоқда, — дейди корхона етакчи мутахассиси Дамегул Ўтепова. — Ҳозир соатига ўртача беш метр пишиқ брезент матоси тайёрламоқдамиз. Айни пайтда бу маҳсулотга талаб тобора ортиб бораётир. Корхонанинг тўқув, бўяш ва тикув цехларида асосан касб-ҳунар коллежларини тугатган ёшлар меҳнат қилмоқда. Корхона қошида этикдўзлик устахонаси, сартарошхона, новвойхона ҳам ташкил этилган. Келгусида жамият фаолиятини янада кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари очиш кўзда тутилмоқда.

* * *

Инсон табиати қизиқ: олма, анор ёхуд нокни қўлига олганда яхши экан, дейди. Аммо худди шу мевалар қойиллатиб чизилган суратга дуч келса, беихтиёр нигоҳи қадалиб қолади. Уни рангларнинг жозибаси ошуфта этади. Баъзан бозорга бориб мева танлаганингизда ҳам айни ҳолат сал ўзгача тарзда такрорланади. Кўзингизни қувнатган, олис юртлардан келтирилган қип-қизил олманинг таъми ўзимизнинг жайдари олмага яқин келолмаслиги аён. Шунинг учун айтилса керак-да, ол олмани олма, оқ олмадан қолма, деб...

Озод РАЖАБОВ саралади.

Хабарлар оқими



ҚАҲРАМОН АДИБГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясида Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан "Озод Шарафиддинов ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти" мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов, академик Бахтиёр Назаров, "Тафаккур" журнали бош муҳаррири Эркин Аъзам ва бошқа бир қатор таниқли адабиётшунос ва ёзувчиларнинг адиб ижоди ҳамда ҳаётига оид маърузалари тингланди.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
"Ниғтіуат" мухбири.

САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Тошкентнинг Шимолий темир йўл вокзалидан "Экология ва саломатлик кунлари" доирасида навбатдаги "Экосан – Ўзбекистон темир йўллари" саломатлик поезди Қорақалпоғистон Республикасига йўл олди.

"Экосан" халқаро ташкилоти ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси томонидан жўнатилган мазкур саломатлик поезди флюрография, электрокардиограмма тиббий ускуналари, стоматология хоналари ва шу каби бошқа зарур тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган. Ўн саккизта юқори малакали врач ва бир неча тиббиёт ходимлари "Қорақалпоғистон", "Бўстон", "Жаслық" бекатларининг темир йўл ходимлари ва мазкур ҳудудда яшовчи аҳолини тиббий кўрикдан ўтказади.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Ниғтіуат" мухбири.

МОЗИЙ ТИЛГА КИРГАНДА

Фарғона вилоятининг Бувайда тумани марказида маҳаллий ўлкашунослик музейи очилди.

Бу ердаги алоҳида қимматга эга бўлган ўндан зиёд осори атиқалар орасида "Бандикушод", "Биби Убайда", "Пошшопирим", "Султон Баёз" зиёраттоҳларига тегишли тарихий буюмларнинг қиймати алоҳида ўрин тутади.

Музей экспонатлари ўлканинг ўтган аср тарихидан ва мустақиллик йилларида амалга оширилган буюк ўзгаришлар хусусида ҳикоя қилади.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Ниғтіуат" мухбири.

ҚЎШМА КОРХОНАДА ИССИҚХОНА

Сариосиё туманидаги "Саховат" Ўзбекистон—Россия қўшма корхонасида 0,25 гектар майдондан иборат янги иссиқхона барпо этилди.

Корхонанинг шарбат тайёрлаш цехи ишчилари эндиликда деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни ҳам йўлга қўйишди. Айни кунларда иссиқхонада етти минг туп помидор парвариш қилинмоқда. Қайд этиш керакки, жамоа аъзолари фақат помидор етиштириш билан чекланиб қолишаётгани йўқ. Улар Францияниг "Клауз" компанияси билан биргаликда эртапишар ва серҳосил сабзавот турларини етказиб бериш борасида ҳам иш олиб бормоқдалар.

Даврон ОРИПОВ,
"Ниғтіуат" мухбири.

ТАЛАБАЛАР ҲАШАРДА

Наврўз олдидан юртимиз бўйлаб ўтган оммавий ҳашар пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам қизғин тус олди.

Шаҳарча ҳудудидаги 24 та олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг 15 мингдан ортиқ талаба ва ўқувчилари, 9 та маҳалла аҳлидан иборат ҳашарчилар саъй-ҳаракатининг самараси ўлароқ, ҳудуд бугунлай ўзгача қиёфа касб этди. Тадбир давомида жами 7000 туп мевали, 5500 та игна баргли дарахтлар ва 6000 га яқин турли гул кўчатлари экилди.

Элбек ЖУМАНОВ,
"Ниғтіуат" мухбири.

ҚАДРИЯТ

Наврўз — ардоқли айём

(Бошланиши 1-бетда.)

Ҳа, Наврўз шунчаки бир байрам эмас. У миллатнинг тарихи, фалсафаси, бадияти ва санъати, маданияти, мифологик, диний ва дунёвий дунёқарашини, илмий тафаккур тарзини ўзида мужассам этган қомусий бир айёмдир.

Наврўз кун билан тун тенг келган кундир. Қадимда йил тақвими, яъни фасллар алмашинуви, унинг қутбларини билиш кишилар фаолиятида муҳим аҳамият касб этган. Аждодларимиз қуёш, ой, юлдуз каби осмон ёритқичлари ҳаракатини кузатиб, улар ҳақида мукаммал билимга эга бўлганлар. Бу уларнинг кундалик, хўжалик, ижтимоий-сиёсий, маданий ва диний ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Аслида Наврўз ҳақидаги мавсумий маросимлар ва қўшиқлар моҳиятида ана шу жараёнлар ҳақидаги тасаввурлар ўз аксини топган.

"КАТТА ЙИЛ" ТИЗИМИ

Аслида бутун борлиқ—ўн саккиз минг олам оқаётган вақт ўзанида қойим.

Бизда вақтни сония, дақиқа, соат, кун, ҳафта, ой, йил, аср, эраларга ажратиб белгилаш урф бўлган. Бу шунчалик ўз-ўзидан туғилиб, таомилга кирган эмас. Инсоният кўк ва ерда вақтнинг маълум бир босқич, халқаларда узлуксиз айланиб қайтишини кузатиб, ана шу ўлчамларни белгилаган. Тўплаган билим ва тажрибаларини бизга мерос қолдирган. Ҳали ёзув пайдо бўлмаган даврларда аждодлар табиат ва жамият ҳақидаги билимларини оғзаки ижоднинг қуйма шаклларида авлодларга етказишган.

Наврўз байрами билан боғлиқ маросим, урф-одатлар халқимизнинг бутун бир йил даврлари, халқалари ҳақидаги яхлит тизимида туради. Ушбу «катта йил» тизимини аниқ тасаввур қилмай туриб, Наврўз маросимларини бутунлигича англаш қийин.

Дунёнинг барча халқларида йилни фасларга, мавсумларга бўлишнинг ўзига хос тартиби бор. Аввало, кўпчилик халқлар ўртасида икки тартибдаги тақвим амал қилади, бири — қуёш тақвими, иккинчиси ой тақвими (бизда улар арабча шамсий, қамарий деб ҳам юритилади). Халқимиз ўртасида қадимқадимдан мана шу иккита тақвим амалиётда кенг қўлланилган. Бу ҳолатнинг туб асослари нима билан боғлиқ, деган савол туғилади. Қамарий тақвим қуёш билан ер муносабатига боғлиқ. Фаслларнинг алмашиниб туриши, кундуз ва кечанинг тенг келиши, узун тун ва кун ўлчамлари қамарий тақвим учун мезон саналади.

ҚУЁШ ТАҚВИМИ

Халқимизнинг кўҳна тасаввурларига кўра, қиш (куз-қиш) ва ёз (кўклам-ёз)ни бир-бирига посонги, яъни доимий ўрин алмашиниб турувчи қутблар сифатида қаралган. Ҳар бир томоннинг ички бўлинмалари, кириш-чиқиш муддатлари аниқ белгиланган.

Астроном олим Саид Баҳром Азизов бу кунги тақвимга уйғунлаштириб баён этилган қадимий «чилла тақвими»да йилнинг 365 куни қуйидаги тартибда тасниф этилган:

Ёз	Қиш
26. 06 – 04.08 = 40 = чилла	= 40 = 26.12 – 03,02
01. 06 – 29. 08 = 90 = тўқсон	= 90= 01.12 – 28.02
01. 06 – 08. 09 = 100 = юз кун	= 100= 01.12 – 10. 03
01. 06 – 21. 09 = 113 = Деҳқон ҳисоби	= 110= 01.12 – 20. 03
21. 03 – 31. 05 = 72 = Ўтиш даври	= 70= 22.09 – 30. 11
21. 03 – 21. 09 = 185 = 365	= 180= 22.09 – 20. 03

Масалан, қишнинг уч ойи "тўқсон" деб номланади. Қиш айтар экан: "Тўқсонимда тўқсон хил турланаман". Тўқсоннинг ичида қиш "чилла"си ўтади.

Ўз навбатида тасниф доиравий жадвалда аксини топган. Халқнинг "чилла" ҳисоби қуёш тақвими бўлиб, унда йил тенг иккига — ёз ва қишга, ўз навбатида ёз билан қиш деҳқон ҳисоби (юз кун, тўқсон чилла) ва қўшимча ўтиш даврига бўлинган. Халқимизнинг "қуёш тақвими"га тегишли айтим, нақл, афсона ва эътиқодий қарашларини ушбу таснифга тизиб чиқилса, масала янада ойдинлашади. Хусусан, вақтлар ўтиши давомида маълум узвлари унутилган Айёми азиз, Ахман, Дахман, Эзим, Қирман, Нозим (Нос куни) ва Наврўз билан якунланувчи даврий тизим С.Азизов жадвалида тўқсон (90) дан сўнг 100, 110+3 деб кўрсатилган 23 кунга тўғри келади. Жадвал ва таснифда ушбу кунлар номи келтирилган бўлмаса-да, муддат аниқ белгиланган.

Таснифда акс этганидек, тўқсон 28(29) мартда чиқади. Айёми азиз куни эса 26 март куни киради. Ушбу сана Абу Райҳон Беруний томонидан ҳам қайд этилган. Халқ ўртасида эса "Айём азиз тўқсондан уч куни илади" деган қараш мавжуд. Бу эса айнан 26 февраль кунига тўғри келади. Жадвалда белгиланган юз кун муддат Айёми азиз кунларининг ниҳоясини белгилайди. Халқ айтимларидаги:

Аямажуз олти кун,
Ётиб қолса етти кун,
Сакраса саккиз кун,
Тўқранса тўққиз кун.
Ўқранса ўн кун,
Ўтириб кетса ўттиз кун,
Қайрилиб кетса қирқ кун,

деб нақл этилиши ўзагида ўн уч кунлик муддат асос ҳисобланади. Лекин олти, етти, тўққиз, ўн, ўттиз, қирқ саноқларида Айёми азиз даври об-ҳавосига ишорат қўпроқ. Жадвалдаги 110 га қўшилган 3 кун ҳисоби Айёми азизнинг тўқсондан илган 3 кунлик муддатига тегишли. Айёми азиздан кейинги Аҳман, Даҳман, Эзим, Қирман, Назим узвларига ўртача икки кундан тегади. Сўнгра Наврўз киради. Халқ орасида Аҳман, Даҳман, Эзим, Қирман, Нозим (нос) кунларининг баъзиси 3 кун, бошқаси бир кун бўлибдилар. Рўбарў келаётган шамол дарахтларни ҳам одамлар билан бирга қўшиб йиқитибди, томларни қулатибди. Жардагиларни ҳам осмонга учириб олиб чиқиб кетибди. Тўқсон кун давом этган кучли шамол ер тагидаги иссиққина чуқурда ётган кампирга зарар қилмабди. Аммо яна олти кун қаттиқ шамол бўлиб, чуқурларни ҳам ковлаб ташлабди ва баландликлардаги қум-тупроқни учириб чуқурларга олиб бориб тиқибди. Шунда кампир ҳам ўлиб кетибди. Қаттиқ совуқ ва шамол билан кечган олти кун эса «**ажуз**» аталиб қолибди.»

Баъзи афсона ва нақлларда «тўқсон», «Аҳмон», «Даҳмон», «Эзим», Нозим (Нос)лар Айём азизнинг ўғиллари сифатида талқин этилиб, уларнинг ўзаро муносабатлари кўпгина айтимларда аниқ тасвирланган.

«Айём азиз» йилнинг қуёш тақвими билан боғлиқ тизимида "ўлиб-тирилувчи" табиатнинг қиш палласининг ҳалок бўлиши кампир тимсолида ифодалайди. Наврўзнинг «Бойчечак», «Аша дарози» маросимларидаги қиш образи тимсоллари ҳам «айём азиз» тасаввурлари билан бевосита боғланиб кетади.



деб айтилган ўринлар ҳам учрайди. Лекин бугунги кунда бу ҳисобни аниқ белгилаб айтилган манба мавжуд эмас. Аммо уларнинг сўнгги 10 кун давомида ўтиши аниқ.

Халқнинг айни ҳисоб-китоблари биз юқорида келтиргандек, батартиб рақамларда ифода топмаган. Аксинча, ўзига хос тимсол, образларда акс этган. Бу тимсол ва образлар ташувчи ахборотлар эса биз англаётганга кўра серқатлам мазмунга эга.

АЯМАЖУЗ

Халқ айтимларига эътибор қаратайлик:

— Айём азиз олти кун, қаҳрланса қаттиқ кун.

— Азиз бўлмай мазиз бўлмас.

— Айём мўвжиз «олтидан ўтаман, еттига етаман", — дер экан.

— Айёмда эчки шоҳи эзилардек ёмғир ёғса йил яхши келади.

— Аҳман даҳман — етти қишнинг бириман.

— Аҳман даҳманнинг қорига ағнаган қўзи расо бўлади.

— Аҳманнинг музи даҳманда бўлса ҳам қўрқма, кузнинг музи кўзгудай бўлса ҳам қўрқ.

Халқ тасаввурига кўра Азиз айём—кампир сифатида англанади. Фольклоршунос олим Маматқул Жўраев «Аямажуз» билан боғлиқ афсона ва эътиқодларнинг Абу Райҳон Беруний, Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий сингари алломаларнинг асарларида ҳам учрашини ва унинг Тангрининг қарғишига учраган Од қавми батамом қирилиб, фақат биргина кампир омон қолгани билан боғлиқ талқин этилгани ва қишу баҳор оралиғдаги етти кун "**айёми ажуз**", яъни "кампир кунлари" деб аталганини келтириб ўтган. Бу ўринда Булунғур туманидаги Қорақурсоқ қишлоғидан ёзиб олинган афсона эътиборли: «Ажуз 4000 ёшга кирган кампирнинг исми экан. Бир куни қаттиқ шамол эсиб, совуқ балодай бўлиб келганида ҳамма одамлар қўл ушлашиб, дарахтларга тирмашиб, бир хиллари эса уйларига кириб ёки жарни паналаб шамолдан сақланмоқчи бўлибдилар. Ажуз кампир эса ердан ўзига бир чуқур қаздириб, шу унгурга тушиб ётибди. Бир-бирининг қўлидан ушлаб турган одамлар кучли шамолга бас келолмай ҳалок унинг тоқати тоқ бўлиб, бу қачон чиқади, бир ўтлаб келай деб, ўйинга берилиб, Ҳулкарни унутибди. Бир пайт келиб қараса, Ҳулкарнинг боши кўриниб, чиқиб келаётганмиш. Эчки шошиб туёғини туйнукка босибди. Ҳулкар унинг туёқларини тешиб осмонга учиб кетган экан. Агар эчки вақтида олдини олганида, Ҳулкар ер остида қолиб, ҳамиша ёз бўлар экан.

ОЙ ТАҚВИМИ

Ойнинг тўлишиб ботиши ва маълум бир юлдузлар билан ўзаро муносабатига қараб қамарий тақвим тузилган. Бизда Ой тақвими ўлчанадиган юлдуз туркумининг Ой билан ўзаро муносабати инобатга олинган. Биттаси қишда чиқадиган Ҳулкар юлдузи туркуми, иккинчиси ёзги Қамбар юлдуз туркуми билан боғлиқ. Айтадиларки, Қамбар билан Ҳулкар ер атрофида шундай айланадики, бири иккинчисини ҳеч қачон кўрмайди. Шунинг учун ҳам Ҳулкарнинг чиқиши қишни, Қамбарнинг чиқиши ёзни ифодалайди. Йил давомида Ой билан Қамбар муносабати қамбар-тўғал (тўғил) тақвимига, Ҳулкар билан ойнинг муносабати ҳулкар-тўғал тақвимига асос бўлади. Ой ва ушбу юлдуз туркуми муносабати қандай келишига қараб, чорвадорлар, деҳқонлар ўзларининг мавсумий юмушларини режалаштириб, қачон экин экиши керак ёки чорва тўли (қўзилаш мавсуми) қачон олиниши лозим ёки қайси вақтда чорвани яйловга чиқарган маъқул, ҳосилни йиғиб олиш муддати қайси вақтда амалга оширгани ўринли, деган долзарб масалаларни мана шу табиатдаги ишораларга қараб белгилашган.

ҲУЛКАР—ҚАМБАР "УРУШДИ"

Ҳулкар ва Қамбар билан боғлиқ туркум нақл, афсоналарнинг баъзи намуналари бизгача етиб келган. Айтадиларки, бир пайтлар Ҳулкар билан Қамбар бир-бирларини яхши кўрган экан. Ҳулкар — қиз, Қамбар — йигит экан. Уларнинг ўртасига Етти қароқчи (юлдуз) тушиб, Ҳулкарнинг бир юлдузини ўғирлаб олиб, Қамбар билан Ҳулкарнинг орасига совуқлик солибди. Булар ажралиб, юз кўрмас бўлиб кетишибди. То қиёматгача Ҳулкар билан Қамбар бир-бирларини кўрмас эканлар. Етти қароқчиларнинг ёнида турадиган юлдузча ўша Ҳулкардан ўғирлаб олинган юлдуз дейилади. Охир қиёматда, яъни космик тартиб издан чиқиб, борлиқ эврилиб, самодаги тартибот бузилиб, улкан олам миқёсида ҳалокат юз берганда, Ҳулкар билан Қамбар бир-бири билан кўришади. Шунда кўкдан икки тарози юлдузлари — пой тарози, қўл тарози ерга тушиб, одамларнинг гуноҳ-савоблари ўлчаниб, ҳақ, ноҳақ ажрим бўлади, дейишади. Бу ой тақвими билан боғлиқ тимсолий нақл. Бундай олиб қаралганда, Ҳулкар ва Қамбар юлдуз туркумларининг самода жойлашуви, ҳаракат тартиби мавсумий алмашинувлар, табиатдаги ўзгаришлар билан боғлиқ билимлар, тажриба, кузатишлар ҳосиласининг образ ва тимсоллардаги ифодасидир. Янада аниқроқ айтилса, бу хилдаги нақл ва афсоналар замирида қадим аждодларимизнинг ибтидо ва интиҳо, бугун ва эрта, фасл ҳамда мавсум билан боғлиқ тасаввурлар тизими, тажриба, билимлари акс этган.

Яна ривоят қиладиларки, Ҳулкар юлдузи ернинг остига кириб кетганидан кейин, у жойда қанча кун турса, ҳайвонларга шунчалик яхши бўлар экан. Ана шундай кунларнинг бирида туя, от, сигир, эшак, қўй, эчки ўзаро келишиб, Ҳулкарни ер тагидан чиқармасликка аҳд қилишибди. Навбат билан Ҳулкар чиқадиган ерни беркитиб пойлаб турадиган бўлишибди. Эчкига пойлоқчилик етганида,

КЎКЛАМ ТИМСОЛИ

Нима учун эчки? Нақлда от, туя ёки бошқа ҳайвон эмас, нега айнан эчки Ҳулкарни қўйиб юборди? Аслини олганда, эчки ёки улоқ бизда кўклам тимсоли ҳисобланади. Халқнинг тасаввурлар тизимида турувчи маросимлар, жумладан, фольклорда ҳам ҳар бир нарсанинг ўз тимсоли бор. Масалан, кўкламнинг зооморфик тимсоли сифатида эчки олинган. Қишнинг зооморфик тимсоли эса бўри ҳисобланади. Маросим ва фольклорда иккаласи бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Маросим ва маросимий ўйинларда ҳар иккисининг ҳам ўз ўрни бор. Масалан, эчкини олиб қарайлик. Эчки қайси мавсумий маросимда муҳим деталь сифатида келган? Эчки образи фақат биздагина эмас, дунёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд.

Эчкини қадимги римликлар, герман халқлари ҳам кўклам келганда қурбонлик қилиб, олма гулининг шохи билан биргаликда кўклам маросимининг асосий тимсоли сифатида алоҳида эъзозлашган. Қадимги римликларнинг Оғоч Диана шарофатига ўтказилган байрам (маросим-)ида ҳам шундай. Бизда ҳам қадим-қадимда эчки кўклам тимсоли сифатида қаралиб, кўклам маросимида ёш улоқни қурбонлик қилиш урф бўлган. Худди Оғоч Дианадек, бизда кўкламнинг аёл тимсоли сифатида Ал деган образ бор эди. Бу тасаввур изларини халқ қўшиқларида ҳам учратамиз. Болалар кўкка булут чиқиб, ёмғир ёғиши пайсалга солган вақтлари айтадиган кўшиқ бўлган. Қўшиқнинг ҳозирги ҳолати маросимдан бутунлай узилиб, худди етимга ўхшаб қолган:

Ёмғир ёғалоқ,
Эчки чақалоқ,
Бойнинг қизининг
Қорни юмалоқ...

Ёмғир ёғалоқ дегани – ёмғир ёғмоқчи эди. Эчки чақалоқ дегани — ҳали эрта кўклам, эрта кўклам бўлгани билан ёмғир негадир кечикаяпти, бойнинг қизи — ҳайдалган ер эса бўлажак ҳосилга ҳомиладор. Уруғ тушган ердан майса униб чиқиши учун ёмғир керак, деб куйлашмоқда. Бу қўшиқ кечикаётган ёмғирни чақириш учун айтилмоқда.

Шомирза ТУРДИМОВ
Жаббор ЭШОНҚУЛ

(Давоми бор)

ОГОҲЛИК

Юрт тинч бўлса — кўнгил хотиржам

Инсоннинг энг пок туйғуси унинг ўз Ватанига бўлган муҳаббатидир, деган эди таниқли файласуфлардан бири. Чиндан ҳам, оқил киши ўзи истиқомат қилаётган гўшани дилдан севади. Унинг эртасини ўз келажаги дея тасаввур қилса, унинг қайғусини ўз қайғуси, деб билади. У тинч ўтаётган ҳар бир куни учун Яратганга шукроналар айтади. Юрт истиқболи учун хизмат қилиш истаги кишиларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Ватан равнақи йўлидаги жонкуярликнинг энг олижаноб кўриниши эса ҳар бир фуқаронинг кундалик вазифасини, қўлидан келадиган юмушини юракдан, сидқидилдан бажаришидир, десак хато бўлмайди.

Дунёдаги баъзи мамлакатларга тийран нигоҳ ташлаб кўринг-а? Бутун умри урушлару таҳликалар орасида ўтаётган халқлар камми? Турли талопўплар, ғавғоларга тўла айрим давлатларда яшаётган одамларнинг энг катта орзуси ўз уйида тинчгина яшаш экани айримларга балки эриш туюлар. Аммо бугунги куни хотиржамликда ўтганига шукр қилиб яшайдиган, эртаси ҳақида бирор тасаввури бўлмаган минглаб инсонларнинг борлиги ҳақиқатдир. Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, озод ва тинч Ватанимизда хотиржам ўтаётган умримизнинг нечоғли қадрли эканлигини дилдан ҳис қилади киши. Зотан, Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида ёзилганидек, "Агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди".

Ватанимизнинг равнақи, юртимизнинг осойишталиги-ю, истиқболимизнинг нурафшон бўлиши ҳар биримизга боғлиқ. Фақат атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлмай, ҳар бир шубҳали ҳолатга синчковлик билан муносабатда бўлиб яшаш сизу бизнинг фуқаролик бурчимиздир. Ўз уйимиз, маҳалламиз ёки қишлоғимиз, умуман бутун диёримизнинг тинчлиги ўзимизнинг қўлимизда. Айниқса, байрамлар арафасида яна-да огоҳ бўлсак, ушбу айёмларнинг кўнгилдагидек ўтиши учун баҳоли қудрат кўмаклашган бўламиз. Осойишта юртга эса гўзал шодиёналар, тўйлар жуда ярашади.

Алоиддин ҚУТБИДДИНОВ

ТАДБИР

"Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" бошланди

Республика ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 6 мартдаги фармойишига асосан жорий йилнинг 15 мартидан 15 апрелига қадар республикамиз ҳудудида "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади.

Мазкур фармойиш талабларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан ташкилий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга асосан жойларда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадбирда ички ишлар идоралари, жумладан, ДЙҲХХ ходимлари, идора ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, "Маҳалла" жамғармаси, меҳнат жамоалари ҳамда халқ таълими тизими ходимлари жалб этилган. Улар ҳар куни меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда, мактаб ва коллежларда, болалар боғчаларида учрашувлар ўтказиб боришаяпти.

"Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" муносабати билан автомобиль йўллари кўрикдан ўтказилиб, пиёдалар йўлакчалари таъмирланмоқда, йўл белгилари ўрнатилмоқда, эскирганлари янгисига алмаштирилаяпти. Шунингдек, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳокимлик ва идораларга тақдимномалар киритилмоқда.

Анвархўжа СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,
ИИВ ЙҲХББ матбуот хизмати бошлиғи,
подполковник.



Таҳририятга хатлар

СУМАЛАК — ЎТТИЗ МАЛАК

Баҳор! Наврўз айёми! Бундай ажойиб кунлар таомлар маликаси — сумалаксиз ғарибдай гўё. Бувижонимдан бир ривоят эшитган эдим: қадимда бир онаизор фарзандларининг очликдан қилаётган нолаларига бардош бера олмай бирор егулик топмоқ илинжида кўчага чиқибди. Далада эндигина униб чиқаётган буғдой майсаларини кўрибди-ю, озроғини илдизи билан олиб уйига қайтибди. Майсанинг ширали сувини ажратиб, қозонга солиб қайнатибди. Бу меҳри дарё аёл туни билан қозондаги таомга умид билан термулиб, тагига олов ёқиб қўйиб, ухлаб қолибди. Онанинг ночор ҳолини осмонда кузатиб турган ўттиз малак ерга тушиб, ўйин-кулги билан қозондаги овқатни қайнатаверишибди-қайнатаверишибди. Онаизор эрта саҳарда не кўз билан кўрсинки, қозонида жуда ширин ва тўйимли овқат пишиб турибди. Шу-шу, бу баҳор неъмати сумалак деб аталадиган бўлибди.

Чарос САИДОВА,
Тошкент шаҳри.

НАВОИЙГА ТАЪЗИМ

Тақдир экан, Россияда — Олтой ўлкасининг Майма туманида уч йил ишлаб келишимга тўғри келди. Кунлардан бир кун ўша ерга Барнаул шаҳридаги бир лицейнинг ўқитувчи ва ўқувчилари дам олишга ташриф буюришди. Тарих фани ўқитувчиси аёл бўлиб, у бўш вақтларида репититорлик ҳам қилар экан.

У билан танишиб, суҳбатлашиб қолдик. Суҳбатимиз тарих ва адабиёт ҳусусида бўлди. Бир пайт аёл менга унчалик эътибор бермасдан рус ва жаҳон адабиёти адиблари ҳақида мағрурланиб гапира бошлади. Тўғриси, "кўриб қўй" қабилида гапираётган аёлнинг сўзларини охиргача эшитиб ўтиришга тоқатим етмай, бизнинг "Навоиймиз" бор, дедим. Зиёли инсон экан, "Ҳа энди, Навоий — Навоий-да!" — деб ватандошимизнинг буюклигини тан олди.

Турсунали ЮСУПОВ,
Фарғона вилояти.

ШАХСИЙ МАНФААТДОРЛИК

"Европада ҳаммани қойил қолдиралитган нарса Осиёда ажаблантирмаслиги мумкин. Парижда иллат саналувчи нарса Азов ороллариннг нарёгида зарурат деб тан олинади. Ҳа, ер юзида пухта нарса йўқ, фақат шартлилик бор, улар ҳар иқлимда турлича. Фақат бизда табиатнинг ўзи ато этган яккаю-ягона ҳиссиёт — ўз-ўзини ҳимоя қилиш туйғусигина ҳамиша барқарор. Европанинг маданий давлатларида бу туйғу шахсий манфаатдорлик деб аталади". Машҳур француз ёзувчиси Оноре де Бальзакнинг "Гобсек" қиссасидан олинган бу гаплар кишини дунё, жамият ва инсон ҳаётининг муштарак жиҳатлари хусусида чуқур мушоҳада қилишга ундайди.

Мавлон ЗАРИПОВ,
Хоразм вилояти.

АВТОБУСДАГИ "ФОЛБИН"

Яқинда Самарқанд шаҳридан Тошкентга келиш учун автобусга чиқдим. Орқа ўриндиқлардан бирида ўртоғим билан суҳбатлашиб келаётган эдик. Шу маҳалда биздан бир ўриндиқ орқада ўтирган аёлнинг гап-сўзлари қулоғимга чалинди.

Ўзини Мавлуда деб таништирган аёл ёнида ўтирган йигитга Бухоро шаҳрида истиқомат қилишини айтди. Кейин "Асли фолбинман, сизга ўхшаган навқирон йигитларни ҳар хил дардлардан фориғ этаман ва албатта, тақдирларингни олдиндан айтиб бераман", — деб қўшиб қўйди. Йигит ҳам чамаси бу каби ғайритабиий воситаларга қизиқаркан шекилли фолбин аёл билан тезда тил топишиб кетди. Тасодифни қаранглар, аёлнинг айтган бир неча башоратларига йигит чин-чин ишонди. Масалан, "сенинг севган қизинг жуда чиройли, ақлли экан, сени ҳам жуда қаттиқ яхши кўрар экан, келажакда бахтли онла қурасизлар", — деган тахминлари йигитга маъқул тушди.

Фолбининг ёнига олд ўриндиқда ўтирганлар ҳам кела бошлашди. Аёл ҳам «фол очиш нархи»ни ошириб борди.

Автобус Тошкент шаҳрига етиб келганда фолбин 70 минг сўм пулаб олганини унинг ўз оғзидан эшитдим.

Лекин мен бир нарсага ҳайрон қолдим. Наҳотки, йўлда ўтган 4-5 соат вақт мобайнида одамлар ўзини «фолбинман» деб таништирган бир аёлга ишониб, дардлари ва сирларини айтишса? Ахир, билиб-билмай ҳаммага ҳам ишоначми, унга бутун ҳаётини ганириб бериш ақлли одамнинг иши эмас. Қолаверса, фолга ишонин ҳам муқаддас китобларимизда гуноҳ саналади-ку!

Маржанол ҲОТАМОВ,
Самарқанд вилояти.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

БОЛАЛАР НАШРИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

“ҒУНЧА” болаларнинг ҳақиқий журналига айлансин

Инсоният тарихининг жамоа бўлиб яшай бошлаган илк даврларидан бошлаб одамлар моддий бойликлар яратиш билан бирга ўз авлодларини яхши тарбиялаш тўғрисида ҳам қайғурганлар. Уларни жасур, кучли, эпчил, ақлли, тадбиркор, ғайратли қилиб етиштиришга интилган. Аллалар, эртаклар, қўшиқлар, ҳазил-ҳузул шеърлар, эркалатиш, топишмоқ, тез айтиш, табиатга боғлиқ тимсоллар, мақоллар, дуолар ва бошқа бадиий воситалар билан уларга таъсир ўтказганлар. Ҳамма халқларда шундай бўлган, бизнинг халқимизда ҳам шундай. Бу қуруқ назарий ган эмас, бунга оид кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бундай умуминсоний жараёнда ўзбек адиблари ҳам четда тургани йўқ. Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Авлоний, Фитрат, Мунаввар Қори, Садриддин Айний, Элбек сингари ёзувчилар болалар учун асарлар ёзди. Уларнинг ҳеч бири болаларга панд-насиҳат тарзидаги мақолалар ёзишмаган, аксинча эсда қоладиган воқеалар, тасвирий воситалар билан ёки шеърий санъат йўли билан ёш китобхонлар руҳини эстетик тарбиялашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган. Одатда, махсус болалар адабиётини юзага келтириш ва муаллифлар жамоасини шакллантириш учун адабий-бадиий болалар журналлари ва нашриётлари ташкил этилади. Шундай юксак мақсад билан мамлакатимизда “Ғунча”, “Гулхан” журналлари ва ёшлар нашриёти ташкил этилган. Шунингдек, бошқа адабий нашриётларга ва деярли ҳамма журнал-газеталарга ҳам болалар учун махсус адабий бурчаклар ажратиш вазифаси юкланган.

“Ғунча” кичик ёшдаги болаларнинг адабий-бадиий безакли республика журнали сифатида таъсис этилган ва таҳририят узоқ йиллар давомида ўз олдига қўйилган вазифани шараф билан адо этди. Ойбекдай улуғ ёзувчилар ҳам “Ғунча”га асарлар ёзган. Журнал Ҳаким Назир, Худойберди Тўхтабоев, Фарҳод Мусажонов, Латиф Маҳмудов, Суннатилла Анорбоев, Марва Жалолиддинова, Эргаш Раимов, Муқимжон Ниёзов каби носирларнинг муҳим асарлари яратилишига воситачи бўлди. Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Қуддус Муҳаммадий, Шуҳрат, Шукрулло, Қудрат Ҳикмат, Пўлат Мўмин, Толиб Йўлдош каби устоз шоирлар журнал учун ўзларининг энг яхши шеърларини ёзиб бердилар. Таҳририят теварагида Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбоев, Муҳаммадали Қўшмоқов, Рауф Толипов, Ҳабиб Раҳмат, Одил Абдураҳмонов каби ўнлаб шоирлар жамоаси шаклланди ва уларнинг ҳаммаси ўзбек болалар адабиётининг фаол гуруҳини вужудга келтирди. Бу адабиётнинг овозаси Россия, Украина, Олмония, Польша, Мўғулистон ва бошқа кўплаб юртларга таралди. Ҳозир ҳам бу муаллифларнинг аксарияти ўзбек болалар адабиёти байроғини баланд кўтариб келмоқда. Гарчи бугунги кунда юқорида тилга олган адибларнинг афсуски, айримлари олам-дан ўтишган бўлсада, аммо асарлари ҳамон қайта-қайта нашр қилинмоқда.



Афсуски, кейинги йилларда журналнинг йўналиши бирмунча ўзгара бошлади. Бир неча йиллар давомида адабий-бадиий асарлар ўрнини газеталарга хос хабарлар, умумий мақолалар эгаллаб келди. Кўп узоққа бормай, журналнинг ўтган йиллардаги истаган сонини очиб кўрсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Мана, мисол учун, 2007 йил 3-сони. 3-бетда Бобур Рамазоновнинг “Жасурбек”, Нодира Мирзаеванинг “Жунейна ким?” сарлавҳали мақолалари босилган. 4-бетда Шаҳноза Каримова билан Севинч Отажонованинг, 5-бетда Динарахон Султонованинг ва Раъно Турсунбоеванинг мақолалари берилган. Журналнинг апрель ойидаги сонини варақлайлик. Яна «Ғунча”га аталган шеър”, “Умид жаҳон чемпиони”, “Тўй тўйдай бўлди”, “Сени кутаман, Ғунча”, “Баҳор маликалари”, “Бобомизни кўргандек бўлдик”, “Аълочиларга стипендия”, “Ваъдага вафо керак” каби мақолалар... Яна бир сонини кўздан кечирайлик: 6-сон. “Қувонтириб яшайлик”, “Ўзимизнинг Саша опа”, “Мен ҳам “Ғунча”га обуна бўлдим”, “Устоз — иккинчи она”, “Дадамга мактуб”, “Биргаликда куйлайлик”, “27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни” рукни остида берилган суҳбатлар, “Цирк”, “Халқаро спорт байрами”, “Бир-бирига ўхшаган кунлар” каби мақолалар... Ўз-ўзидан аёнки, буларнинг биронтаси ҳам ёмон мақола эмас.

Аммо уларнинг “Адабий-бадиий журнал”га нима алоқаси бор? Ваҳоланки, мақолалар асосан газета жанрларидир. Адабий-бадиий асарлар чиқиши керак бўлган жойларнинг ярмини шундай мақолалар ташкил этади. Болаларнинг эса ҳақиқий бадиий асарга эҳтиёжлари катта. Шундай экан, адабий-бадиий безакли нашр сифатида таъсис этилган журнални ярим газетага айлантириш эстетик тарбияга бефарқлик, деб ўйлайман. Таҳририят “адабий-бадиий” деган атаманинг маъносини унутгандай кўринади. Ҳолбуки, унда роман, қисса (“Ғунча”да шундай жанрлардан парчалар илгари босилган), ҳикоя, латифа, алла, қўшиқ, шеър, достон (достонлардан парчалар), тарихий лавҳа, топишмоқ, санамалар, лапарлар, эркалатишлар, тез айтишлар босилиб келган.

Хўш, унда кундалик сиёсий вазифалар четда қоладими? Асло! Кундалик мавзулар, айтайлик, Мустақиллик ва Наврўз байрамлари, Қомусимиз куни, юбилей (Навоий, Бобур ёки ҳозирги замон ёзувчи, рассом, санъаткорларининг таваллуд кунлари), юртимиздаги йирик автойўллар, темир йўл қурилишлари, спорт байрамлари, Андижон автоулов заводининг фаолияти, Навоий, Зарафшон шаҳарларининг ҳаёти, буюк обидаларимизнинг таъмирланиши, Бекобод металлургия заводининг меҳнаткашлари ва ҳоказо мавзуларда болаларга билим берилиши керак эмасми? Берилиши керак! Аммо бунинг учун нима қилиш керак? Ушбу мавзулар юзасидан журналда таҳририят ходимлари ёки чет муаллифларга топшириқ берилади. Натижада бадиий асар (шеър, достон, баллада, ҳикоя ёки болаларбоп бадиий очерк) ёзилади.

Шу билан бирга, энг долзарб мавзуда асарлар тайёрлаш учун “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши Халқ таълими вазирлиги ёш ёзувчи ва шоирлар билан кекса болалар ёзувчилари, рассомлари, композиторларини бир ерга тўплаб топшириқ бериши ёки ижодий танлов ташкил қилиши мумкин.

Яна бир муҳим масала шуки, журнал “безакли” нашр сифатида ташкил этилган эди. Бу таҳририят атрофида рассомлар жамоасини яратиш керак, деганидир. Фотосуратлар эмас, ранг тасвир асарлари чоп этилиши лозим. Илгари журналнинг 12 сони учун 12 рассомга олдиндан муқовага расм буюртирилар, кимники тайёр бўлса, чоп этиларди. Натижада Т.Муҳамедов, Ҳ.Раҳматуллаев, Э.Исҳоков, А.Маҳкамов, Р.Зуфаров каби фаол рассомлар етишиб чиққанди. Таҳририят жамоаси рассомлик коллежлари ва тасвирий санъат соҳасида олий ўқув юртларини битирган истеъдодли рассомларни қидириб топар ҳамда нашрга жалб этар эди. Бастакорлар билан ҳам шундай тадбирлар ўтказиб, болалар учун янги қўшиқлар яратиларди.

Мана, журналнинг бу йилги сони чиқди. Уни варақласангиз, нашр бир қадар ўзининг илгариги йўналишига қараб мўлжал ола бошлагани сезилади: бадиий асарларга, шу жумладан, болаларнинг шеърлари, расмлари ва таржималарига кўпроқ ўрин ажратилгани тўғри бўлган. Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг “Янги йил табриги” шеъри, 9-синф ўқувчиси Саида Ўрмонованинг “Қишнинг оқ кўйлаги” сарлавҳали инглизчадан таржимаси, шоира Ойгул Суюндиқованинг Л.Толстойдан қилган янги таржимаси журнал савиясини кўтариб турибди. Назаримда, таниқли болалар ёзувчиларининг янги асарлари бериларкан, уларга камида бир ёки икки саҳифа жой ажратилиши керак. Масалан, Анвар Обиджон ижодидан бир саҳифада 3-4 шеър, бошқасида эса бир ҳикояси ё эртаги берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шеърдан ташқарида муаллифнинг сўзлари берилиши шарт эмас, уларнинг ўрнига янги чиққан китоблар тўғрисида маълумотлар эълон қилинса, болалар эътибор бериб, кутубхонадан олиб ўқишлари мумкин бўларди.

Шу билан бирга, ҳарф танлашда жимжимадорликдан қочиш, аниқ ўқиладиган шрифтларни танлаш керак. Журнал саҳифасида танлов эълон қилиниши тўғри эмас, деб ўйлайман. Танлов кўпроқ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Маърифат”, “Туркистон”, “Тонг юлдузи” сингари газеталарда чиқса, айни муддао бўлади. Журналда журналистикага оид мақолалар бирмунча камайган бўлса ҳам улар ҳамон 25 фоизни ташкил этади.

Яна бир нарса эътиборимни тортди: журнал муқовасидаги 52 йилдан бери давом этиб келаётган, нашрнинг юзи ва бош вазифасини аниқ кўрсатувчи муҳим маълумот: “Кичик ёшдаги болаларнинг адабий-бадиий безакли республика журнали” деган ёзув олиб ташланибди. Бу эса таҳририят учун газета мақолалари ва фотосуратлар берилишига йўл очиб беради.

Таклифим: журнал таҳрир ҳайъати имкон қадар четдан, холис ижодкорлар орасидан танланиши лозим. Ҳайъат йиғилишларига келолмайдиган кишиларни аъзо қилиб қўйиш фойдасиздир.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, болалар адабиёти энг муқаддас, тоза соҳа. Севимли журналимиз “Ғунча”да болаларни яхши кўрадиган, улар дунёсини гўзаллаштиришни ўзининг яшаш тарзи деб биладиган ижодкорлар кўпайиши ҳаммамизни қувонтиради. Қолаверса, бу — мустақил давлатимизнинг ёшларни тўғри, ҳалол, жасур, ватансевар қилиб тарбиялаш борасида мафкурачилар олдига қўйилган биринчи даражали вазифалардандир.

Миразиз АЪЗАМ,
болалар ёзувчиси.

ТИЛ БИЛГАН — ДИЛ БИЛАР

Паркент шаҳрининг “Бодомтепа” маҳалласида улғайиб, етук олим бўлиб етишган, тиббиёт фанлари доктори Мирсалим Абдуллаев рафиқаси Нафиса Абдуллаева билан 3 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишмоқда. Фарзандлари ҳавас қилгудек. Айниқса, уларнинг тўнғич фарзанди Умиджон ниҳоятда билимдон, зеҳни ўткир, теран фикрлайдиган ёшлардан. У Тошкент молия институтини тугатганидан сўнг, олис Англияда ўқишни давом эттириш имкониятига эга бўлди. Эътиборли жиҳати шундаки, Умиджон замонавий компьютерлар билан тиллашиб, ўз билимини ошириб бормоқда.

— Фарзандим эришаётган ютуқлардан қувонаман, — дейди Нафиса Абдуллаева. — Қаранг, қишлоқда ўсган оддий бола бугун соф инглиз тилида гапираяпти. Шунингдек, немис тилини мукаммал ўрганди. Кеча телефон орқали биз билан боғланиб, айни пайтда италъян тилини ўзлаштираётганини айтди. Мен бу гапларни нима учун айтаяпман? Чунки юртимизда илмга интилувчан болалар жуда кўп. Улар ҳам хориж тилларини мукаммал ўрганса-лар, кам бўлишмайди.

Тўйчи ДЎСМАТОВ
“Паркент тонги”,
26.02. 2009 йил.

ҲАММАСИ ҲАФСАЛАГА БОҒЛИҚ

Бугун дунёнинг кўпгина юртларида яхши бир одат бор. Хорижликлар айтайлик, кимгадир оддий қўлқоп ёки бирон-бир арзимас нарса ҳадя қилмоқчи бўлишса, уни эринмасдан бежирим қутичаларга солиб, устини ҳафсала билан безатиб, ғоят чиройли кўриниш беришади. Ясаган буюмларини ўзгаларга тақдим этишда қўл ҳунарларини ҳам намоён этишади. Кичкина бир буюм тасмасида ҳам давлатининг номи ёзилганини кўрамиз.

Бизнинг қадриятларимиз ҳам тенгсиз. Дидимиз, онгимиз юксак. Аммо кўпинча эринчоқлик қиламиз. Заргарлик, зардўзлик, чеварчиликда ўзбекка тенг келадиган миллат йўқ аслида. Лекин савдо дўконларида чиройли буюмларнинг тахланиб ётганини кўрамиз. Мабодо уларни харид қилмоқчи бўлсак, сотувчи оддий елим халтачага солиб узатади. Биз эса уларни индамасдан олиб кетавермасдан, ўраб беришини, муҳрлаши ва ёрлиқ қўйишини талаб қилишимиз керак. Бир қарашда оддий кўринадиган ҳунармандчилик буюмларини тайёрлаш мураккаб, албатта. Шундай экан, уларга мўъжаз ғилофлар ясаб харидорга тақдим этмоғимиз зарур.

Зилола
МАМАДАЛИЕВА
“Фарғона ҳақиқати”,
17.02.2009 йил.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ТАШАББУС

Таълим муассасаларида давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилган, қолаверса, ўқитувчи-мураббийларнинг тажрибаси ва билими етарли бўлишига қарамасдан шаҳар мактабларида давомат масаласи ҳамиша муаммо бўлиб келмоқда. Хўш, нега бугун ўқувчиларнинг давомати айрим таълим ўчоқларида талаб даражасида эмас?

Мана шу савол Наманган шаҳар халқ таълими бўлими раҳбариятини кейинги пайтда кўпроқ ўйлантирмоқда эди. Шунинг учун улар ушбу муаммони обдон ўрганиб, ижобий ечимини топиш йўлларини ахтарди. Натижада давоматни яхшилашга эришилди ҳам. Яъни мактабларга кенг жамоатчилик эътибори қаратишни лозим деб топишди. “Мактаб — маҳалла — оила” концепцияси асосида иш олиб борилди. Қолаверса, Наманган шаҳар ҳокимининг “Халқ таълими ойлиги”ни ўтказиш хусусида қарори қабул қилинди. “Халқ таълими ойлиги”нинг эътиборли жиҳати, унда “Ўнта хонадонга бир зиёли” шиори асосида фаолият олиб бориш йўлга қўйилади. Бунинг мазмуни шуки, ҳар ўнта хонадонга бир нафар ўқитувчи-мураббий бириктирилган бўлиб, у оилалардаги фарзандлар тарбияси билан қўшимча равишда шуғулланиб, ўқувчиларнинг ота-оналари билан биргаликда таълим даражасини оширишга ҳаракат қилади. Ўз навбатида бу ташаббус ижобий самарасини бермоқда.

Равшанбек МАМАДИЕВ.
“Наманган ҳақиқати”,
14.02. 2009 йил.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ, ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ҳамда ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

АВВАЛИ

Ҳамкасб дўстимга мактуб

ёхуд эълон қилинмаган мақола хусусида

Дунёда фикрлар хилма-хил ва уларнинг ҳаммаси нисбий. Ёзган мақоламни қўлимга қайтариб берганларида ноқулай аҳволга тушдим. Йигирма йиллик фаолиятим давомида бунақаси ҳеч бўлмаган. Юзимга тарсаки тушгандай бўлди. Ўша мақолани мен анча аввал ёзгандим. Айтмоқчиманки, мақолани ёзган заҳоти топширганим учун балки шундай бўлгандир, деб ўзимни овутардим. Ижодкорлар тилида айтганда, мақоланинг сиёҳи қуриб улгурганди. Сиз эса мақоланинг тепасига: “Мақсад? Нима демоқчи? Савобни ҳисоб-китоб қилса бўладими? Агар у жавоб кутса, савоб бўладими?”, деб ёзиб қўйган эдингиз.

Келинг, яхшиси ўша мақолани асл ҳолида бирга ўқиб чиқайлик.

Бу менинг савоб халтам. Уни доим ўзим билан олиб юраман. Савоб-талаб одамга осон. Чунки истаган пайтда ҳар қадамда савоб топади.

Бир болакай бекатни бошига кўтариб онасига харҳаша қилмоқда эди.

— Оберинг, оберинг!

Онаси уни юпата олмай хижолат. Бекатдагилар уларни жимгина кузатиб турибди. Болакайнинг йиғисига тоқат қила олмаганларнинг афти бужмайган.

— Ўл-а, икки юз сўмга ачинмай, олиб бер болангга ўша музқаймоқни!

Автобус ҳам кела қолмайди. Болакай эса онасини кўндириш учун овозини кўтарди. Сездимки, аёл шўрликнинг ортиқча пули йўқ. Боланинг қўлидан ушладим-да, унга музқаймоқ олиб бердим.

— Амакига раҳмат демайсанми? — деди онаси хижолатдан қизариб.

— Раҳмат, амаки, — деди бола жилмайиб.

* * *

Автобусга кекса онахон чиқди. Чипта сотадиган барзанги унинг ёнига келди.

— Чипта олволинг, онахон. Кампир сумкасидан нафақа дафтарчасини олди.

— Бунингизни бошингизга ураманми? Бу “частний” автобус, ҳеч қандай документ ўтмайди. Чипта олинг!”

— Пулим бўлса, берардим, болам. Мени хижолат қилма.

— Ҳамма пул сизларда-ку, момой, айёрликни қўйинг, чиптанинг пулини тўланг.

Кампир умидворлик билан атрофга аланглади.

— Бу йигитга бир нарса денглар...

Барзангига гап кор қилмаслиги аён эди. Ёнимдан пул олиб, қария учун тўладим.

— Умрингдан барака топ, — дея дуо қилди онахон.

Бундай воқеалар ҳар доим бўлмасаям, учраб туради. Лекин ҳар куни кимгадир яхшилик қилиш учун имкон топилади.

Болалигимда онам раҳматлик савобхалта тикиб берганлар.

— Болам, у дунёда савобу гуноҳлар ҳисоб-китоб қилинади. Юрган йўлингда яхшилик қилишга одатлан. Мана шу савоб халтани тўлдирсанг, у сенга жаннат эшикларининг очилишига ёрдам беради. Шуни эсингдан чиқарма.

Онам меҳнаткаш, тадбирли ва оқкўнгил аёл эди. Одамларга ёрдами тегса, жуда қувонарди.

— Бу дунё омонат, болам. Ҳаммамиз ўтиб кетамиз. Ўладиган дунёда бировга ёмонлик қилиб, нима фойда топасан?

Ёки:

— Бу дунёнинг безаги — меҳр, болам. Меҳр кўрсатсанг, меҳр кўрасан.

Ўйлардимки, онам ҳеч қачон ўлмайди. Доимо менинг ёнимда бўладилар, деб. Лекин ажал кутилмаганда келар экан. Ҳеч кимни огоҳлантирмасдан, тўсатдан.

Айрилиқ азобларига дил чидолмас. Лекин, начора?

Орадан ўн йилдан ортиқ вақт ўтди. Баъзан юрагимни кимга очишни билмай азобга қолганимда онамнинг қадри жуда билинади.

Онажоним тикиб берган савоб халта доимо ёнимда юради. Лекин нима учундир у сира тўлмайди. Имконим борича одамларга яхшилик қиламан. Кексаларнинг дуосини оламан. Бир куни савоб халтамни очиб қарадим. Ичи бўм-бўш эди. Ҳайрон бўлдим. Кейин билдимки, онам менга билдирмай савоб халтамнинг бир чеккасини тешиб қўйган экан.

* * *

Албатта, бу ёзганларим мен ўйлаган даражада чиқмаган бўлиши мумкин. Лекин ниятим яхшилик қилишни тарғиб этиш эди. Хайрли ишлар қилиш ҳамманинг қўлидан келишини юракюракдан ҳис қилиб ёзгандек эдим.

Биз доимо ҳамма айтаётган сўзларнигина такрорламасдан, бор фикрларнинг мазмун-моҳиятини оддий, халқона тарзда, ҳаётда кўрган, ҳис этган эшитган ҳолдагидек ёсак, ўқувчига яхшироқ етиб борармиди?!

Тоза кўнгил, покиза ният билан қўлга қалам олсак, ёзаётгандаги ҳолат ва кайфият ўқувчига ҳам юқади, таъсир қилади, деб ўйлайман.

Сўз — малҳам. У дардни енгиллаштиради, кўнгилни тозалайди, фориғлайди.

Аслида кўнгилнинг тозалиги ҳам бахт, ҳам давлат. Тоза кўнгил, самимий фикр ҳам улуғ саодат. Шундай эмасми, ҳамкасб дўстим. Менинг бошқа ниятим йўқ эди...

Сизнинг фикрингиз қандай, азиз муштарий?

Абдураҳмон ЖЎРА

Мактаблар ҳақида

Туркистон вилойатидаги мусулмон мактабларини адади етти-сакиз мингга етар экан. Алардин кўбиси савод ўқуйдургон мактаб бўлуб мадраса оз экан. Бул мактаб, мадрасаларни аксари Сирдарйо ва Самарқанд ва Фарғона ўбластларида бўлуб Закаспийский ўбластида ҳамадин оз экан.

“Туркистон вилоятининг газити”,
14 октябр 1910 йил.

Совун ҳақида реклама

Мыло молодости секретъ красоты. Придает коже метовый блескъ и бархатную нежность.

* * *

Маҳфий, чиройли, йош қилодурғон собун. Одамзодни баданининг пўстини хушранг йилтироқ духобадек нафис қилодур.

“Туркистон вилоятининг газити”,
10 октябр 1910 йил.


Тамоша учун

Тошканд шаҳрининг Себзор даҳасининг народной судйаси Раҳимхўжа Алихўжа ўғли ушбу ийул ойини 12 нчи кунида ҳайрийат ишларни фойдасиға от уйунида бўлғон тамошо учун бир йуз сўмлик билетлар олиб Тошкандлик бе базоат (камбағал) одамларға мазкур билетларни бепул бериб дур. Бул тариқа ҳадйа учун Раҳимхўжа Алихўжа ўғлиға миннатдорчиликлари маълум бўлинди.

“Туркистон вилоятининг газити”,
15 июл 1895 йил.

Нашрга тайёрловчи: Эргаш УМАРОВ

ШУКУҲ



ДИЛ СЎЗЛАРИ

Наврўзи олам халқимизнинг энг қадимий, боқий, миллий урф-одатларини, қадриятларини эъзозлайдиган айём. Мамлакатимизнинг барча воҳаларида бу байрамни ўзига хос тайёргарлик билан кутиб олиш анъанага айланган. Унинг ҳар бир қадамида хайр-барака, тўкинлик, эзгулик ва яхшилик бисёр дейиш мумкин.

Ана шундай шукуҳли кунларда қалбимизнинг тўр-тўридан соҳир туйғулар кечади. Беихтиёр болаликнинг беғубор паллалари ёдга тушади. Биз байрам баҳонасида илм-фан, адабиёт ва санъат оламида ижод қилаётган халқимизнинг таниқли, ардоқли кишиларидан айримларининг дил кечинмаларини эътиборингизга ҳавола қилдик.

Қуёшим, қувончим, бахтим, ўзлигим



Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири:

— Бугун юртимиз узра энг гўзал, миллий байрамимиз — Наврўз шукуҳи кезмоқда. Гуллаётган оқ, пушти боғлар, ям-яшил адирлар, далаю воҳаларимизнинг алвон табассуми, ҳудудларимизнинг ўзига хос жилоси, қиш бағридан гуркираб кўтарилган шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси нақадар дилрабо! Кўтаринки руҳ, шижоат, ҳаётга, бунёдкорликка, меҳр-муҳаббатга ташналик кўзларни яйратади, дилларни яшнатади. Ҳамма ёқда Наврўз нафаси уфурмоқда.

Наврўз — Президентимизнинг Фармони билан тасдиқланган ҳақиқий байрамимиз. Гарчи уни халқимиз қадимдан қадрлаб келган бўлса-да, истиқлол йилларида Наврўз чинакам мазмун ва моҳият касб этди. У йилдан-йилга янги шакл-шамойиллар билан янада кўркамлашиб, ҳар биримизнинг қалбимизга, хонадонимизга, шаҳар ва қишлоқларимизга ўзгача файз бахш этмоқда.

Биламизки, Наврўз ўз умри мобайнида бу кунларга етгунча катта тарихни бошидан кечирган. Мустақиллик шарофати туфайли бу айём ўзининг ҳақиқий маъно-моҳиятини топиб, умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда.

Болалигим қай тарзда қандай кечган бўлмасин, ҳар баҳорда ёшлик хотираларимни ўзгача энтикиш билан эслайман. Дилбой, Кўчар, Ёвқоч, Ботир, Рўзи каби ўнлаб ўртоқларим билан ўтказган дамларни, Қашқадарёнинг мен туғилиб ўсган Пўлати қишлоғининг тупроқ кўчаларини, ойдин кечаларни, ариқларда гирдоб бўлиб оққан бўтана мавжларини, муздек қудуқ сувидан тайёрланган чалобларни, баҳорги кўк сомсалару ҳалимларни шундай соғинч билан энтикиб эслайман. Уйимиз шундоққина мактаб ёнида бўлгани боис, ўқишга барвақт меҳр қўйганман. Отам — Жаббор Халилов саводли киши эди. Онам Ражаб момо эса Пўлатининг фаол аёлларидан бўлган. Мен ота-онамнинг ёлғиз фарзанди бўлганим учун бироз эркатойроқ ҳам эдим.

Болалигимни, унда кечган воқеаларни: ўт ўрган, бошоқ терган, мола босган кезларимни аниқ-тиниқ кўз олдимга келтираман. Қишлоғимизга баҳор айёмида бахшилар кўп келишарди. Уларни севиб эшитардик. Патефондан Ҳалима Носирова қўшиқларини берилиб тинглардик. Бахшилар куйлаган достонларга шунчаки афсона деб эмас, бўлган воқеалар деб қарардик. Таъсирланардик. Ана шундай муҳитда улғайганим менинг шоир бўлишимга сабаб бўлгандир, балки... Мен ёшликнинг меҳнати, бунёдкорлиги, ижодкорлиги, ғайратисиз ҳаётимни тасаввур эта олмайман. Назаримда, ёшлик ва Наврўз ўртасида яқин маънодошлик, чамбарчас боғлиқлик бордек туюлади. Тасаввуримда ёшлик, баҳор жозибаси гавдаланаркан, қуйидаги шеърий мисралар қалбимдан отилиб чиққандек бўлади:

Наврўз, дилга жо таманноларинг,
Кўзимни яшнатур томошаларинг.
Тилимда мадҳингу, тасанноларинг,
Марҳабо, Наврўзим, офтоб юзлигим,
Қуёшим, қувончим, бахтим, ўзлигим!

Офтоб ярашгай самоватингга,
Тасанно меҳрингга, саховатингга,
Салламно бу олий саодатингга,
Марҳабо, Наврўзим, ширин сўзлигим,
Сени жондан қутлар юртим, ўзбегим!

Ватаним бағрида қулочингни ёз,
Бунёдкор инсонни айла сарафроз,
Янграсин қўшиқлар, жаранглисин соз,
Марҳабо, Наврўзим, қора кўзлигим,
Дилбарим, дилдорим, ойдин юзлигим!

Дилдан айтар тилагим шуки, бу мислсиз тароват, гўзаллик, меҳру оқибат байрами юртимизга тўкин-сочинлик, хонадонларимизга қут-барака, ризқ-рўз олиб келсин.

Тошкент шаҳар Учтепа туманига қарашли иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи

жамоаси

мамлакатимиз фуқароларини, таълим фидойилари ва илм толибларини баҳор даракчиси — НАВРЎЗ байрами билан табриклайди. Ватанимиз осмони ҳамиша мунаввар, юртимиз истиқболи янада нурафшон бўлсин!



НАВОИЙ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

ўлкамизга ўзгача тароват билан ташриф буюраётган боқий шодиёна –

Наврўз

билан мамлакатимиз халқини чин юракдан қутлайди. Барчага энг аввало соғлик-саломатлик, бахт-саодат ёр бўлсин.

Меҳр-мурувват фасли



Рихси ИБРОҲИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:

— Наврўзни халқимизнинг ҳақиқий ва жуда соф ўзбекона байрами дегим келади. Чунки бу айём ўзига хос қадр-қимматга, минг-минг йиллик тарихга эга. У миллий урф-одатларимизга, қадриятларимизга уйғунлашиб кетган.

Ҳар гал баҳор қалбимдаги энг ширин хотираларимни уйғотади. Ёдимда... Ҳовлимизда каттагина боғимиз бўларди. Кузда боғдаги мевалар йиғиб-териб олингач, кўклам келгунича боғимиз эшиги очилмасди. Эрта баҳорда яна боғ эшиги очилар, тупроқ ҳиди гупиллаб димоғимга уриларди. Йўл четида бош кўтарган бинафшалар анқиб турар, ўсмалар қулоқ чиқарган бўларди. Боғда қизлар билан бойчечак терардик. Тол баргидан сочбаргак ясаб, дўппи устидан бошимизга чамбаракдек тақардик. Даладан жағ-жағ, ялпиз, исмалоқ териб келардик. Ота-онамиз ердан токни кўтаргач, баргидан ток оши, ялпиз сомса, кўк чучвара тайёрланарди. У пайтлари қўни-қўшнилар ўртасида девор бўлмаган. Маҳаллада ҳеч кимнинг эшигига қулф осилганини кўрмасдингиз. Баҳор келиши билан маҳалладошлар майиз, ёнғоқ, туршак, жийда хуллас, ким нима топса, шуни кўтариб ҳашарга чиқишарди.

Битта ариқ етти маҳалладан оқиб ўтарди. Суви шундай зилол эдики, биз қотган нонларни унга ботириб, ердик. Офтобда товланаётган сув ўтларини марвариднинг ўзгинаси дейсиз. Ариқ бўйига ҳеч ким чиқинди ташламасди. Каллаи саҳардан ҳовли кўчалар сув сепиб супирилган. Агар кимнинг кўчаси тозаланмаган бўлса, ўша хонадон эгалари қўшниларга кўринишдан хижолат тортарди. Маҳалламиз масжиди ёнида балх тут бўларди. Меваси пишса, «Бугун тут қоқишга», — дея кимдир чақирар, битта чодирда тут қоқилиб, ҳаммага тақсимланарди. Уруш йиллари, очарчилик... Ота-онамиз уч-тўртта қора нон учун ҳафталаб навбатда турарди. Оилада еттита фарзанд эдик. Онам битта нонни еттига бўлиб берардилар. Баъзан мактабга оч борсак, ўқитувчимиз ўз улушини бизга берарди...


Отаси урушдан қайтмаган қўшнимизнинг бир туп жаноқи олмаси эрта баҳорда қип-қизил бўлиб пишарди. Дарахт шохлари тарвақайлаб ўсгани боис, олмалар кўча, ҳовлида тўкилиб ётар, оч-юпун қўшни болалар «етимнинг ҳаққи»дан андиша қилиб, ердан бирорта олма олмасди. Қўни-қўшнилар тўкилган олмаларни териб, эгаларига киритиб беришарди. Бизнинг маҳаллада ҳамма колхозчи эди. Онам жуда меҳрибон, содда, очиққўл аёл эди. Тандирда тўртта нон ёпсак, болам, қўшнининг болалари оч ўтиришибди. Юлдузнинг шуъласи қуёшда эмас, қоронғиликда сезилади. Оғир кунда уларга ҳамдам, ҳамдард бўлсак, ҳаёти ёришади, — дея иккита нонни қўшнимизга илинарди.

Эсимда, бир йили баҳорда маҳалламизга ўғри кириб, қўлга тушганда, онам: «Ўғрини урманглар, у ҳам ночорликдан шу ишга қўл ургандир. Бола-чақаси бордир. Бир сафар кечирайлик», — дея қутқариб олганлар. "Ўтган замон ҳангомалари»да она ролини ижро этганимда, ўз онам кўз ўнгимга келган. Волидам санъаткор бўлишимни хоҳламаганлар. Лекин отам бу касбни танлашимга қаршилик кўрсатмаган. У пайтлари театрга фақат эркаклар боришарди. Талабалигимда «Йўлчи юлдуз» спектаклида Гуласал ролини ижро этаётганимда, онамни театрга олиб борганман. Саҳнада бой узун сочларимдан тортиб, уриб уйдан ҳайдаётган лаҳзада онам "Қизимдан қўлингни торт", — дея залга отилиб чиққанини ҳали ҳамон эслайман. Спектаклдан сўнг уйга қайтгач, онамга бу — роль, ҳақиқий ҳаёт эмаслигини қанча тушунтирмай, барибир, танлаган соҳам оғирлигини менга кўп уқтирганлар. Лекин мен ҳаётимни, қисматимни санъатга бағишладим. Бир пайтлар Хонзода, Сурмахон, Жамила образларини яратган бўлсам, ҳозир она, буви ролларини ижро этаяпман.

Бугун юртимизда ажиб шодиёна — Нарвўз тантаналари бошланиб кетди. Бу байрам сайллари одамларни бирлаштиради. Уларни бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлишга ундайди. Ушбу меҳр-мурувват айёми қутлуғ келсин.



Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин



Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор:

— Наврўз байрами ўйлаб топилган тантана эмас. У табиатнинг бизга инъом этган туҳфаси. Меҳр-мурувват, эзгулик, гўзаллик айёми. Улуғ олиму шоирларимиз бу байрамни қадимдан муқаддас билиб, у ҳақда улкан маънавий мерос қолдирганлар. Улар ҳанузгача халқимизнинг қалбига нур, зиё бағишлаб келмоқда.

Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳазратлари бу байрамни: «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз", — дея бежиз таърифламаганлар. Қишда кишини сокинлик, рутубат забтига олса, баҳор, янгиланиш, уйғониш фасли — Наврўз, фақат кун ва тунинг тенглиги эмас, йилбоши ҳамдир. Наврўздан сўнг бободеҳқон қайси кундан бошлаб ер суғорилишини, қайси кундан бошлаб дон экилишини чамалайди. Ёғингарчилик мўл бўлса, бу йилги деҳқончилигимиз қут-баракали келади, — дея қувонишади. Далада-даштда Наврўз сайллари бошланиб кетади.

Болалигимиз ўтган кезларда ҳозиргидай шароитлар қаёқда дейсиз, қўш билан ер ҳайдардик. Баҳор келди дегунча, ҳўкизларнинг шохларини мойлаб, ер ҳайдашга, дон экишга тайёрлардик. Менинг болалигим уруш йилларига тўғри келган. Акам – Абдуқодир урушга кетган. У замонда бир бурда нон топишнинг ўзи амримаҳол эди. Отам чорвачилик билан шуғулланарди. Онам зиёли, ҳалол-ҳаромнинг фарқига борадиган тақводор аёл эдилар. Қаҳатчилик замонида амакимнинг ҳовлисидан картошка ковлаб уйга олиб келганимда, онам шундай койиб бердиларки, ҳеч кимга сездирмай картошкани жойига кўмиб қўйганим ҳамон эсимдан чиқмайди. Онам ғийбатни билмас, атрофдагилар билан ҳам илму ҳикмат ҳақида сўзлашарди. Араб ёзувини яхши билардилар. Навоий, Машраб, Бедил, Румий ва бир неча шоирларнинг шеърларини ёд билардилар. Ўз-ўзларига шеър ўқиб юрардилар. Эсимни танибманки, адабиёт, шеър оҳангги қулоғимга сингган. Кейинчалик мумтоз адабиёт вакилларининг ижодини ўзим кўп мутолаа қиладиган бўлдим. Улуғ аллома Хожа Аҳрор Валий ўз хотираларида «Отамнинг дала ҳовлиси бўларди. Отам билан далага чиқиб, деҳқончилик қилганман», — дея эслайди. Умуман, мумтоз адабиётимизда баҳор оҳангларига йўғрилган улкан асарлар бор. Мана шундай асарлардан Умар Хайёмнинг "Наврўзнома"си барчамизга маълум ва машҳур. У рубоийларининг бирида шундай дейди:

Бир ғариб кўнгилни қила олсанг шод,
Яхшидир ер юзин қилгандан обод.
Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,
Афзалдир юз қулни қилмоқдан озод.

Кўнгил ва Каъбанинг тенг қўйилиши, ҳатто инсон қалбининг Каъбадан баланд тутилиши муқаддас китобларда ҳам ўз ифодасини топган. Бир ғарибу бечоранинг дардига малҳам бўлиш, унинг қалби тубига чўккан жароҳатига шифо бериш савоблар ичра энг улуғидирки, бу юз қулга эрк беришдан ҳам устунроқ тураркан.

Демак, инсон она-табиатнинг мукаммал ва олий хилқати экан, у поклик ва меҳр билан дунёни безаши, бир-бирига ҳурмат-эътиборда бўлиши керак. Дарднанд, кўнгли ярим кишилар ҳолидан хабар олиш, ҳамдард, ҳамдам бўлиш фақат байрамларда эмас, ҳар доим анъанага айланиши лозим. Огаҳий «Гулистонларга берди дилкушолиғ, келиб юз файз ила айёми Наврўз», — дейди. Наврўз ҳаётимизга мазмун, хонадонларимизга хайр-барака олиб кирсин.



Ўзининг баҳорий сепини ёйиб ўлкамизга яна Наврўз ташриф буюрди. Дала-қирлардаги яшилликларда, тўлиб-тошиб оқаётган жилғалар лабидаги чучмомаю бойчечакларда, хонадонлардан таралиб чиқаётган сумалак бўйида, қизалоқлар сочларидаги толпопуклардан-да баҳор, Наврўз нафасини ҳис қиласиз.

Ана шундай ажойиб кунларда халқимизга яхши ният ила тўкин-сочинлик, қут-барака тилаймиз.

Наврўз барчамизга фақат яхшиликлар келтирсин!

ДЕНОВ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

ҚУТЛОВ


TURON
BANK
Наврўзингиз муборак,
азиз ортдошлар!


Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси
жамоаси
мамлакатимиз
аҳлини умумхалқ байрами
Наврўзи олам билан муборакбод этади.
Наврўз "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" да
хонадонларимизга файзу барокат, кувончу шодликлар олиб
келсин. Элимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
STATE COMMERCIAL PEOPLE-BANK
BANK
XALQ BANKI

ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ

қадимий ва ҳамиша боқий байрам — Наврўзи олам билан барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади. Баҳор айёми муносабати билан банк Сиз азизларга янги "Ижтимоий — рағбат" ҳамда "Соврин плюс" омонатларини ТАКЛИФ ЭТАДИ.



"ИЖТИМОИЙ — РАҒБАТ" *омонатига пенсия ва ижтимоий нафақалар олувчилардан пул маблағлари 2 ойдан кам бўлмаган муддатга Халқ банкининг барча бўлимлари орқали қабул қилинади.*

Омонат бўйича фоиз даромадлари ҳар ойда тўланиши билан бирга, ҳар ойда ютуқлар тиражи ўтказилиб, омонатчилар 4000 дан ортиқ пул ютуқларининг соҳиби бўлиш имкониятига эгалар.


"СОВРИН ПЛЮС" *омонатига эса, маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга чекланмаган миқдорда банкнинг барча бўлимлари орқали қабул қилинади.*

Бу омонат тури бўйича ҳам Сиз, фоиз даромадларини олиш билан бир вақтда, қўшимча равишда 5000000 сўмгача бўлган кўплаб пул ютуқлари совриндори ҳам бўлиш имкониятига эга бўласиз.

Халқ банкида аҳоли омонатларининг дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган.
Мурожаат учун тел: (8.371) 150-12-91

Хизматлар лицензияланган.

UTG "O'ZTRANSGAZ"
акциядорлик компанияси жамоаси



барча ватандошларимизни яшариш ва уйғониш айёми –

НАВРЎЗ

билан чин қалбдан муборакбод этади.

Наврўз — халқимиз учун, аввало, энг миллий, ардоқли ва жуда севимли шодиёнадир.

Ана шундай қутлуғ ва хосиятли кунларда барча-барчага ўзаро меҳр-муҳаббат, бахт-саодат, шодлик, оилавий хотиржамлик ёр бўлишини тилаймиз!

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРДА

Юрт ободлиги кўнгил яшнашидан бошланади

— Ёшим унча катта бўлмаса-да, аммо менинг ҳам ҳаётга нисбатан ўз кузатишларим, мулоҳазаларим йўқ эмас. Агар жиддий ўйлаб қаралса, турмушимизнинг ҳар бир воқеа-ҳодисасида ҳикмат борлигини илғаш мумкин, — дейди Куролли кучлар фахрийлари ва ногиронларининг Зарафшон шаҳар жамоат бирлашмаси раиси Шуҳратжон Икромов. — Яхши биласиз, табиатнинг тўрт фасли бор. У тўрт мавсумда тўрт хил сўзлайди. Аслида у инсон учун тилга киради. Баҳорда меҳру муҳаббат, оқибат сингари эзгу хислатларнинг униб-ўсишидан сўзласа, ёзда бу туйғуларнинг жўшиб, ҳосил бериши, улардан бахраманд бўлганлар янада кувватга тўлиши тўғрисида ишора бераётгандек туюлади. Назаримда халқимиз табиат билан бақамти яшашга уринган, унинг "тил-забони"ни тушунгани, кези келганда тупроқдек камтар, чинордек кучли ё қоядек мағрур бўлолгани учун ҳам Яратганнинг ўзи бизни қўллайди.



Бироз фалсафий, бироз шоирона, аммо юракдан айтилаётган бу мулоҳазаларни афғон уруши иштирокчиси сўзламоқда. Тинчлик, бахт ва меҳр туйғуларининг қадр-қимматини уруш даҳшатларига гувоҳ бўлганлар кўпроқ англайдилар, дейишади. Ҳақиқатан ҳам Шуҳратжон ана шу эзгу туйғуларни чуқур тушунади. Унинг вазмин табиати, ўйлаб фикр юритиши, атрофидагилар билан муомала-муносабати яхши тарбия кўрганидан, ҳаёт машаққатларида тобланганидан дарак беради.

Шуҳратжон Икромов ўн йилдан ортиқ муддат давомида Зарафшон шаҳридаги Байналмилал жангчилар жамоат бирлашмасига сардорлик қилди. 2007 йил август ойидан Куролли кучлар фахрийлари ва ногиронларининг шаҳар жамоат бирлашмасига раис этиб тайинланди. Ташкилотнинг асосий мақсади Куролли кучлар фахрийлари, афғон уруши ногиронлари ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий, тиббий, моддий-маънавий кўмак кўрсатишдан иборат. Бугун Зарафшон шаҳрида 150 нафар афғон уруши иштирокчиси истиқомат қилади. Уларнинг 16 нафари ногирон бўлиб, 4 оила афғон уруши туфайли боқувчисини йўқотган. Бундан ташқари, йилдан-йилга сафлари озайиб бораётган иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари мавжуд. Бу инсонларнинг саломатликлари тиббиёт ходимлари томонидан мунтазам назоратда бўлиши, ҳаётдан маънавий озуқа олиши учун тарихий масканларга саёҳатга боришини таъминлаш, иқтисодий муаммоларига кўмаклашиш — Шуҳратжон раҳбарлик қилаётган жамоат бирлашмасининг асосий фаолиятини ташкил этади.

Ташкилот тузилгандан буён ўтган бир ярим йил давомида ўн нафардан ортиқ байналмилалчи йигит янги иш жойига эга бўлди. Тиббий муолажага муҳтож 20 нафарга яқин уруш фахрийлари, ногиронлари ҳарбий госпиталда даволанишлари учун 7,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Афғон урушида ҳалок бўлганларнинг ва ногиронларнинг оилаларига 450 миллион сўм миқдорида пул берилганининг ўзи катта саховатпешалик нишонаси ҳисобланади. Бундан ташқари, жамоат бирлашмаси Зарафшон шаҳридаги касб-ҳунар коллежининг аълочи ўқувчиларини ҳар ойда 25 минг сўмдан стипендия билан таъминламоқда.

Агар шаҳардаги Меҳрибонлик уйига, мактабгача тарбия муассасаларига кўрсатилаётган ҳомийлик ёрдамлари ҳам эътироф этиладиган бўлса, мазкур жамоат бирлашмасининг халқ орасидаги нуфузи ортиб, фаолияти кенг тус олаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ташкилот маъмурияти, хусусан унинг раҳбари Ш.Икромовнинг мақсад-муддаоси ҳам аслида шу. Мазкур нодавлат ташкилот тасарруфида уй-жой биноларини қуриш ва таъмирлашга ихтисослашган мутахассислар гуруҳи фаолият юритади. Бундан ташқари, жамоа Навоий кон-металлургия комбинатининг Зарафшон шаҳридаги корхоналари билан ҳамкорлик қилади. Бу эса бирлашма фаолияти кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Ўтган йил бошида Шуҳратжоннинг жамоатчилик вазифаси янада кўпайди. Унинг зиммасига Зарафшон шаҳри "Нуроний" жамғармаси раислиги ҳам юклатилди.

— Ҳудудимизда 16 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бор,—дейди Ш.Икромов. — Хотин-қизлар байрамида 4 нафар урушда иштирок этган онахонларимизни ҳамда бир гуруҳ меҳнат фахрийларимизни йўқлаб, совғалар улашдик. Уларнинг кўнгиллари тоғдай кўтарилди. Юртимизда тинчлик бўлишини тилаб, дуо қилдилар. Ҳар йили Наврўз байрамида меҳнат ва уруш фахрийлари учун совға-саломлар тайёрлаб, моддий ёрдам кўрсатамиз. Хуллас, мамлакатимизнинг ҳар байрам ва тантанали кунларида биз қария ва фахрийларни хурсанд қилишга ҳаракат қиламиз. Ўтган йили уларнинг республикамиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлиши учун қарийб бир миллион сўм ажратган эдик. Касб-ҳунар коллежларида «уч авлод» учрашувларини тез-тез уюштириб турамиз. Ёшларнинг кекса авлод вакиллари билан давра суҳбатлари уларга кўп сабоқ беради. Талабалар жамоалари ўртасида спорт мусобақаларини ташкиллаштирамиз. Бундай учрашувларни ўтказиш учун ёшларнинг ўзлари ташаббус билан чиқиб, фаол иштирок этаяптилар. Куни кеча пойтахтимиздаги "Турон" сиҳатгоҳи маъмурияти билан шартнома имзоладик. Бир йил мобайнида фахрийларимиз бу ерда ўз саломатликларини тиклайдиган бўлдилар.

Ҳа, айтишади-ку, бу ёруғ дунёда кўп нарса изсиз ўтиши мумкин. Лекин меҳр-оқибат боқий қолади. Худди ҳар гал баҳор келиб, рўйи заминни яшнатганидай, меҳр-оқибат ҳам кўнгил сарҳадларини ёритиб бораверади. Юрт ободлиги эса бизнингча, энг аввало, кўнгиллардаги баҳор суруридан бошланади.

Мамлакат НОРМУРОДОВА,
"Hurriyat" мухбири. ®



"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг"
компаниясининг
Бухоро филиали аҳли

барча ватандошларимизни
баҳор ва уйғониш байрами — НАВРЎЗ билан
чин қалбдан табриклайди.

Юртимиз тинч,
2009 йилнинг
Наврўзи баракали
ва омадли келсин.

O'ZSANOATQURILISHBANK

жамоаси барча
юртдошларимизни кириб келаётган

НАВРЎЗ
айёми билан табриклайди!

Ушбу байрам Сизга бахт-иқбол, хонадонингизга
файз-барака, юртимизга тинчлик,
фаровонлик олиб келишини тилаб қоламиз!

Ушбу айём арафасида "O`zsanoatqurilishbank" Сизларга «Наврўз туҳфаси» номли янги жамғариладиган-ютуқли омонат жорий қилинганини маълум қилади.

«Наврўз туҳфаси» жамғариладиган-ютуқли омонатига пул маблағлари 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади ва йиллик 24 фоиз ҳисобидан даромад тўланади. Ушбу омонатга сақлаш муддати оралиғида қўшимча маблағлар қабул қилинади.

Омонат миқдорига ҳисобланган фоиз даромадлари омонатчига ҳар ойда тўланади.

Йилда бир маротаба Наврўз умумхалқ байрами арафасида ютуқлар тиражи ўтказилади, бунда ҳар 1000 та шахсий ҳисоб варақдан 150 та қўшимча равишда 15 фоиздан 50 фоизгача пул ютуқлари омадли ҳисоб варақ эгаларига ҳисоблаб тўланади.

Банк омонат шартларининг тўлиқ бажарилишини ва Сизнинг биринчи талабингиз асосида пул маблағларингиз қайтариб берилишини кафолатлайди.

"Ўзсаноатқурилишбанки"да сақланадиган аҳоли омонатлари «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланган.

Вақт давомида синалган ишонч!
Маълумот учун телефон: (8.371)120-45-24
Хизматлар лицензияланган.



«Пахтабанк», «Халқ банки»,
«Асака банк»,
ва «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг
Сирдарё вилояти бошқармалари
жамоалари

мамлакатимиздаги ҳамкасбларини, акциядорлари ва барча юртимиз аҳолисини яқинлашиб келаётган баҳор ҳалда гўзаллик байрами — НАВРЎЗ билан самимий муборакбод этади.

Ҳаммага соғлик-саломатлик,
омад ва зафарлар ёр бўлишини истайди.



"Денов нефть база" унитар корхонаси жамоаси

республикамиз аҳлини гўзал айём —

Наврўзи олам

билан муборакбод этади. Наврўз элимизга омонлик, бахт-иқбол олиб келсин.
Улуғ айём арафасидаги энг ёруғ ва энг эзгу тилакларимиз Сизга, азиз ватандошлар!



Ташқи иқтисодиёт фаолият миллий банкнинг Вобкент туман филиали жамоаси

ўз мижозлари, акциядорлари ва барча юртдошларимизни
НАВРЎЗ БАЙРАМИ
билан қутлаб, барчага сиҳат-саломатлик, омад, хушкайфият тилайди.
Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин, азиз дўстлар!

АЙЁМОНА




ҚИШЛОҚ ТИББИЁТИ

ЭЛ ЭЪЗОЗЛАГАН ШИФОКОР

Саломатлик шундай бебаҳо неъматки, уни ҳеч қандай ўзга неъмат билан алмаштириб бўлмайди. Табиийки, инсон доимо соғлом бўлишни истайди. Аммо бунинг ҳамиша ҳам илożжини тополмайди.. Тиб илмининг билимдони Ибн Сино бежиз "Кишилардаги энг яхши хулқ-атвор ўзгаларнинг дард-ҳасратига шерик бўлмоқликдир", демаган. Орамизда ўз бахтини ўзгалар қувончида кўриб, умри давомида хаста кўнгилларга шифо бағишлаётган инсонлар кўп.

Қашқадарё вилоятининг Миришкор тумани Чандир қишлоғидаги шифохонада кўп йиллардан бери ишлаб келаётган тажрибали ҳакам Сайфулла Шаропов ана шундай кишилардан бири. Айни пайтда у раҳбарлик қилаётган оддий қишлоқ касалхонаси туман ва шаҳарлардаги шифохоналардан қолишмайди.

— Юртимиздаги олис овул ва қишлоқларнинг ҳар бирида бизнинг қишлоғимиздаги сингари кўркам шифо масканларининг бўлгани маъқул, — дейди Сайфулла Шаропов. — Кечагидек ёдимда, отам иккинчи жаҳон урушида яраланиб, нафас қисиш дардига чалиниб қайтганди. Вақти-вақти билан бу дард хуруж қилганида, ёнатрофимиздаги қишлоқлардан кўп марта шифокор излаганмиз. Ўшанда терапевт-кардиолог бўлишга аҳд қилгандим. Самарқанд тиббиёт олий билим даргоҳига ўқишга кирдим. Институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, ўзим туғилган қишлоқдаги шифохонага ишга келдим. Бу ерда куч-ғайрат билан фаолият бошлаган кезларимда менга: «Бу оддий касалхонада ишлагандан кўра, шу шижоатингни, илмингни катта шаҳарларда давом эттириб, олим бўлсанг-чи?» — деганлар кўп бўлган. Аммо мен у пайтларда "катта шаҳарлардан" кўра, кўпроқ қишлоқдошларимга керак эдим.



Сайфулла Шаропов иш бошлаган пайтда бу шифо маскани кўримсиз, сомон билан сувалган, кичкина бир бино эди. Беморларга тузукроқ муолажа қилиш учун қулай имкониятлар чегараланган, тиббий асбоб-ускуналар ҳам талабга жавоб бермасди. Туман марказидаги касалхона 30 километр олисда бўлгани боис, 15 мингдан ортиқ аҳолига шу ернинг ўзида тиббий хизмат кўрсатиларди. Сайфулла ака бундай қийинчиликлар олдида ўзини йўқотиб қўймади. Ўз касбига бўлган меҳри, масъулияти ва тиришқоқлиги туфайли тез орада қишлоқдошларининг меҳрини қозона олди.

— Ишга келганимга унча кўп вақт бўлмасидан мени бу шифо масканига раҳбар – бўлим мудири этиб тайинлашди, — дейди у. Сабаби, ўша вақтда қишлоқ бўйича 800 нафар 14 ёшгача бўлган боладан 608 таси қизамиқ, кўк йўтал, сил, чечак, шол, бўғма ва бошқа ҳар хил юқумли касалликларга қарши эмланмай қолиб кетган экан. Бунинг оқибатида болалар ўлими юқори даражага чиққан эди. Ишни уйма-уй юриб, аҳолининг турмуш тарзини ўрганишдан бошладик. Аввало, ҳудудни бир неча қисмга тақсимлаб, одамларнинг соғлигидан доимо хабардор бўлиш учун тиббиёт ходимларини бириктирдик.

Мустақиллик туфайли давлатимизнинг тиббиётга бўлган эътибори ортди. Бу шифохонамизнинг моддий-техник базасини яхшилашга, беморларни даволаш учун етарли шарт-шароит яратишга катта имконият яратди, албатта. Биз туман раҳбарлари ёрдамида Чандир қишлоғидан 40 гектар ер олиб, ёрдамчи хўжалик ташкил қилдик. Пахта, ғалла, сабзавот, полиз экинларини экиб, етиштирган маҳсулотларимизни шартнома асосида давлатга топширдик. Топган даромадимиз ҳисобига касалхонанинг қўшимча биносини қуришга киришдик.

Ўша пайтда бизда оддий қон ва бошқа таҳлилларни амалга ошириб бўлмасди. Шу боис, замонавий тиббиёт аппарати сотиб олдик. Кейин биохимик анализ таҳлилларни амалга оширувчи замонавий КФК ускунаси, УВЧ, дарсенвал, электрофарез каби жиҳозларни харид қилдик. 1995-1996 йилларга келиб, даромадларимиз ҳисобига 15 ўринли туғруқхона биносини ишга туширдик. Аста-секин уни ҳам керакли тиббий жиҳозлар билан таъминладик. Масалан, туғруқ залига электроэнергияни захирада сақлаб, 3-4 соат ёруғлик берувчи зарядчик-рефлектор келтирдик. Ўтган йили «Дамас» русумли тиббий ёрдам автомашинасини харид қилиб, «Тез ёрдам» сифатида фойдалана бошладик. Натижада юқумли ичак хасталиги билан оғриганлар сони анча камайди. Токсик гепатит, жигар циррози, сурункали буйрак хасталиклари ва аллергик касалликларга даво истаб келувчилар шифо топишмоқда. Лекин экологик аҳволнинг ёмонлашуви, сувнинг яхши тозаланмаслиги оқибатида аҳоли ўртасида баъзи касалликлар учраб турибди. Ҳозирги пайтда жамоамизда тўрт нафар врач, 15 та ўрта тиббий ходим хизмат қилмоқда. Малакали ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда ҳар бир хонадонга кириб, суҳбатлар ўтказиб турамиз. Йигирма йилдан бери шифохонамизда оналар ўлими бирор марта қайд этилмагани бизни хурсанд қилади.

Аслида кишини ҳалол меҳнат улуғлайди, танлаган касбини севиш ва пухта эгаллаш эл орасида юзини ёруғ қилади. Халқ орасида «Пулингни йўқотсанг – ҳеч нарсангни йўқотганинг йўқ, вақтингни йўқотсанг – кўп нарсангни йўқотасан, соғлигингни йўқотсанг ҳамма нарсангни», — деган гап бор. Шу боис ҳам касалликнинг олдини олиш ҳар бир инсон учун биринчи галдаги вазифа бўлиб қолиши керак. Олиб борилган профилактик тадбирлар, суҳбатлар натижаси ўлароқ, бугун чандирликлар ўз саломатлиги учун аввало ўзи масъул эканини яхши тушуниб етишди.

Дарҳақиқат, Сайфулла ака жонкуяр инсон. Барчага қўлидан келганича ёрдам беради. Шунинг учун уни ҳамқишлоқлари «ўзимизнинг дўхтир», — дея ҳурмат билан тилга олишади. Бундан Сайфулла аканинг боши кўкка етса-да, чандирликлар саломатлиги йўлидаги ташвишлар унга тинчлик бермайди. Кўнглидагидек ишламаса, ҳаловат топмайди.

— Шифокор биринчи навбатда ўз касбининг пухта билимдони бўлиши зарур, — дейди у. — Мен ҳар икки-уч йилда пойтахтимиздаги Врачлар малакасини ошириш институтида малака ошириб қайтаман. Яқин дўстларим — тиббиётга оид китоблар ва шу соҳага тегишли газета ва журналлар. Ҳар доим интернет хизмати орқали янгиликлардан бохабар бўлиб тураман. Чунки одамлар саломатлигини ўйлаш ҳаётимнинг мазмунига айланиб қолган. Шифохонамизга даво излаб келаётган беморлар соғайиб, ҳаётини эзгу ниятлар, гўзал туйғулар билан безаб яшаётганини кўрсам кўзим қувонади. Бу билан бизда барча муаммолар барҳам топган, демоқчи эмасман. Масалан, қанча машаққат билан шифохонани ичимлик суви, электр энергияси ва газ билан таъминлагандик. Охирги йилларга келиб, марказий сув қувурлари ишдан чиқиб, 4-5 йилдан бери тоза ичимлик суви келмай қолди. Махсус сув ҳовузларини ташкил қилганимиздан сўнг аҳвол ижобий томонга сал-пал ўзгарди. Мана, икки-уч йилдирки, газ ва электр энергияси таъминоти бизни ташвишга солаётир. Туғруқ бўлимимиздаги ёруғлик берадиган генераторлар панд бериб қолганида, ҳомиладор аёллар дардини енгиллатишга жуда қийналяпмиз. Бу борада жорий — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да тегишли мутасаддилар ёрдам беришса, қийинчиликларимиз ортда қолармиди?

Ҳа, қишлоқ шифокори С.Шаропов одамлар соғлом бўлгандагина ўзларининг турмуш тарзини яхшилаш устида бош қотиришлари мумкинлигини қалбан ҳис эта олади. Табиийки, янгиликлар яратиш одамлар турмуш маданиятининг юксалишига қўйиладиган мустаҳкам пойдевор ҳисобланади. Мана шу туйғу уни инсонлар соғлигини сақлаш йўлида кўпроқ жон куйдиришга ундайверади.

Адиба УМИРОВА,
«Hurriyat» мухбири.




ДУНЁДА НИМА ГАП?

ФАОЛИЯТ

Имкониятдан оқилона фойдаланишгач...

Фарғона вилоятининг Боғдод тумани аҳолиси хушмуомала, соддадил, заҳматкаш ва меҳмондўст. Бу ердан зўр-зўр шоирлар, санъаткору аскиячилар етишиб чиққан.

Барча нарсани кадрлар ҳал қилади, деган, ҳаётий гап бор. Туманнинг биринчи раҳбарлигига ёш ва изланувчан кадрлар тайинлангани боис, сўнгги пайтларда кўпгина соҳаларда ижобий ўзгаришлар рўй



бера бошлади. Буни соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кўриш мумкин.

Аввалари ҳукуматимиз берган имкониятлардан яхши фойдаланилмаганлиги сабабли, поликлиникалар ва шифохоналарнинг эскича қиёфаси, тез тиббий ёрдамнинг ўзи ёрдамга муҳтожлиги, даволаш ускуналари ва дори-дармонларнинг етишмаслиги, айрим ўзибўларчилик ва таъмагирлик ҳоллари жиддий ташвиш туғдирарди. Туман тиббиёт бирлашмасига Абдужаббор Ҳусанбоев бош врач этиб тайинлангач, жамоа унинг атрофига жипслашиб, аҳволни тубдан ўзгартиришга киришди. Бюджет ҳисобидан ажратилган маблағдан унумли фойдаланилди. Гап фақат туман аҳолисига рисоладагидек тиббий хизмат кўрсатишда қолди, холос.

— Тумандаги жамики даволаш-профилактика муассасаларини 2009 йилда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича» 45 кунга мўлжалланган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, — дейди бош врач Абдужаббор Ҳусанбоев. — Мазкур тадбир ижроси учун бюджетдан 4,7 миллион сўм маблағ ажратилди. Аммо, ўрни келганда алоҳида таъкидламоқчи эдимки, биз бажариладиган ишларнинг тенг ярмини ўзимизнинг ички имкониятларимиздан фойдаланган ҳолда амалга оширамиз. Ҳашарлар ва бир кунлик иш ҳақининг ободончилик ишларига ўтказиш каби жамоатчилик ташаббуслари бу ўринда муҳим аҳамият касб этаётир.



Дарҳақиқат, қаерда ташкилотчилик яхши йўлга қўйилган бўлса, аҳиллик ва хоҳиш-ирода ҳамда журъат топилса, ўша ерда иш унумли бўлади. Биз бунга юқорида тилга олинган шифокорлар жамоасидаги кўтаринкилик ва якдилликни кўргач, яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Ислом СУЛТОНОВ,
«Hurriyat» мухбири. ®

“АЛ-ҚОИДА” АЙБДОР

Яман оммавий ахборот воситалари Жанубий кореялик тўрт сайёҳ ва бир кузатувчининг ўлимига сабаб бўлган портлаш “Ал-Қоида” террорчилик гуруҳи томонидан амалга оширилган, деган хабарни тарқатди.



Террорчилик акти 15 март куни Шибам шаҳрида юз берган эди. Гувоҳларнинг айтишича, сайёҳлар автомобилдан тушиб қуёшнинг ботишини томоша қилаётганда портлаш содир бўлган. Портлаш чоғида ҳалок бўлмай қолган Жанубий кореялик ягона сайёҳ оғир тан жароҳати туфайли ҳозирча Яманда даволанмоқда.

ГЛОБАЛ ИСИШ ОҚИБАТИ...

Associated Press хабарига қараганда, ҳавонинг глобал исиши натижасида 2010 йилга келиб АҚШнинг шимоли-шарқидаги денгиз сатҳи 20 сантимертгача кўтарилиши мумкин. Дунё бўйича эса бу кўрсаткич 9 сантиметрни ташкил этади.



Сув сатҳининг кўтарилиши мамлакат учун катта ташвишлар келтиради. Масалан, Нью-Йорк метрополитенига сув тушиб, у нормал фаолият кўрсата олмай қолиши мумкин. Хабарда айтилишича, агар сув сатҳи 20 сантиметрга кўтарилса, Бостон шаҳри жиддий зарар кўради.

СЕРБИЯ ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Сербия ҳукумати иқтисодий инқирозга қарши кредит олиш учун Халқаро валюта фонди билан музокара олиб бормоқда. Бу ҳақда мамлакат савдо вазири Слободан Милосавлевич баёнотига асосланиб, BBC News хабар тарқатди. Сербия ҳозирча 2 миллиард евро қарз сўраяпти. Хабарларга қараганда, масала шу йилнинг 26 март куни ижобий ҳал бўлиши мумкин.



Ҳукумат вакилининг таъкидлашича, Сербияга давлат бюджетидаги камомадни ёпиш ва миллий валюта курсини ушлаб туриш учун кредит керак. Мамлакат шу йилнинг 17 январь куни ХВФдан 530 миллион евро миқдорида кредит олган эди. Лекин бу маблағ бугунги иқтисодий инқироз даврида камлик қилди.

ҲУКУМАТ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАДИМИ?

Қувайт ҳукумати истеъфога чиқишини билдирган. Лекин буни амир Носир ал-Сабах қабул қилганми ёки йўқми ҳозирча номаълум. Бу ҳақда мамлакат парламентининг икки депутати гапига асосланиб, AFP хабар тарқатди.

Хабарларга қараганда, сўнгги пайтларда парламент ва ҳукумат ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган. Депутатлар амирнинг қариндоши Носир ал-Сабах раҳбарлигидаги ҳукуматни конституцион нормаларни бузишда, давлат бюджетини талон-торож қилишда айблаган ва айбдорларни судга топширишни талаб қилган.

Носир ал-Сабах 2006 йилдан буён ҳукуматга раҳбарлик қилиб




келмоқда. Лекин шу даврда парламент тазйиқи билан тўрт марта Вазирлар Маҳкамаси таркибини ўзгартиришга мажбур бўлди. У раҳбарлигидаги охирги ҳукумат таркиби шу йилнинг январида тузилган эди.

ҚУРИЛИШЛАР ТЎХТАБ ҚОЛДИ

Жаҳон иқтисодий инқирози йирик қурилишларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Guardian газетасининг ёзишича, бу борада, айниқса, Испанияда аҳвол оғир. Бир пайтлар энг машҳур архитекторларнинг лойиҳаси асосида бошланган йирик объектлар қурилиши тўхтаб қолган. Масалан, меъмор Ричард Рожер лойиҳасига биноан қурилаётган коррида аренаси қурилишини давом эттиришга маблағ йўқ. Бундан ташқари, Европадаги энг катта стадион ҳисобланган “Камп-Ноу”ни реконструкция қилиш ҳам номаълум вақтгача кечиктирилди. Шунингдек, машҳур архитекторлар Франк Гери ва Жан Нувел лойиҳалари асосида қурилиши керак бўлган бинолар тақдири ҳам ҳозирча номаълум бўлиб турибди.

ОАВ хабарларига қараганда, сўнгги ўн йилда Испанияда қурилиш энг даромадли соҳага айланган ва ўнлаб йирик иншоотлар қад ростлаган эди.

ШАТТЛНИНГ ПАРВОЗИ



Кеча «Дискавери» шаттли Флорида штатидаги мисе Канаверал космодромидан парвоз қилди. Унинг бортида етти нафар астронавт — америкалик Ли Арчамболт, Тони Антонелли, Жон Филлипс, Стивен Суонсон, Ричард Арнольд, Жозеф Акаба, шунингдек, япониялик Коичи Ваката бор. Ваката шаттлда борт-инженер вазифасини бажаради.

«Дискавери» самода икки ҳафта парвоз қилади. Бу вақтда астронавтлар тўрт марта очиқ коинотга чиқиб, тўртинчи қуёш батареясини ўрнатишади. Шаттлнинг парвози аввалига 12 февралга мўлжалланган эди. Аммо техник носозликлар туфайли бир неча марта кечиктирилди.

ПОРТЛАР НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Венесуэла президенти Уго Чавес ҳарбийларга губернатори мухолифат тарафида бўлган штатлардаги йирик денгиз портларини назоратга олишни топширди. Associated Press хабарига қараганда, давлат бошлиғи шу йўл билан ўтган ҳафта қабул қилинган магистрал йўллар, портлар ва аэропортларни федерал ҳукумат ихтиёрига бериш тўғрисидаги қонунни амалга оширмоқчи.

Президент ўзининг миллатга мурожаатида мухолифатдаги губернаторларни уларнинг ихтиёрида бўлган портлар ва аэропортлардан наркотик моддалар ташишда фойдаланганликда айблади.




Венесуэла федерал давлат бўлиб, 23 та штатдан ташкил топган. 2008 йилнинг ноябрида маҳаллий ҳукуматга бўлиб ўтган сайловларда 17 штатда президент тарафдорлари, қолган бешта штат ва пойтахт федерал округида мухолифат вакиллари ғалаба қозонганди.

ЭНГ СЕМИЗ ОДАМ УЧУН МАШИНА

Дунёдаги энг семиз одам деб тан олинган мексикалик Мануэл Урибе учун махсус машина яратилди. Бунинг учун 1989 йили ишлаб чиқилган Chevrolet Astrovannинг томи ва бир неча ўриндиғи олиб ташланди. Мануелнинг таъкидлашича, машинани унинг хотини бошқаради, ўзи эса орқадаги ўриндиқда ўтиради. Урибенинг жойидан машинага ва машинадан жойига ўтишига унча катта бўлмаган кўтарма кран ёрдам беради.

Мануэл Урибе 2006 йилда энг семиз одам сифатида “Гиннеснинг рекордлар китоби”га киритилган эди. Ўша пайтда унинг оғирлиги 560 килограммни ташкил этарди. Ҳозирга келиб у 250 килограммгача озишга эришди. Лекин шунга қарамай, Урибе олти йилдан буён бир жойда ётибди.





Бухоро агроиқтисодиёт коллежи

жамоаси

юртимиз аҳолисини табиат ва гўзаллик байрами — Наврўз билан муборакбод этади.

Шу қутлуғ кунларда ҳар бир юртдошимизнинг қалбидаги орзу-умидлари ижобат бўлишини чин дилдан истайди.

ТАФСИЛОТ

Манфаатлар тўқнаш келганда

Украинада навбатдаги газ билан боғлиқ можаро бошланди. Лекин бу галги жанжалга Россиянинг унчалик алоқаси йўқ. У мамлакатда ҳокимиятни ўз қўлларида сақлаб қолиш, мавқеларини ошириш учун курашаётган икки гуруҳ ўртасидаги келишмовчиликдан келиб чиқди.

Маълумотларга қараганда, ҳозир Украинадаги газ омборларида 11 миллиард кубометр ортиқча газ сақланаяпти. Можаро ҳам худди шу газга, тўғрироғи, унинг кимга тегишли эканлигига бориб тақалади. Ушбу газ захираси учун «Нафтогаз Украина» давлат акциядорлик компанияси ва RosUkrEnergo компанияси давогарлик қилмоқда.

«Нафтогаз Украина» тарафида бош вазир Юлия Тимошенко ва ҳукумат, “Нафтогаз” раҳбари Игорь Диденко, Украина энергетика божхонаси ва мазкур божхона бўлим бошлиғи ўринбосари Тарас Шепитко турибди. Шунингдек, мамлакат ички ишлар вазири Юрий Луценкони ҳам шу гуруҳга қўшиш мумкин.


Мамлакат президенти Виктор Ющенко ва унинг котибияти, Украина хавфсизлик хизмати ва ушбу хизмат раиси ўринбосари Валерий Хорошковский, RosUkrEnergo компанияси ва компания акционери Дмитрий Фирташ RosUkrEnergo тарафдорлари ҳисобланади.

RosUkrEnergo 2004 йили ташкил этилган ва Марказий Осиё газини Россия ҳамда Украина ҳудудлари орқали Европага етказиб бериш билан шуғулланган. Компаниянинг 50 фоиз акцияси “Газпром”га тегишли. Қолган 50 фоизига эса украиналик ишбилармонлар Дмитрий Фирташ ва Иван Фурсин эгалик қилади. 2006 йилдан бошлаб RosUkrEnergo Россия ва Украина ўртасидаги газ олди-сотдисида воситачи бўлди ва айрим Европа давлатларига газ етказиб бериш бўйича узоқ муддатли шартномалар тузди. 2006 йилда Украинага қуйидаги схемада газ етказиб бериларди: “Газпром” газни RosUkrEnergoга сотарди. RosUkrEnergo эса бу газни яна бир воситачи «Укргаз-Энерго» орқали истеъмолчиларга етказиб берарди. «Укргаз-Энерго» эса RosUkrEnergo ва «Нафтогаз» га қарашли ташкилот эди.

Россия ва Украина ўртасида 2009 йилда тузилган ҳукуматлараро шартномада RosUkrEnergo Украинага газ етказиб берувчи компаниялар рўйхатидан чиқариб ташланди. Углеводород ёнилғисини “Газпром” тўғридан-тўғри “Нафтогаз”га сотадиган бўлди. Экспертларнинг қайд этишича, бу иш расмий Москванинг талаби билан амалга оширилган. Чунки баъзи манбаларда Украина президенти Виктор Ющенко RosUkrEnergoга алоқадор деган гаплар айтилган эди. Россия эса Ющенко олиб бораётган сиёсатдан норози. Шунинг учун унга алоқадор корхоналар билан олди-сотди қилишдан манфаатдор эмас.

RosUkrEnergo воситачилар рўйхатидан чиқариб ташланган бўлса-да, компания ҳисобида 11 миллиард кубометр газ бор эди. Бугунги можаронинг асосий сабабчиси ўша газ ҳисобланади. Бош вазир Юлия Тимошенконинг таъкидлашича, ҳозирги иқтисодий инқироз пайтида мамлакатга ўша газни сотишдан келадиган маблағ жуда-жуда зарур. Аммо уни RosUkrEnergodан қандай қилиб олиш мумкин. Ахир, у компаниянинг мулки-ку. Лекин тезда бунинг ҳам йўли топилди.

2008 йил охирига келиб, RosUkrEnergo ўзининг акционерлари “Газпром” ва “Газпром экспорт” ОАЖдан 1,7 миллиард доллар қарз бўлиб қолганди. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, Украинадаги газ омборларида компаниянинг 11 миллиард кубомерт гази бор эди. Украина ва Россия ўртасида шу йил бошида Европа ва Украинага газ етказиб бериш бўйича ҳукуматлараро шартнома тузилган пайтда Москва ҳийла ишлатди. Европага Украина ҳудуди орқали газ транзити учун 1,7 миллиард доллар аванси “Нафтогаз” ҳисоб рақамига ўтказди. Аммо ҳукуматлараро шартномада бу пулни “Нафтогаз” RosUkrEnergonинг қарзи учун Россияга қайтариб бериши белгиланган эди. Шундай қилиб, “Нафтогаз” “Газпром”дан транзит учун пул олди ва дарров қайтариб берди. Бу билан RosUkrEnergonинг қарзини тўлади. Шу билан омбордаги газга эгалик қиладиган бўлди.Россия эса газ транзити ҳақидан қутулди. Мантиқан ўйлаб қарасангиз ҳақиқатан ҳам, Украина газ омборларидаги RosUkrEnergoга қарашли газ энди “Нафтогаз” ихтиёрига ўтди. Шунинг учун Украина бош вазири



Юлия Тимошенко ва “Нафтогаз” раҳбари Игорь Диденко RosUkrEnergo ҳисобида умуман газ қолмаганини ҳамда 11 миллиард кубомерт газ бундан буён ҳукуматга қарашли эканини маълум қилди. Ю. Тимошенконинг таъкидлашича, Украина шу йўл билан Россиядан 11 миллиард кубометр газнинг ҳар минг кубометрини жуда арзон — 153,9 доллардан сотиб олган. Ваҳоланки, Европа мамлакатлари бугун ҳар минг кубометр газ учун 360 доллардан пул тўлаяпти.

RosUkrEnergonинг бирдан 11 миллирад кубометр газдан ажралиб қолаётгани ушбу газдан манфаатдор бўлган Украина президенти ва Давлат хавфсизлик хизмати вакилларига маълум эмас. Уларнинг фикрича, йил бошида тузилган Москва ва Киев ўртасида ҳукуматлараро шартномада қандайдир сир бор. Шунинг учун улар бу ҳужжатни қўлга киритишга ҳаракат қилишяпти. Эсингизда бўлса, мамлакат хавфсизлик хизматига қарашли “Альфа” махсус бўлинмаси жангчилари 4 март куни “Нафтогаз” биносига бостириб киргани ҳақида хабар берган эдик. Хавфсизлик хизмати вакилларининг айтишича, улар ушбу ҳужжатнинг асл нусхасини топа олмаган. Шунинг учун “Альфа” ҳукумат биносига ҳам бостириб кириши мумкин. Бу ҳақда мамлакат хавфсизлик хизмати бошлиғи ўринбосари Валерий Хорошковский баёнот берди. Унинг таъкидлашича, зарур ҳужжатлар бош вазир ўринбосари Александр Турчинов қўлида сақланмоқда.

Бундай ўйлаб қарасангиз, жанжалга сабаб бўлаётган газ RosUkrEnergoга тегишли. Давлат корхонаси бўлган “Нафтогаз” эса шу газ ҳисобига RosUkrEnergonинг “Газпром”даги қарзини тўлаяпти ва бунинг ҳисобига арзон газ олаяпти. Лекин давлат бошлиғи ушбу келишувга қарши чиқаяпти. Нега? Сиёсатчиларнинг таъкидлашларича, бу ерда биринчи ўринда Виктор Ющенко ва Юлия Тимошенко ўртасидаги шахсий муносабат ётибди. Давлат раҳбари ҳукумат бошлиғини шу йўл билан обрўсизлантирмоқчи. Унинг аҳоли орасида рейтинги кўтарилиб кетишига йўл қўймоқчи эмас.

Шуниси қизиқ-ки, 11 миллиард кубометр газ атрофида давлат бошлиғи, мамлакат хавфсизлик хизмати бошлиғи ўринбосари шов-шув кўтариб турган бир пайтда, газнинг ҳақиқий эгаси RosUkrEnergo компаниянинг акционери Дмитрий Фирташ жим турибди. Қонун бўйича фақат у ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун мамлакат ёки бошқа халқаро судларга мурожаат қилиши мумкин.

Айрим манбаларда ёзилишича, у бекорга фақат кузатувчилик қилиб тургани йўқ. Украина ва Россия прокуратуралари унга нисбатан жиноий гуруҳ тузган деган айб қўйиши мумкин. Россия прокуратураси Украинага газ етказиб беришда RosUkrEnergo кўплаб қонун бузилишига йўл қўйганини топган ва бир неча бор Фирташни гувоҳ сифатида чақирган. Лекин Фирташ прокуратурадан узоқроқ юришни лозим топаяпти. Шарҳловчилар шунинг учун Фирташ жим дейишмоқда.

Интернет хабарлари асосида
Озода МИРЗАХОНОВА
тайёрлади.

ТАБРИК


ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ
КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ
плакатимиз
аҳолисини эзгулик ва
баҳор айёми —
НАВРЎЗ байрами
билан чин юракдан
табриклайди.
Юртимиз тинч,
осмонимиз ҳамиша
мусаффо бўлсин.
Меҳнатсевар халкимиз
ва она юртимизнинг
келажаги
Наврўзи оламдек
фусункор ва
тароватли бўлаверсин!


"ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ"
давлат акциядорлик компанияси
жамоаси
юртдошларимизни, шу жумладан
темир йўл ходимларини навқирон ва
ҳамиша гўзал шодиёна —
Наврўзи олам
билан чин қалбдан табриклайди.
Бутун борлиқ яшариб, ер-у кўкда
буюк мўъжизалар намоён
бўладиган шу кезларда баҳор
нафосати ҳар бир хонадонга, ҳар
бир юртдошимизга қувонч, шодлик
ва омад олиб келсин!
2ГЭ10М-3494

ИЖОД МАНЗАРАЛАРИ

ТАЪЛИМ

Орзу-истаклар дебочаси

Ёш авлоднинг дунёқарашини уларнинг чизаётган суратлари ёки ёзаётган ижодий ишлари билан танишиб билиш мумкин. Таъбир жоиз бўлса, бадиий ижод болада яратувчанлик қобилиятини шакллантиради, унинг мустақил изланиш имкониятини янада ривожлантиради.



Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказининг "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг орзу ва истакларини ифодалаш тўғрисида"ги йўриқномасига асосан юртимиздаги барча таълим масканларида "Менинг орзу ва истакларим" номли ижодий ишлар танлови ўтказилмоқда.

Яқинда худди шундай кўрик-танловларнинг бири Тошкент иқтисодиёт коллежида ҳам бўлиб ўтди. Ушбу танлов икки йўналишда ташкил этилган бўлиб, биринчисида ўқувчилар ўзлари истиқомат қилаётган уй, маҳалла, қолаверса, таълим олаётган даргоҳи тасвирланган суратларни тақдим этишди. Иккинчи йўналиш иштирокчилари эса юқоридаги мавзу доирасидаги ёзма ижодий ишлари билан фаоллик кўрсатишди. Коллежнинг банк иши йўналишида таҳсил олаётган Нигина Маҳмуджонованинг "Ўқув масканимнинг рангли тасвири" деб номланган расми эътирофга сазовор деб топилган бўлса, ёзма ижодий ишлар орасида бухгалтерия ҳисоби йўналиши ўқувчилари юқори кўрсаткичга эришишди.

Умуман, бундай кўрик-танловларнинг ўтказилиши ўқувчилар ижодий имкониятларининг янада ўсиши учун ижобий таъсир қилиши шубҳасиз.

Зебо АБДУҚОДИРОВА,
Тошкент иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси.

Форишда шундай мактаб бор

Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимизда барча соҳалар қатори таълим тизимига ҳам алоҳида ғамхўрлик қилинаётгани сир эмас. Шу боисдан ҳам, юртимизнинг турли гўшаларида ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунарни пухта эгаллашлари учун замонавий қиёфада қад ростлаган ўқув масканларини кўриб, кўзимиз қувонади.



Фориш туманидаги Хонбанди кончилар шаҳарчасидаги 59-ўрта умумтаълим мактаби мана шундай илм масканларидан биридир. Билим даргоҳидаги 657 нафар ўқувчиларга 62 та малакали мураббий сабоқ беради. Энг муҳими, ушбу таълим масканида дарслар уч тилда — ўзбек, рус, қозоқ тилларида олиб борилади. Мактабда ўқувчилар эркин машғулот олиб боришлари учун шинамгина спорт ва фаоллар зали мавжуд. Икки мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона ҳам улар ихтиёрига топширилган.

— Жамоамизда янги педагогик технологияларни татбиқ этиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди мактаб директори Гулчеҳра Каримова. — Масалан, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Сайёра Қозоқованинг интерфаол усулда ўтаётган дарс жараёни вилоят бўйича оммалаштирилди. Мактаб фонди томонидан ижодкор ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларга моддий ва маънавий жиҳатдан ғамхўрлик қилинмоқда. Ёшларни халқимизнинг кўп йиллик маънавий ва миллий қадриятлари асосида тарбиялаш, Ватанга садоқат руҳида ўстириш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган. Ёш авлод тарбияси учун барчамиз масъул. Асосий вазифамиз мактабда таҳсил олаётган дилбандларимизга пухта билим бериб, республикамиздаги нуфузли илм даргоҳларига йўналтиришдир. Мамлакатимизнинг таълим тизимидаги ислоҳотлар фарзандларимиз келажагига хизмат қилиши шубҳасиз.



Жорий йилда «Янги авлод» республика кўрик-танловида мактаб ўқувчиларидан Барчиной Турғунова, Жавоҳир Шукуровлар ғолиб топилган бўлса, кўплаб иқтидорли ёшларнинг ижодий ишлари "Билимдон", "Камолот кўзгуси" газета ва журналларида чоп этилди. Мактабда болаларнинг қизиқишига қараб ташкил этилган турли тўгараклар фаолияти айниқса, таҳсинга сазовор. Билимга чанқоқ ёшларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш учун яратилган бундай қулайликлар эртамиз ворислари учун мустаҳкам замин бўлади, десак муболаға бўлмас.

Норқул МАЪМУР,
«Hurriyat» мухбири.

Яккабоғ туман ҳокимлиги

баҳор, уйғониш, яшариш байрами билан мамлакатимиз халқини чин дилдан табриклайди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да ватандошларимизга мустаҳкам соғлиқ, қишлоқларимизда чинакам ободлик, барака бўлишини, юксак яратувчилик иштиёқини тилаб қолади.

ШЕЪРИЯТ

БАҲОР, ҚАДАМИНГНИ ОЙДИН, ХУШ КЎРДИК



Азим СУЮН

ЎЗБЕК ЗАР ТЎНИ

(Абдулла Ориповга ўхшатма)

Баҳор, қадамингни ойдин, хуш кўрдик,
Зар-зар гулдастага айланди ўрик,
Кўзимизга суртиб муборакладик,
Елкасида порлар ўзбек зар тўни!
Қутлуғ бўлсин!

Ўғлин ўғли билан дўст қилмоқ учун
Оталар уларга кийгизарди тўн,
Бурунги қаъдалар бугун ҳам бутун,
Елкани безарлар ўзбек зар тўни,
Муборак бўлсин!

Юртга олислардан келади меҳмон,
Магарким, дил-тил пок, бут эрур иймон,
Иззатин жойига қўяди мезбон,
Елкасин безайди ўзбек зар тўни!
Қутлуғ бўлсин!

Кўрдим сурат: бобом Темурбек тахтда,
"Рости русти"н сўзлар Машриқ, Мағрибда,
Таъзимда Клавихо — элчи шу аҳдда.
Елкасин безаган ўзбек зар тўни!
Муборак бўлсин!

Бугун Ўзбекистон дўсти не кентлар,
Не-не ўлкалару не мамлакатлар,
Елкаси торлару елкаси кенглар,
Елкасин безайди ўзбек зар тўни!
Қутлуғ бўлсин!

Комил ният, амал эмасдир мубҳам,
Амриқо не истар, не дер Осиём,
Оврўпа, Африқо ҳамқадам, ҳамдам —
Дунё елкасида ўзбек зар тўни!
Муборак бўлсин!

Тўнларда оналар кўзин нури бор,
Тўнларда сингиллар қалбин қўри бор,
Тўнларда Юртимнинг тафаккури бор,
Дунё елкасида ўзбек зар тўни!
Қутлуғ бўлсин!

Баҳор, қадамингни ойдин, хуш кўрдик,
Зар-зар гулдастага айланди ўрик,
Кўзимизга суртиб муборакладик,
Баҳор елкаларда ўзбек зар тўни!
Муборак бўлсин!

КЕЛМАДИ ЁР, ОТМАДИ ТОНГ

Бу на тундир, не қора тун, келмади ёр, отмади тонг,
Ярим кўнгил ғамдан бутун, келмади ёр, отмади тонг.

Жоду кўзлар қароғимга ваъда берган эди, ё раб,
Ваъда чўғи эрур кукун, келмади ёр, отмади тонг.

Хос хонамда кутдим аввал, сўнгра ташга чиқдим секин,
Туннинг бағри тўла афсун, келмади ёр, отмади тонг.

О, гарчи, Ой тўлин эди, юзин булут ёпган эди,
Булутларким, тутун-тутун, келмади ёр, отмади тонг.

Бир алафдек гумон ўсди, рақибларми йўлин тўсди,
Юрак ўйноқ, юрак хун-хун, келмади ёр, отмади тонг.

Мир Алишер ўғли Азим, жон-жонингга берсин тўзим,
Бул толеъинг монанд нечун, келмади ёр, отмади тонг.

Бир табибким, истаюрсан, Ҳақдин бошқа табиб йўқдир,
Табибинг ёр бўлсин тун-кун, келмади ёр, отмади тонг.

МЕН КИМ...

Мен ким... тотли дунёда
бетин кезгувчи сайёҳ,
бутун бир Ер шарини
қўналға, дегувчи зот,
юрибман Осиёнинг
ҳаводор ўртасида,
Енисей қирғоқлари —
дарахтзор — кўлкасида.
Тайга ўрмонларида
Офтобнур зарра-зарра
тилла балиқчаларнинг
либоси каби танга.
О, пароход гувиллар...
унга чиқаман сакраб,
Олто-ю Тува, хайр,
бағрингни кездим яйраб.
Юрагим тан олмагай
бирорта чегарани,
на билгай кўрикчини,
на билгай бир эгани.
Тинч уммонда сузаман,
дўстимдир ҳар қайиқчи,
гурунг... гурунглашаман
келар корейс — балиқчи.
У мени таклиф қилар,
кўринмас олди-кети
сербелбоғ бамбукзорга —
Кванжунинг бир чети.
Ин Ок — сулув таржимон
чорлар мени Вьетнамга,
Вьетнамни сайр этаман
буркангача туманга.
Ин Ок қолар — бир эртак,
мени унутма, дейди.
...Мени кутиб олади
Филиппин ороллари.
Мен уларни кезаман,
Крисланот шоир — ёш,
худди ўзбекка ўхшар,
қоп-қорадир кўзу қош.
Ҳа, Ой Ер атрофида
айлангани рост экан,
энг ёркин Чўлпон юлдуз
ҳамма учун дўст экан.
Токиода Навоий
отамнинг ҳайкалининг
пойига гуллар қўйдим
бу ерга келган чоғим.
О, Хисао Кумацу
йўлу йўлдош ёнимда,
худди Қозоқбой Йўлдош
дилу дилдош ёнимда.
...Шимолда эскимос дўст
уй — иглусин қолдириб,
учаман Оврўпага
устозимни соғиниб.
Ассалому алайкум,
Лондон — бузруквор қалъа,
Усмон Туркой — устозни
бериб қўйибсан ерга.
Қайирмаларимнинг, оҳ,
таржимони эди у,
«Қибризмарказ»га келиб
топмадим устозимни...
Коинотда минг-минглаб
Галактика созу хос,
Сомон йўли-чи бизнинг
қўшиқимиз учун мос.
...Парижга кириб бордим,
Ассалом, «Умар Хайём»,
«Бонжур» деб чопиб келди
ақтўш француз санам.
Қадаҳ келтир, май келтир,
бунда таниш барча кас,
дарров ёнимга келди
бир қадаҳдош — шеърпараст.
Унинг кўзига қараб
«ўқи...» дейман шеъримни,
бритпича ўқийди
бурро қилиб тилини.
Янги техник услублар
қурилмаси машқида...
...Бирдан Лорканинг исми
жаранглади... қаршимда.
Майхонада маймиининг
симирдим охирини,
Андалусия салом,
излаб келдим Лоркани.
Лорка чалар гитара,
лўливаш қизлар гурас
келиб рақсга тушар
куй сеҳрига хосу мос...
...Кўёш чиқиб нурларин
йиғиб олгунича то,
мени кутиб олади
Женева сирли дунё.
Ер остида жаннат йўқ,
жаннат йўқдир самода
жаннатнинг асл асли
туманли Алп — маъвода.
Кезаман бу тоғларни,
водийларни кезаман,
Ер тортиш кучин енгиб
ҳаволарда сузаман...
Ойни қўй, қуёшда ҳам
доғ бордир лахта-лахта,
менинг сайёҳ кўнглимни
чорлар Амриқо қитъа,
Уитменга издошман,
ўқиб берай шеъримни,
Миссисипи дарёсин
кўрай бўйи-энини,
Оҳайо ва Миссури
унинг ирмоқлари, оҳ,
юрагимга ташлади
балиқчи каби қармоқ.
Таржимоним Жасон дўст
мени чорлади овга,
Жасон билан кетаман
ов баҳона гашт жойга.
Бу оламда шоирнинг
душмани, ёви йўқдир,
унинг ёви Одамга
отилган учқур ўқдир.
Шоликор, ишчи, фермер
қадрдондир, азиздир,
уларнинг буғдой сўзи
шеъримда Эзгу сўздир.
Африқо. Саванналар —
Нил дарёсин бўйлари,
ўтиб бордим бирпасда —
қалб-кўнглимни чорлади.
Ҳой, болакай, болакай,
қора танли ёш дўстим,
мен биламан, ҳамдардман,
кўп сенинг ками-кўстинг,
тўғрилаймиз барисин,
йиғламоқ эмас чора,
сен яримсан, мен ярим,
бут бўламиз мардона.
Одамийлик унвонин
юрагимга таққанман,
вайрона кулбаларда
тунлар чироқ ёққанман.
Сув ости тоғларига
шўнғийману кираман.
Сенинг учун болакай,
унда сарой қураман.
Океанавт ўзимман,
ўзимман космонавт,
Эверест чўққисида
тиклагайман сенга тахт.
Мен сайёҳман — ҳар чорбоғ —
гўзаллик ошуфтаси,
қуролни олмайман тан,
мен улар кушандаси.
Чин башар авлодини
қутмоққа Ватаним бор,
Ўзбекюрт дерлар уни,
қалбим оппоқ мисли қор.
Қозиғим бор, қўноқлар
отларин боғламоққа,
қозоним бор, уларни
ош қилиб сийламоққа...
Герсоппа шаршарасин
бугун кўрмоғим керак,
ҳозирча хайр, дейман,
омон бўлгил ёш юрак...
Герсоппа, о, Герсоппа,
мен, мана, қаршингдаман,
гир айланғум дунёни,
қақнус каби бир қушман.
Туш эмас кўрганларим,
швед чўпони билан
суҳбатлар қурдим узоқ
гумон, иймони билан.
Олмон аскари билан
ҳангома қилдим қанча,
унинг юрагида, оҳ,
ечилди не тугунча:
автоматни кўтармоқ
жоизмикин Одамга,
аслини айтсам, қурол
ярашмас бу Оламга!
Қўлларим гул истайди,
истайди чечакларни
юрагим истагандек
болалик эртакларин.
О, Герсоппа, Герсоппа,
етти мўъжиза, қани?
олтитаси йўқ бугун,
бор Хаопс эҳроми.
Эҳром-ла гурунглашдим,
қизиқ гапни деди у:
— Одам, бу мангу эмас,
Одамиятдир мангу!..
О, Герсоппа, Герсоппа,
баҳоримни соғиндим,
сенга айтсам, тўғрисин,
Диёримни соғиндим.
Сен оқавер, оқавер,
Ниагаралар оқсин.
Бу олам тоғларида
чўпонлар гулхан ёқсин.
Деҳқонлар эксин буғдой,
темирчи қурол эмас
буғдойларни ўрмоққа
ўроқлар ясасин, бас.
Болалар қир, далада
яйрасин, ўйнаб чопсин,
«Уруш» деган қозоннинг
қопқоқларини ёпсин.
Мен муҳаббат ошиғи,
Навоий фарзандиман,
Петрарка невараси,
Ҳофизнинг дилбандиман.
Конфуций — буюк бобом,
Руставели эмас ёт.
Жўпанчич оғайнимдир,
дўстим Томас Элиот.
Замин устида борман,
Ер остида тирикман,
ҳар қутб нуқтасида
ҳозирману керакман,
Арктиканинг кўкида
туйнуклар бўлмиш пайдо,
илма-тешик юрагим
тун-куни ўша жойда...
Султонману ғарибман,
ғарибману султонман,
Рашмар тоғида — ҳайкал
Линкольн, Жефферсонман.
Бутпараст, мусулмонман,
этаипараст, католик,
яҳудий, турк, арабман,
барча динларга молик.
Мен борман саҳродаги
йўловчининг «оҳ...»ида.
Тангрим ғазаби нечун?..
торнадоман гоҳида.
Цунамидирман гоҳ-гоҳ,
зилзиладирман баъзан
омонат эканлигин
тушунсин қавмим деган...
Учоқда ўтин ёнса
чўғи ҳам, тутуни бор,
тутунини қўявер,
мен чўғман бир дастёр.
Дарёнинг бош булоғи
Инсонман мен, Инсонман,
сувимдан ичсин Инсон,
Эзгулик, деган жонман!
Бу заминда, самода
етғай офат, кулфатлар,
заҳар-заққумлар эмас
ёмғир ёғсин булутлар.
О, Герсоппа, Герсоппа,
хайр, хуш қол, мен кетдим.
...Ассалому алайкум
Ўзбекистоним — юртим!

МОЗИЙ

АЙТГАНЧА

Топишмоқ топа оласизми?

Одатда фикримизни исботлаш учун турли мақоллар, ибратли жумлалардан фойдаланамиз. Ўртоқларимиз билан учрашганда латифа, лоф айтишамиз. Лекин охирги марта қачон топишмоқ айтганингиз ёки топганингизни эслай оласизми?

Топишмоқ айтиш ва топиш кишидан катта маҳорат талаб этади. Топишмоқ айтаётганда, энг аввало, назарда тутаётган нарсамиз ҳақида тингловчи атрофлича маълумотга эга эканини ҳисобга олишимиз зарур. Аждодларимиз ҳам бунга алоҳида эътибор беришган. Чўпонлар асосан қўй-қўзи, эчки-улоқ, от, чўпонтаёқ, дала, табиат ҳақида топишмоқлар айтишган бўлса, ҳунармандлар ўзлари ишлатадиган иш қуроллари, ясаётган нарсалари ҳақида бошқотирмалар тўқишган.

— Топишмоқнинг жавобини топиш учун айтилган матнни яхши тинглаб, нимага ишора қилинаётганини фаҳмлаш, асосий хусусият ва белгилар қайси предметга қаратилганини аниқлаб ёки тахминлаб топишга интилиш керак, — дея таъкидлайди фольклор тадқиқотчиси Зубайда Ҳусаинова.

Топишмоқларни мазмунига кўра, бир неча турларга бўлиш мумкин. Масалан, жавоби бир-бирига боғлиқ икки нарса бўлган топишмоқлар:

Онаси эгри-бугри,
Боласи отдан йўрға.

(ариқ ва сув)

Ёки бирор ҳудуддаги ҳаммага маълум шахс исми ёки бирор жой номи иштирок этувчи топишмоқлар:

Эсонбой акамнинг киссасини,
Эл йиғилиб тиколмас.

(ер ёриғи)

Яна бир мисол:

Отаси арава қўшгунча,
Ўғли Қўқон борибди.

(отаси — олов, ўғли — тутун)

Жавоби бир-бирига зид икки сўзли топишмоқлар:

Ярми қора, ярми оқ

(тун-кун)

Хуллас, ёш авлод тарбиясида топишмоқлардан унумли фойдаланилса, айни муддао бўларди. Шу ўринда турли эртакларда топишмоқ топиб, бахтига етган зукко қаҳрамонларни эслаш жоиз. Шундай экан, биз интилаётган етуклик йўлида топишмоқ яқин ёрдамчи бўлишига ишонаман. Қолаверса, бугун жуда кўп ёшлар турли енгил-елпи "кроссворд нашр"лардаги бошқотирмаларни — ақлни чархлаш воситаси деб билишади. Эҳтимол, шундайдир. Аммо топишмоқлар ҳам миллий урф-одатларимиз, адабиёт, санъат, тарих ва замонавий билим даражамизни ўстирадиган, инсонни фикрлашга, топқирликка ўргатадиган, таъбир жоиз бўлса, ақлни пешловчи муҳим воситадир.

Фарҳод УМАРОВ,
ЎзМУ талабаси.

ЖУМБОҚ

Дамашқ қиличининг сири

XI асрнинг охиридан то XIII асрнинг сўнггигача ғарбий европалик рицарлар Ўрта Шарқ мамлакатларига саккиз марта юриш қилиб, деярли ҳар сафар мағлубиятга учраган. Тарих саҳифаларида "салб юришлари" номи билан аталган бу жангу жадаллар Европага ўта сирли хусусиятлари билан машҳур бўлган Дамашқ қиличининг шон-шуҳратини маълум қилди. Дами тошни кесадиган, жилоси душманнинг кўзини қамаштириб, довдиратиб қўядиган бу қилич ҳақидаги афсоналарни эшитган ҳар қандай одам уни бир марта кўришни орзу қилади. Хўш, рицарлар юрагига ғулғула солган бу қуролнинг сири нимада эди? У бошқа шамширлардан нимаси билан фарқ қиларди?

Дамашқ қиличи юзасидаги табиий тўлқинсимон нақшлари, эгилганда ҳам ёй шаклига кириши, яъни ўзининг букилувчанлигини сақлаб қолиши, тошни ҳам сариёғдай кесиш қудратига эга экани билан ажралиб турган. У темирга зарб билан урилганда ҳам тиғи ўтмаслашмаган. Энг ҳайратланарлиси эса уни ҳозирга қадар ҳеч ким ясай олгани йўқ. Қилич ясовчи усталар жони ўртага тикилганда ҳам бу сирни бошқаларга айтишмаган.

XIX асрнинг бошларида европалик машҳур олим Майкл Фарадей қиличнинг таркибини аниқлашга ҳаракат қилади. У асли темирчининг ўғли бўлиб, отасининг устахонасида бу қилич ҳақида кўп ҳикоялар эшитган эди. Олим 1819 йили бу шамширнинг таркибида кремний ва алюмин қотишмаси бор деган тахминни илгари суриб, матбуотда чиқишлар қила бошлайди. Унинг бундай мақолалари франциялик олим Жон Роберт Бреанни ҳам қизиқтириб қўяди. У ҳам қиличнинг қандай ясалганини аниқлашга жазм қилиб, унинг хомашёси бўлган қимматбаҳо пўлат аслида углерод билан тўйинганини аниқлайди. Аммо барибир қутилган натижа чиқмайди.


Чунки жаноб Бреан қилич ясаш технологиясини эмас, бор-йўғи таркибинигина аниқлаган эди, холос. Яъни, темир углерод билан тўйинмаса, эгилувчан бўлади, лекин мустаҳкам бўлмайди. Кўп тўйинса, аксинча, мустаҳкам бўлади, аммо эгилувчан бўлмайди. Оддий қилиб айтганда, қиличнинг эластиклик даражасини сақлаш учун кам углерод зарур, уни мустаҳкам қилиш учун эса кўп углерод сарфлаш керак. Хуллас, жаноб Бреан бу тўғрисида роса бош қотиради. Бундан ташқари ҳали пўлатни тоблашда иссиқлик даражасини аниқлаб олиш ҳам муаммо эди. Усталар темирни қиздириш жараёнида унинг қай даражада қизиганини рангига қараб аниқлаганлар. Масалан, темир 650° С да қиздирилса, ним қизил рангга киради, 850° С иссиқликда олча тусини олади, 1200° С да оқаради. Замонавий фан қилич ясаш жараёнида қиздирилаётган темир учун қайси ранги муҳимлигини ҳанузгача аниқлагани йўқ. Табиийки, француз олими ҳам буни билмасди. Иш шу тариқа ниҳоясига етмай қолади.

Айтишларича, XIX асрнинг биринчи ярмида рус олими Аносов қиличнинг ясалишини илмий тахминлар асосида ўрганиб чиқиб, ниҳоят, шундай сирли қилич ясаган. Лекин олимнинг ўлимидан кейин уни ўғирлаб кетишади. Бу ҳақиқатми, Аносов ясаган шамшир ростдан ҳам Дамашқ қиличи эдими, буниси номаълум.

Хуллас, металлургия соҳасининг ҳар қандай етук олими ёки ҳар бир темирчи албатта, бу шамширнинг сирли хусусиятлари ҳақида эшитади, аммо уни ясашнинг иложини топа олмайди. Охири қиличнинг сифатини XX асрдаги космик тараққиёт натижалари билан тенглаштиришди. Яна баъзи олимлар француз шоири Блейкнинг "Тафаккур қудрати ва бошқа турли муносабатларда барча асрлар тенг", деган қарашларига батамом қўшилдилар.

Олимлар олдида яна бир муаммо кўндаланг турарди. Яъни баъзилар шамшир даставвал Хитойда ясалган деса, баъзиларнинг фикрича, бу қадим тамаддун марказларидан бўлган Ҳиндистонда тайёрланган. Яна кўплар уни номига ишора қилиб — Суриядa, яъни Дамашқда ясалган деган фикрни ҳам илгари суришарди. Одамлар қиличнинг таркибида нималар борлигини ва қандай ясалганини тасаввур қила олмаганлари каби унинг ватани аслида қаерда эканини ҳам билмаганлар. Шундай қилиб, сирли хусусиятга эга қилич ҳақидаги афсоналар VIII аср давомида инсониятни ҳайратга солиб келди. Дунё олимлари тахминларнинг минг бир кўчасига кириб чиқдилар, десак муболаға бўлмайди.

Ниҳоят, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, археологик текширувлар натижасига кўра, шамшир Мовароуннаҳр тупроғида, айнан Фарғона водийсидаги Ахсикент шаҳрида ясалгани маълум бўлди. Тарихий маълумотлар шуни исботлайдики, Мовароуннаҳрда темирчилик соҳаси ўрта асрларга келиб, юксак чўққига кўтарилган. Фарғона, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида қора металлдан ясалган маҳсулотлар V-VII асрлардаёқ жуда машҳур бўлган. VIII асрда Пойканд шаҳрини забт этган араблар маҳаллий қилич ясовчи усталар темирчилар пири Довуд алайҳиссалом каби металлни хамир қоргандай қорганини кўриб, лол қолганлар. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёга саёҳат қилган Херман Вамбери ҳам Қарши, Бухоро ва Самарқанд темирчилари ясаган маҳсулотлар Англиянинг машҳур саноат шаҳарларида ишлаб чиқарилган металл маҳсулотларидан устунлиги ҳақида ёзиб қолдирганди.



Лондондаги "Collage London" археология институти директори, профессор Тило Рехрен тарих фанлари доктори А.Анорбоев раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар билан ҳамкорликда Ахсикентда 5 йилдан ортиқ қазишма ишларини олиб бориб, VIII-IX асрларда машҳур бўлган Дамашқ қиличи асли Фарғона водийсида яратилганини бутун дунёга маълум қилди. Ўзбекистонлик археолог Леонид Сверчков ҳам бу машҳур қиличлар айнан Ахсикентдаги 1300° С иссиқликка бардош берадиган яширин печларда ясалганини тасдиқлайди. Ўша даврдаги айрим илмий адабиётлар, халқ достонлари ҳам бу сирли қиличнинг ватани икки дарё оралиғи эканини исботлайди. Афсуски, XVII асрда юз берган зилзила туфайли Ахсикент вайронага айланиб, аҳоли Наманкон — туз кони яқинига кўчиб ўтади. Ҳозир бу ҳудуд Наманган шаҳри ўрни ҳисобланади. Кўҳна Ахсикент айни пайтда Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғи ҳудудига тўғри келади. Дунёда ҳеч нарса изсиз йўқолиб кетмайди. Бугун айнан шу ерда ясалаётган чуст пичоқларининг довруғи дунёга достонлиги ҳам сўзимиз исботидир. Энди хўш, қилич Ахсикентда тайёрланган экан, лекин у нега тарих саҳифаларига бошқа ном билан кириб қолган деган савол ҳам туғилиши табиий. Рицарлар қилич Дамашқда ясалгани учун эмас, балки уни Дамашқ шаҳрида илк бор учратганлари учун Дамашқ шамшири деб атаганлари эҳтимолдан узоқ эмас. Қолаверса, араб тилида "дамас" сўзи сув



маъносини билдиради. Европаликлар сув гулли қилични Дамашқ қиличи деб нотўғри талаффуз қилганликлари оқибатида ўзгариб кетган бўлиши ҳам мумкин. Ахсикент қиличи нега Дамашқ қиличи деб номланганини мана шу ўринда яққол ойдинлашади.

Йиллар ўтгач, бу қилич оддий темирдан эмас, балки ноёб пўлатдан ясалган деган фикр илгари сурилган. Айтиш лозимки, пўлат ҳам айнан Фарғона водийси ҳамда Фориш тоғи этакларидан қазиб олинган. Машҳур тарихчи ибн Ҳўкал ҳам Фарғона пўлати ҳақида "... уни истаган шаклга солиб, ишлов бериш мумкин" — деб ёзиб қолдирган. Европалик олимлар қилични кейинчалик Дамашқ қиличи эмас, Дамашқ бўлати деб атай бошлайдилар. Қизиғи шундаки, ҳозир тилимиздаги пўлат сўзи қазиб олинаётган металлни англатса, европалик олимлар томонидан муомалага киритилган "бўлат" сўзи қилич маъносини билдиради.

XV асрда қабристондан қилич ясаш сири баён қилинган битик топилади. Муттасил изланишлар олимлар ва темирчиларни ҳар хил афсона-ю чўпчакларга ҳам ишонишга мажбур қилган. Ҳатто тажриба сифатида қилич ясаб бўлинганидан сўнг у шом тушиш арафасида уч яшар боланинг пешоби билан етти кун ювилиб, кейин бақувват қулнинг баданига қайралган. Шунга ўхшаш яна ўнлаб тахминларга асосан қилич ясаб кўрилганда ҳам барибир кутилган натижани бермаган. Аммо сифати пастроқ бўлсаям Ахсикент қиличининг 26 тури пайдо бўлган.

Мазкур афсонавий шамширларнинг ясалиш сири бизгача сақланиб қолинмаганининг бир қатор сабаблари бор, албатта. Аввало, 5 килограмм олтин нархига тенг бўлган бундай қилич ясайдиган усталар жуда кам бўлган. Улар ҳам 5-10 та қилич ясаганидан сўнг зудлик билан қатл этилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Боиси шоҳлар бундай шамширларга қанча кўп эга бўлишни хоҳласаларда, вазият тақозосига кўра, унинг душман қўлига тушиб қолишидан ҳам шунча чўчиганлар. Хуллас, ҳазрат Навоийнинг "Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач" сатри маҳзанида тарихнинг ҳали қанча-қанча ўқилмаган саҳифаларини яшириб ётмаган, дейсиз.

Шу ўринда афсонавий қиличга ва унинг шу заминда ясалганини тасдиқловчи бир маълумотга эътибор қаратмоқ жоиз. "Сайф ул-Аллоҳ", (Аллоҳнинг қиличи), "Сайф ид-дин" (Диннинг қиличи) деб улуғланган ва ҳар қандай янгилик ва кашфиётни рағбатлантириб турган Амир Темурнинг ҳам ўз қиличсози бўлган экан. Уста соҳибқиронга доимий равишда афсонавий "белбоғ қиличи" ясаб берган. Бу шамшир дами ўткирлигидан ташқари ундан бемалол белбоғ сифатида фойдаланса бўлгани билан бошқаларидан яққол ажралиб турган. У оддий жангчиларга эмас, аксинча бошқа юртларда кезиб юрадиган хуфяларгагина берилган, холос. Кўрган одам уларда ҳеч қандай қурол йўқ деб ўйлаган. Бу хуфяларнинг ҳар қандай қалтис вазиятдан осонлик билан чиқиб кетишларига замин ҳозирлаган.

ЎзФА Шарқшунослик институтининг Шарқ қўлёзмалари фонди мудири, тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний ўзининг "Амир Темур шамширсозлари" китобида ёзишича, қилич ясовчи уста номаълум сабабларга кўра, Амир Темурнинг ғазабига учраб, оила аъзолари билан бирга қатл этилади. Унинг 5 ёшли ўғли Мирсаидгина тирик қолади, холос. Гўдак маҳалладошлари кўмагида Шаҳрисабзнинг Оқбулоқ қишлоғидан Андижонга, сўнг Аравон, кейинчалик эса Новқотга келиб қолган. Мирсаид устанинг авлодлари ҳозиргача шу ерда темирчилик билан шуғулланиб келмоқдалар, деган тахминлар ҳам бор.

Айрим манбаларда авлиёлар доимо қиличга менгзалади. Амир Темурнинг ҳам Маҳдуми Аъзамнинг боболаридан бўлган Бурҳониддин Қиличга ихлоси баланд бўлгани қайд этилган. Соҳибқироннинг Самарқандда, ҳозирги "Кўксарой" меҳмонхонаси ёнида бу зотга мақбара қурдирганидан ҳам буни билса бўлади. Али Яздий "Зафарнома" китобида Амир Темур Шайх Бурҳониддин Қилични тушида кўриб, касал ўғли Жаҳонгир Мирзога ёрдам қилишини сўраганини ёзиб қолдирган. Шайх: "Нима бўлиши Аллоҳгагина аён" дейди. Темур уйғониб, Самарқандга чопар юборса, ўғли вафот этган экан.

Қадимги қўлёзмаларда ёзилишича, Бурҳониддинга Қилич лақабининг қўйилишида икки рамзий маъно бўлиб, биринчиси, авлиёнинг кучи қиличга тақосланади, кимки унга нисбатан беодоблик қилса, ҳалокатга учрайди. Баҳоуддин Нақшбандий ҳам "Авлиёлар қилич кабидурлар, одамлар билмасдан ўзларини шу қиличга уриб оладилар" деган. Иккинчидан, бу зотда жуда ўткир бир қилич бўлиб, уйининг шифтига осиб қўйилган қиличга ҳашаротлар урилса, икки бўлиниб ерга тушаркан. Бурҳониддин ҳам одамларга: "Ким бизга беадаблик қилса аҳволи ўша ҳашаротларга ўхшайди", дер экан. Оддий қиличга ҳашаротнинг урилиб кетиши ва ўлиши кам кузатилган ҳол. Бу ўша Дамашқ қиличи номи билан машҳур шамшир бўлиб, у одамнинг бўйнига урилса, гарчи бошни олмосдай кесган бўлса-да, унинг ўткирлигидан бош жойида қолаверар экан.

Хуллас, бу қилич инсоният яратган оламшумул кашфиёт. Аммо унинг яратилиши ҳамон сирли жумбоқ бўлиб қолмоқда. Унинг замирида буюк бобокалонларимизнинг, қомусий олимларнинг илмий кашфиётлари борлигига шубҳа йўқ. Чунки бундай қилич фақатгина физика, химия ва математика каби аниқ фанларнинг умумлашган бир қонунияти асосида вужудга келиши мумкин, холос.

Нурилла НАРЗУЛЛАЕВ,
Иномжон АБДИЕВ.

Сирдарё вилоят "Пахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси жамоаси

гўзал диёримизга барчамиз соғиниб кутган НАВРЎЗИ ОЛАМ кириб келиши муносабати билан барча юртдошларимизни чин қалбдан қутлайди. Бу кунда деҳқон даласига яхши ният билан уруғ сочади, яйловлар яшилликка бурканиб, қўй-қўзиларга тўлади. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да халқимизнинг дастурхони тўкин, ишлари янада бароридан келсин. Бағри кенг, меҳр-оқибатли юртдошларимизнинг топгани яхши кунларига насиб этсин!



МАЪНАВИЯТ

ГУРУР


“АЛПОМИШ” – халқимизнинг ўлмас достони

Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас достон бўлса, “Алпомиш” ана шу достоннинг шоҳ байти десак, тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақлаган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.

Ислом КАРИМОВ

Ҳар бир элнинг тарихини ифодаловчи турли далиллар бўлади. Шу асосларнинг нечоғли ишонарлилиги ўша халқ ҳақида хулоса қилишга имкон яратади. Бизнинг шонли ўтмишимиз ҳақида шундай рад этиб бўлмас далиллар борки, улар миллатимизнинг қанчалик қадим маданиятга, давлатчилик тарихига эга эканини кўрсатиб туради. Ўзбекнинг биргина “Алпомиш”и ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Тарихнинг турли даврларида достонга баъзан ишонч, баъзан ишончсизлик билан қаралди. XX асрнинг ўрталарида бу ишончсизлик шу даражага бориб етдики, ҳатто достонни йўқ қилмоқчи, халқнинг хотирасидан ўчирмоқчи, унинг минг йилларга тенг маънавиятини заифлаштирмоқчи бўлдилар. Лекин миллат тақдирига бефарқ бўлмаган Х.Зариф, Ҳ.Сулаймонов, М.Шайхзода, М.Афзалов каби маърифатпарвар инсонларнинг жонбозлиги туфайли достон сақлаб қолинди.



Термиз. Алпомиш ёдгорлиги

Достоннинг халқ хаёлоти маҳсули бўлган жанр — эртакдан фарқланувчи талайгина жиҳатлари мавжуд бўлиб, уни мутолаа қилган киши Алпомиш ҳаётий эпос эканига амин бўлади. Ўзбек халқини бир вужуд деб тасаввур қилсак, “Алпомиш” унинг руҳий оламидир. Фикримизга бир неча далиллар келтирамиз.

Достон қаҳрамони Алпомиш эртаклардаги ботирлар каби дев-у, аждарлар билан эмас, балки ўзи каби баҳодирлар билан курашади ва ғолиб чиқади. Бутун бир миллат характери, руҳиятининг асардаги турли образларда талқин этилиши ҳам бу достон ўтмишимиздаги халқ ҳаётининг инъикоси эканини далиллайди. Жўмард алпомишлар, вафодор барчинойлар, ҳатто элбузар яртибойлар билан биргаликда Миллат яралади. Қаҳрамондан ўрнак олиб улғайган бугунги ёшлар эса мукаммал шахс бўлиб шаклланиши шубҳасиз. Асрлар давомида халқнинг шодон кунида ҳам, мусибатида ҳам у билан бирга яшаган бу эпосни ҳаққоний ўрганиш ўзбек фарзандида миллий ғурурни янада юксалтиришда яхши натижа беради.

* * *

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, дейишади. Ўзбек олими Баҳодир Саримсоқов ўттиз беш йил давом этган қинғирликлардан бирини илмий асосда фош қилди.

Бутун бир миллатни ўзлигидан айиришга уриниш миллийликка қилинган пинҳона ҳужумдан ўзга нарса эмас. Халқимизнинг қаҳрамонлик эпоси бўлган “Алпомиш” достонини эртаклар негизидан ўсиб чиққан, дейиш шахсимизни тасдиқловчи муҳим ҳужжатимизни қалбаки дейиш билан баробардир. Бир пайтлар Е.М.Мелетин ский илгари сурган ушбу фикрнинг мутлақо асоссизлигини олим Б.Саримсоқов инкор этиб бўлмайдиган фактлар билан исботлади.

Е.М.Мелетинский ўйлаб топган ёлғонини ўз мезони билан исботлашга уриниб кўрди. Эмишки, “Шимолдаги халқларда баҳодирлик ҳақидаги эртаклар қўшиқ шаклида ижро этилади...” Б.Саримсоқов бу борада ёқут фольклоршуноси Г.Эргиснинг “Эртак насрий нутқ орқали (куйланмайди, балки) оддий ҳикоя қилинади” деган фикрига мурожаат қилади ва ёқут олимининг эртаклар таснифи борасидаги қуйидаги фикрларини келтиради: “Эртаклар уч турли — ҳайвонлар ҳақида, сеҳрли воқеа-ҳодисалар хусусида ва маиший кўринишда бўлади...”

Дарҳақиқат, олим Б.Саримсоқовнинг илмий тадқиқоти узоқ вақт халқимизни чалғитишга уринган сафсаталарга оқилона жавоб бўлган. “Алпомиш”дай севимли ва миллий достонимизни ҳаққоний тавсифлаш, ёш авлодни шу эпос таъсирида тарбиялаш улар қалбида миллий ифтихор туйғуларининг жўш уришига туртки бўлиши шубҳасиз.

Муниса ХОЛИҚОВА,
Фарҳод УМАРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети талабалари.

МУТОЛАА

Ранг-баранг услублар жилоси

Ўзбек бадиий насри кейинги йилларда ижодий-услубий ранг-баранглиги, руҳий ва фалсафий таҳлил, характерлар ва мавзулар талқини борасида жиддий янгиланишлар, ўзгаришлар ҳисобига бойиди.

Хуршид Дўстмуҳаммад бугунги прозамизни янги шаклий-услубий ва тасвирий изланишлар билан бойитаётган ёзувчиларимиздан. Унинг «Беозор қушнинг қарғиши» номли сайланмаси («Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси. Тошкент-2006) ҳам адиб адабий-услубий ва маънавий изланишлари ҳақида кенгроқ тасаввур бериш имкониятига эга.



Муаллиф ўз асарларининг ёзилган даври ва бадиий-услубий йўналишларига қараб, китобни саккиз қисмга бўлган. Хусусан, *«Бизни улғайтирган болалик»* номли биринчи қисмидаги *«Онам, жияним, мен»*, *«Кўчиш»*, *«Ҳашарчилар»*, *«Алам»* ҳикояларида болаликнинг беғубор, мурғак қалбидаги таассуротлари орқали китобхон кўз ўнгида Тошкент зилзиласи йилларидаги ўзбек оилаларининг турмуш тарзи, табиатдаги фожиа туфайли юзага келган ҳаёт манзараси гавдаланади.

Чинакам истеъдод эгаси ўзининг ҳар бир асарида қалби коинотдек бепоён бўлган инсон ва унинг ҳаётини тасвирлашда хилмахил шакл ҳамда баён усулларини излайди. Айнан ана шундай ижод намунасини ёзувчи туҳфа этган ҳикоялари кўрсатиб турибди. Тўпламдаги болалик чоғлари ҳақидаги ҳикояларидан тортиб, *«Маҳзуна»*, *«Жимжитхонага йўл»*, *«Жажман»* каби мустақиллик даври ўзбек ҳикоячилигининг тараққиёт тамойилларини ўзида мужассам этган асарлар муаллифнинг намунали ижодий изланишда эканини кўрсатади. Ёзувчининг китоб муҳаррири билан қилган суҳбатида ҳар бир ҳикоя мавзуи унинг учун янги ижодий кайфият, воқеликни ўзгача идрок этиш имконини берган.

Дарҳақиқат, “Сайланма”ни безаб турган асосий фазилат ҳам ундаги ижодий услубнинг ранг-баранглигидир. Ёзувчининг *«Бедор мозий»* туркумидаги *«Оқ либос»*, *«Қазо бўлган намоз»*, *«Тўхтабойнинг бойликлари»* ҳикоялари бир хил, яъни анъанавий реалистик услубда ёзилган. Бу ҳикояларнинг бадиий қуввати халқимиз бошига оғир кунлар тушган йилларда Миркомилбой, Тўхтабойларнинг хор-зорликда ўлимга маҳкум этилганини тасвирлаш орқали бу фожианинг сабабларини унутмаслик, истиқлол берган эркинлик туфайли эндиликда инсонлар хорликдан қутулганини англатиши, характерлар ва ҳолатларнинг реалистик тасвири билан қимматлидир. *«Оқ либос»*да Тошкент ҳокими Юнусхўжанинг ақллилиги, ўғлининг нодонлиги, юз берган фожиада бегоналар эмас, маҳаллий бекларнинг ўзи айбдорлиги ҳаққоний кўрсатилади.

Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларида драматик коллизиялар, руҳий таҳлил кучайганини, ижодий услубида янги ранглар ва оҳангларнинг туғилишини унинг жаҳон адабиётидан олган ижодий озиғи ва маърифати кўлами билан ҳам изоҳлаш мумкин. Адибнинг ўзи буни *«Жимжитхонага йўл»* ҳикоясининг бошланмасида қуйидагича эътироф этади: *«Италиялик машҳур адиб Дино Буцаттининг «Етти қават» ҳикоясини ўқидиму, анча вақтгача унинг таъсирида юрдим. Ниҳоят, ушбу фавқулодда ўзига хос ҳикояни бир қадар эркин таржима қилиб, унга «назира» ўлароқ ҳикоя битдим...»*

Бу чиндан ҳам адабиётимизда кутилмаган бир ижодий тажриба. Китобхон тасвирда италян адиби ҳикояси қаҳрамони Дино Корте ва ўзбек адиби ҳикояси қаҳрамони Зоҳид Яқиннинг шифохонадаги аҳволи, хусусан бу ёруғ дунё ва ўлимга бўлган муносабатлари билан танишиш баробарида улардаги инсоний ўхшашлик ва бир-биридан фарқ қилувчи руҳият, менталитет мавжудлигини илғайди. Айтиш мумкинки, мазкур ижодий тажриба асосида чет эл ёзувчисининг ҳикояси билан ўзбек адибининг ҳикояси бирлашиб, жанр рамкасини ёриб ғаройиб қиссани ҳосил қилган.

Ушбу ғаройиб ҳикоя киритилган *«Кенг осмоннинг тор кўчалари»* қисмидаги бошқа ҳикоялар ҳам муаллифнинг ижодий-услубий изланишлари ҳақида янада яхлитроқ тасаввур бериш қудратига эга. Бу ҳикоялар турли йилларда (баъзилари шўро даврида) ёзилган бўлиб, мавзу жиҳатидан ҳам ранг-барангдир. Жумладан, адиб 1986 йилда ёзган *«Қоялардан баландда»* ҳикоясидаги ота ва она бургутлар қисмати тасвири орқали табиат ва ҳайвонот диалектикаси ҳақида Жек Лондон, К.Паустовский, М.Пришвин услубига хос ёза олиш истеъдодини намоён этган. Ҳикояда қўнғир бургутнинг яшаш учун табиатнинг қудратли стихияси билан олишуви, минг йиллик мангу ва мустаҳкам тоғлар, қояларнинг ҳам вақт ва изғирин шамол, бўронларга дош беролмай емирилаётгани, йўқликка йўл олгани, энг бақувват қанотлар эгаси бўлмиш бургут ҳам вақт ва табиат стихияси олдида ожиз қолгани жуда ишонарли тасвирланган.

Муаллифнинг *«Маҳзуна»* ҳикоясида «маданиятли» ва обрўли бир жамоа вакилларининг доимий базм-зиёфатларидан бири қаламга олинган. Асар қаҳрамони Маҳзуна ҳар жиҳатдан ҳалол ва покиза, ориятли ва иффатли келин. У тасодифан эрининг ҳамкасблари ўтирган зиёфатга бориб қолади. Китобхон Маҳзуна муносабати орқали бу жамоадаги ахлоқий нопоклик ва маънавий таназзулга дуч келади. Бу маънавий таназзул шўро даври жамиятининг юқори табақаларига хос одатлари, яшаш тарзи европалашиб, миллий менталитетнинг йўқолиб бораётганидан далолат эди. Яхшиямки, жамиятдаги ана шундай калтафаҳм мансабдорлар орасида Маҳзуна каби ор-номусли, иффатли, ўзбекона назокатга эга аёллар борлиги бизга тасалли беради.

Сайланмада маъносининг салмоғи жиҳатдан қиссага татийдиган *«Жажман»* ҳикояси ҳам муносиб ўрин эгаллайди. Бу ҳикоя ҳақида матбуотда яхши фикрлар айтилди. Ҳикояда бадиий услубдаги янгиликдан ташқари поэтик ғоя ва сюжет ҳам, ярим реалистик, ярим фантастик тасвирлар ҳам, ботиний, фалсафий рамзлар ҳам табиий, ҳаётий, ўзига хос бўлиб, бу асар, бизнингча, фақат Хуршид Дўстмуҳаммад ижодида эмас, ўзбек бадиий насрида ҳам янги саҳифадир.

Тўпламдаги *«Нусхакашнинг меросхўри»* ҳикояси анча салмоқли мазмунга эга. Китобхон ҳикояни ўқигач, Президентимизнинг ўз асарларида инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутувчи маънавият масаласига алоҳида эътибор бераётганининг маъно ва мазмунини қалбдан ҳис этади, Камолиддин Беҳзод каби буюк рассомларга барча шароитларни ҳозирлаб берган Навоийдек буюк ҳомийларнинг кўпайишини истайди.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг *«Оқимга қарши оққан гул»* ҳикояси ҳам унинг ноанъанавий, янгича, сирли услубдаги асарлари сирасидан. Бу асарда ҳам муаллиф япон мумтоз адиби Акутагава ва Ойбек асарларидан илҳомланганини айтади. У ҳикоя аввалида берган дил изҳорида *«Назокат, муҳаббат, садоқат ва ҳижрон изтиробларини куйлаган бу икки буюк ижодкор асарларининг завқи яхлит асарлар яратишга ундайди...»* дейди. Чиндан ҳам бадиий яхлитлик, сюжетнинг фавқулодда ва таранглиги, фожеий коллизия, севимли ёрни кўриш, ҳижрон азобларидан ақлли бир бор қутулиб, яна чексиз йўқликка кетиш истаги муҳаббатнинг чексиз қудратини кўрсатади.

Ҳикоя мажозий, аллегорик тасвир ва талқинларга тўлиб-тошган. Оддий ўқувчи учун ҳикоянинг зоҳирий сюжети — ошиқ йигитнинг оқмай қолган дарё ўзанига тушиб олиб, олисдаги кўприкда севган ёри кўринишини узоқ ойлар, йиллар кутиб, охири дарёга сув келиб, унда ҳалок бўлаётгани ақл бовар қилмайдиган жиннилик бўлиб кўринади. Лекин ҳикояда ишқ-муҳаббат қудрати ўлимдан ҳам кучли деган поэтик ғоя бор.

«Беозор қушнинг қарғиши» сайланмадаги энг сара ҳикоялардан бири. У анъанавий, реалистик услубда ёзилган ва халқимиз менталитетига хос бир фазилат — беозор қалдирғочлар бахтли, хосиятли хонадонларга уя қуриши ҳақида бўлгани учун ҳар қандай зийрак ўқувчига жуда қизиқарли. Табиатга, бирон жонзотга меҳри йўқ, экологик онги камол топмаган китобхонни эса тарбия қилиши мумкин. Асарда қалдирғоч уя қураётган хонадон эгаларининг бу кичик воқеага турлича муносабатлари тасвири орқали бу одамларнинг характерлари, руҳий оламидаги меҳр-шафқат ёки бепарволик, шу бепарволик замиридаги маънавий қашшоқлик, тўпорилик очиб берилади. «Беозор қушнинг қарғиши» икки ҳикоядан иборат бўлиб, «она-бола» қўғирчоғига ўхшаш бир-бирининг ичига жойлаштирилган.

Тўпламга кирган *«Кўнгил...янгилик қидирадир...»* (Чўлпон сўзи), *«Беозор детектив»*, *«Кулган, кулдирган...»*, *«Дилдаги хориж»* туркумларига хос ҳикоялар ҳам гоҳ енгил, гоҳ вазмин, гоҳ кичик, гоҳ катта маънолар салмоғи, воқеалар ва одамлари билан барча китобхонларнинг эътиборини тортади.

Булар орасида «Дилдаги хориж» туркумидаги «Кнова қуёши» Жек Лондоннинг Америка — янги оламга Англия, Испания, Португалиядан оқ танлилар омад ва олтин излаб боришлари ҳақидаги ҳикояларига ҳавас қилиб ёзилган. Тан олиш керакки, бу ҳикоя Жек Лондон ҳикоялари савиясида ёзилган. Унда Америка қитъасида янги қўриқ ерларни очган фермерлар ва овчиларнинг ҳаёти, характерлари реалистик акс эттирилган. Ҳикояда маҳаллий аҳолининг ҳозирги куни ва келажагини вайрон қилаётган Оврупо мустамлакачиларининг разилликлари фош этилган. Табиийки, оқ танлиларга мансуб буюк адиблар Жек Лондон ва бошқалар ўз асарларида маҳаллий аҳолининг оқ кўнгиллилиги учун уларни ҳимоя қилиб, босқинчиларни кескин қоралаб ёзган. Ўзбек адиби Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам хорижий халқлар адабиётидан илҳом олиб, босқинчиларга ўз нафратини билдирган. Адибнинг бу ҳикояси Ўзбекистон ҳали мустақилликка эришмаган, шўролар мустамлакачилиги даврида ёзилган ва нашр этилган эди. Бу эса ёзувчи ижодининг умумбашарий ва халқчиллигидан далолатдир.

«Ёлғизим — Сиз» ҳикоясида буюк рус адиби Ф.М.Достоевскийнинг муҳаббати, унинг севгилиси «бахтсизлар куйчиси»ни худди шу бахтсизларни, кичик одамларнинг қадр-қимматини ҳимоя қилаётгани учун севиб қолгани тасвирланади. Ҳикояда буюк адиб «Жиноят ва жазо», «Қиморбоз» романларини ёзиб тугатай деб қолганида Анна исмли стенографистка — котибасини самимий, беғубор қалби, одамларга меҳр-шафқати учун севиб қолгани тасвирланган. Ҳикоя-га Лев Толстойнинг санъаткорлар оиласи ҳақидаги дардли бир фикри эпиграф қилиб олинган: *«Кўпгина рус ёзувчиларига Достоевскийнинг аёли каби умр йўлдош насиб этганида эди, улар анчагина яхшироқ яшаган бўлур эдилар»*. Ҳикояда машҳур рус адибининг севгисига муяссар бўлган софдил Аннанинг характери, руҳий олами ҳам яхши очиб берилган. Асар фақат севги мавзуи билан чекланмайди. Унда буюк ижодкорнинг шунча кўп ажойиб романлар ёзса ҳам, доимо қарздан қутулмай, машаққатли ҳаёт кечириши тасвирланган.

Тўпламдаги сўнгги асар «Ал-Аъроф» бадиий фантастика адабиётининг ёркин вакили, романтик руҳдаги адиб Эдгар По ҳақидаги икки парда, етти кўринишли драмадир. Ўзбек адабиётида адабий-биографик йўналишдаги Ойбек, Миркарим Осим, Азиз Қаюмов, Наим Каримов, Омон Мухторларнинг асарлари борлигини биламиз. Хуршид Дўстмуҳаммад шу йўналишдаги мазкур асарида эса Америка мумтоз адабиётининг вакили, сирли оламлар куйчиси Эдгар По ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Асар буюк адибнинг фожеали ҳаёти ҳақида озми-кўпми тасаввур беради, маърифатга етаклайди.

Айтиш жоизки, истеъдодли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад мустақиллик йилларида насрда сермаҳсул ва юксак бадиий ижод намуналарини яратмоқда. Мазкур тўплам эса ўзбек насрида, адабиётида ёзувчининг муносиб ўрнини белгилайди.

Дамин ТЎРАЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор.



КУНЛАРДАН БИР КУН

“Юбиляр” кўринмайди?

Қатағон қилинганлар эндигина оқланиб, ошкоралик эпкинлари эса бошлаган, аммо собиқ тузумнинг найранглари ҳали ҳам ҳунарини кўрсатаётган пайт. Халқимизнинг суюкли шоири Усмон Носирнинг юбилейи ўтказилаётган экан. Шоир ва ёзувчилар, адабиётшуносу шеърият ихлосмандлари бир-бир чиқиб, Усмон Носир ва унинг жўшқин шеърияти, мардонавор шахсияти ҳақида тўлқинланиб гапиришибди. Тадбир якунида мудраб ўтирган бир киши тўсатдан ўрнидан турганича: “Мана шунча яхши гаплар гапирилди, лекин “юбиляр”нинг ўзи қани, нега кўринмаяпти?”, дебди.

Сўз ўйини

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида Ёзувчилар уюшмасида бир ўртамиёна ёзувчи китобининг тақдимоти ўтказилибди. Роса чўзилган мажлис тугагач, Миртемир домла Шайхзодага ҳазил қилибди:

— Устоз, қорин ҳам таталаб кетди. Овқат масаласига қандай қарайсиз?

Шайхзода қўлидаги кўзойнагини тақиб, шу заҳоти жавоб қайтарибди:

— “Тўрт кўз” бўлиб қараймиз-да.

Иномжон АБДИЕВ тайёрлади.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

ФАРМАЦЕВТИКА

Истеъмолчи манфаати — бош мезон

Бугун азиз муштарийларга биз-у сизга жуда муҳим бўлмиш, халқаро сифат талабларига тўлиқ жавоб берадиган, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган дори-дармонлар ва айни шу соҳада ҳалол меҳнат қилаётган инсонлар ҳақида сўз юритмоқчимиз.



Ҳар бир инсон умри давомида бир маротаба бўлсада, дори воситалари зарурлигига амин бўлган. Дорихонага кириб, у-бу дори воситасини харид қилганида эса албатта, шу дори унинг касалига дармон бўлишига ишонади.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ривожлантириш Давлат дастури доирасида назарда тутилган маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ривожлантиришнинг кенг тизими маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга янги технологик йўналишларни барпо этиш эвазига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шунингдек, тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини оширишга имконият беради.

Маҳаллий фармацевтик соҳани ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида, 2006 йилда "Фармед" фирмаси базасида, ўз ҳисобидан таблеткалаштирилган дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича фармацевтик завод "Pharmed sanoat" хусусий корхонаси ташкил этилган.

Қайд этиш керакки, завод GMP халқаро стандартлари талабларига асосан реконструкция қилинган ва замонавий фармацевтик ҳамда лаборатория ускуналари билан жиҳозланган.

— "Pharmed sanoat" хусусий корхонасининг асосий ишлаб чиқариш стратегияси — дори воситаларини тайёрланиши давомидаги ҳар бир қадам (этап, жараён, босқич ва ҳоказо) қандай амалга оширилиши лозим бўлса, шундайлигини тўлиқ кафолатлайдиган сифатни таъминлаб турувчи тинимсиз иш жараёнидир.

Сир эмаски, ҳаттоки ўта замонавий жиҳозлар ва юқори технологияларга ҳам профессионал маълумотли, амалиётдан хабардор ва малакали ходимлар керак.

— "Pharmed sanoat" хусусий корхонаси раҳбарияти ходимларнинг касбий тайёргарлигига, қобилиятига ва ўз ишини уддалай олишига, тегишли билимларни эгаллаши ҳамда чуқурлаштира олишига катта аҳамият қаратади.

Шу боис "Pharmed sanoat" хусусий корхонаси GMP қоидаларини (тегишли ишлаб чиқариш амалиёти, фармацевтик ишлаб чиқариш учун тавсиялар тўплами) ўрганиш бўйича ўтказиладиган семинар-тренингларнинг доимий иштирокчисидир.

Ишлаб чиқариш фаолиятини 5 дона препаратдан бошлаган корхона, бугунги кунда 60 дан ортиқ турдаги дори воситасини аҳолига етказиб бермоқда. Уларнинг орасида ҳозирда эл ишончини қозонган грипп ва шамоллашга қарши «Ринза» таблеткалари, гепатоҳимояловчи — «Эссел» капсулалари, кам қонликка қарши «Глобекс» капсулалари бор.

Бундан ташқари, "Pharmed sanoat" хусусий корхонаси антибактериал, балғам кўчирувчи, яллиғланишга, грибокларга қарши ва яна бир қатор бошқа препаратларни ишлаб чиқаради.

Яқинда янги дори воситаси — «Цинарикс» таблеткаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қоплама билан ўралган ушбу дори воситаси ошқозон ҳазм қилишидаги камчиликлар, жигар ва ўт пуфаги йўллари касалликларини жуда самарали даволайди.

Қувонарлиси, "Pharmed sanoat" хусусий корхонаси доимий равишда завод ассортименти устида иш олиб боради. Бу эса ўз навбатида аҳолига сифатли дори воситаларини сотиб олиш кафолатини беради.


"Pharmed sanoat" хусусий корхонасининг барча маҳсулоти доимий назоратдан ўтади ва Ўзбекистон бозорига Тошкент шаҳрининг аккредитациядан ўтган сертификация органи томонидан берилган мувофиқлик сертификати билан етказилади.

Завод фаолиятининг яна бир асосий жиҳати — дори воситаларининг идишларида голограммалардан фойдаланиш, шунингдек, бошқа ҳимоя қатламлари, хусусан дори воситасининг номланишини ўйиб ёзиш, микротекст каби усулларни ишлатишдан иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда халқнинг ишончи ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчининг обрўсини кўтариш ва орттириш — "Pharmed sanoat" хусусий корхонасининг иш мезонига айланган.

P.S. Мақола "Pharmed sanoat" хусусий корхонаси директорининг сифат бўйича ўринбосари Зулфия ОРТИҚОВА ҳамкорлигида тайёрланди.

Қадали қутлуғ, қадри улуғ



Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири:

— Бугун Наврўзи олам шукуҳидан қалбларимиз мунаввар, дилларимиз шод. Буни таърифлашга сўз ожиз. Бу айёмда туғилиб ўсган гўшасини, беғубор ёшлик онларини ёдга олмаган киши бўлмаса керак.

Болалигим гўзал Фарғона вилоятининг Бешкўл қишлоғида кечган. У пайтлари Наврўз ҳозиргидек нишонланмаса-да, лекин бу фусункор фаслни иштиёқ ва ўзгача завқ-шавқ билан кутиб олардик. Ястанган водий қирларида очилган қизғалдоқларнинг алвон туси, гуллаган дарахтлар, қалдирғочларнинг баланд парвози кечагидек кўз ўнгимда. Отам кетмони қўлидан тушмайдиган деҳқон, онам энг эпчил теримчилардан эди. Ҳар қандай шароитда ҳам ота-онам менинг ўқимишли бўлишим учун барча имкониятни яратиб берган. Қаҳратон қишнинг узун кечаларида сандал атрофида онам айтиб берган эртаклар, достонлар, халқона қўшиқларни орзиқиш билан эслайман. Мактабга борганимда юзга яқин шеърларни ёд билардим. Кейинчалик адабиёт, хусусан, шеъриятга меҳр қўйдим. Кўклам оҳангларига йўғрилган кўплаб шеърлар, достонлар ёздим.

Мустақиллик бизга Наврўзни ҳақиқий байрам сифатида нишонлашга имкон берди. Айём сабабли дам олиш кунлари белгиланди. Шу билан бирга ҳар бир кишига, айниқса, ижодкорларга эркин фикрлашга, ўйлашга замин яратди.

Наврўзи оламнинг энг тансиқ ва тотли таоми сумалак ҳисобланади. Элимиз айни баҳор палласида бу сеҳрли неъматни эзгу ниятлар билан пиширади. Ушбу суюкли таомнинг тайёрланиши ҳам минг-минг йиллик тарихга эга. Ҳар гал сумалак қайнаётган дошқозон ёнига борарканман, қалбимда ушбу сатрлар жаранглайди:

— Сумалак — бу кўп тансиқ таом,
Буви Фотмам қилган ошлари.
Бу Наврўзга ҳурмат, эҳтиром,
Уни ширин қилган тошлари.

Удир янги йилдан нишона,
Яшариш ҳам улғайиш демак.
Баҳоройдан, гулдан шодёна,
Кўк чучвара, кўк сомса емак.

Ўйин-кулгу ярашар бизга,
Қани, қизлар, чилдирмани ол.
Ёшлар ўйнаб, очилсин гуллар,
Сайрасинлар булбуллар мисол!

Дарҳақиқат, Наврўзда она-табиат жонланибгина қолмай, инсон руҳияти ҳам уйғонади. Шундай экан, эзгулик байрами барча хонадонларимизга фаровонлик, бахт-саодат келтиришига тилакдошман.

Ўз саёҳатингизни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси билан бирга режалаштиринг!

UZBEKISTAN airways



2009 йил 1 мартдан

Тошкент - Сеул - Тошкент

йўналиши бўйича қатновлар сони оширилади.

Қатновлар ҳафтасига беш марта
душанба, сешанба, пайшанба, жума
ва якшанба кунлари бажарилади.

Жадвал, жойларнинг мавжудлиги ва тарифлар тўғрисида маълумотлар - (998 71) 140 02 00.

www. uzairways. com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, мунтазамлик, қулайлик!

СПОРТ

ҲИКМАТ ЭРГАШЕВ ЯНА БОШ МУРАББИЙ



16 март куни Тошкентнинг "Бунёдкор" футбол жамоаси мураббийлари таркибида бир қатор ўзгаришлар бўлди. 2006 йилдан бери клубда фаолият олиб бораётган ва унинг юксалишида муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ҳикмат Эргашев жамоанинг бош мураббийи этиб тайинланди. Хабарингиз бор, у олдин ҳам "Бунёдкор" футбол жамоасида мураббий бўлиб ишлаган. Мазкур клубнинг собиқ мураббийи Амет Мемет эса эндиликда Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийига ёрдамчи сифатида фаолият олиб боради. Шунингдек, у "Бунёдкор" жамоасида техник директор лавозимида ҳам фаолият юритади.


ХОТИРА ТУРНИРИ



Жорий йилнинг 9-13 март кунлари Муборак шаҳрида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Баҳром Вафоев хотира турнири бўлиб ўтди. Авval хабар берганимиздек, мусобақада 1996 йили туғилган футболчилар тўп суришди. Олтита жамоа иштирок этган мазкур турнирда «Машъал» академияси тарбияланувчилари биринчи ўринни қўлга киритишди. Иккинчи ўрин эса Тошкентнинг «Бунёдкор-1» футбол жамоасига насиб этди. Қашқадарёнинг «Бинокор» (Қарши) клуби футболчилари учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида турнирда ҳар бир чизиқ бўйича энг яхши футболчилар аниқланди. Унга кўра Шерзод Нишинбаев («Бунёдкор-1») энг яхши дарвозабон, Тимур Саидов («Чиғатой») энг яхши ҳимоячи, Семён Фардзинов («Бухоро») энг яхши ярим ҳимоячи, Мирзо Рўзиев («Машъал») энг яхши ҳужумчи деб топилган бўлса, Аҳрор Иноятов («Машъал») чемпионатнинг энг яхши футболчиси, дея эътироф этилди.

ҲАР ИККИ УЧРАШУВДА — НОКАУТ!



Ўтган ҳафтада бир қатор бокс учрашувлари ўтказилди. Улардан бирида йигирма саккиз ёшли америкалик боксчи Ола Афолаби Энцо Маккаринеллига қарши рингга чиқиб, рақибини нокаутга учратди ва ҳозирда WBO йўналишининг биринчи оғир вазнда вақтинчалик бўш турган чемпионлик камарини қўлга киритди. Учрашувнинг дастлабки дақиқалари тенг курашда кечган бўлса-да, муштлашувнинг иккинчи ярмида Энцо Маккаринелли тўлиқ устунликка эришди. Бирок, у тўққизинчи раундга келиб, секин ҳаракат қила бошлади. Бундан унумли фойдаланган Ола Афолаби унинг ўнг томонидан жуда кучли зарба бериб, нокдаунга учратди. Ерга қулаб тушган Энцо Маккаринелли ҳакам саноқни тугатгунича зўрға ўрнидан турди. Лекин у оёқда аранг тургани учун ҳакам учрашувни тўхтатишга қарор қилди.

Яна бир бокс учрашуви пуэрторикалик Роман Мартинес ва биринчи оғир вазнда WBO йўналиши камари соҳиби британиялик Ники Кука ўртасида бўлиб ўтди. Кутилганидек, учрашувнинг дастлабки раундларида амалдаги чемпион Ники Кука устунлик қилди. Аммо у жангнинг тўртинчи раундида рақиб томонидан берилган жуда хавфли зарбани ўтказиб юборди. Ўзига ортиқча ишониб юборган чемпион бунга қарамасдан учрашувни давом эттирди. Лекин орадан кўп ўтмай ўзини тўлиқ ўнглаб ололмагани учун чап томонидан яна "яхшигина" зарбани қабул қилди. Шундан кейин жанг тўхтатилди.

СЕРТИФИКАТ ИЮЛДА БЕРИЛАДИ

«Формула-1» чемпионатининг Абу-Дабидаги янги трассалари директори Филипп Гурджианнинг маълум қилишича, мазкур автопойга йўлагига сертификат Халқаро автомобиллар федерацияси томонидан шу йилнинг июль ойида берилади.

— ХАФ мутахассислар гуруҳи яна тўқсон кундан кейин Абу-Дабига боришади ва у ерда мусобақа бошлангунча, аниқроғи, июль ойигача бўлишади, — дейди франциялик мутахассис «Gulf News» газетасига берган интервьюсида. — Улар бу вақт оралиғида автопойга йўлакларини мусобақа ўтказишга ҳар томонлама тайёр эканини тасдиқлашлари керак. Шундан кейин бизга вақти-вақти билан келиб чиқадиган турли кичик муаммоларни ечиш қолади, холос.


Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

РИВОЯТ

Лолақизғалдоқ

Ривоят қилишларича, қадим замонларда бир бой яшаб ўтган экан. Унинг яккаю-ягона гўзал қизи бўлиб, унга кўпгина давлатманд бойлар, шаҳзодалар ошиқу беқарор бўлишибди.

Аммо бой қизини еру кўкка ишонмас, келган совчиларга рад жавобини берар экан. Бойнинг тоғда жуда кўп қўйлари бўлиб, уларни бир чўпон йигит боқарди. Бойнинг гўзал қизи эса мана шу чўпонга кўнгил қўйиб, у билан тез-тез учрашиб турарди. Йигит ҳам имкон топилди дегунча ўз севгилиси томон ошиқарди. Кунлардан бир кун бой ота бундан хабар топибди. Қизини ўлдиришни маъқул кўрибди. Бой хизматкорларига қизни отнинг думига боғлашни буюрибди.



Шунда от қизни қир-адир томон судраб кетибди. Тошларга, ерга урилиб қизнинг баданидан қонлар оқибди. Йўллар қип-қизил қонга бўялади. Мана шу жойдан келаси йили қип-қизил лолақизғалдоқлар униб чиқибди. Буни кўрган одамлар ўша қизни эслаб, "қиз улоқ" Лола қиз улоқи деб аташибди. "Лолақизғалдоқ" сўзи шундан пайдо бўлган экан.

Лолақизғалдоқнинг ичидаги қора доғ қизнинг юрагидаги севги, армон доғидан ўтган дейишади.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

РАССОМ ХАНДАСИ



А.ҲАКИМОВ чизган сурат.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. *ISSN* 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 236-53-92
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 16300 Буюртма — Г-254 2345678